



ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
НАМАНГАН ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИ САЙЛОВЛАР

*Ўқув-услубий қўлланма*

Наманган – 2021 йил

**УЎК:**

**КБК:**

**И -**

**Янги Ўзбекистон – янги сайловлар: ўқув-услубий тўплам / Талапов Б.**

Ушбу ўқув-услубий қўлланма Тошкент давлат юридик университети Кенгашининг томонидан 2021 йил 29 июнданги 03\01 -сонли қарори билан юриспруденция йўналиши учун тасдиқланган намунавий ўқув режасига биноан Конституциявий ҳукуқ фанидан ўқув-услубий қўлланма сифатида тайёрланган. Наманган давлат университетининг юридик факультетининг 2021 йил 27 августдаги 1-сонли қарори ва Наманган давлат университети ўқув-услубий Кенгашининг 2021 йил августдаги қарори билан маъқўлланган. Мазкур ўқув-услубий қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил этиш ва ўтказишнинг ҳуқуқий асослари, сайлов комиссиялари, айниқса участка сайлов комиссиялари амалий фаолиятини ташкил этишга оид савол-жавоблар, муаммоли вазиятлар, форс-мажор ҳолатлар бўйича тавсиялар, тестлар, сайлов жараёнида фойдаланиш учун зарур процессуал ҳужжатлардан намуналар ўрин олган.

Ўқув-услубий қўлланма юриспруденция йўналиши талабалари ва магистрантлари ва сайлов жараёнларини ташкил қилиш бўйича семинар-тренинглар ўтказувчилар, шунингдек кенг жамоатчилик учун фойдали ҳисобланади.

*Тақризчилар:*

**Ақаева Марафат Абдуҳолиқовна**

Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви кафедраси мудири,  
юридик фанлар номзоди, доцент

## **ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИ САЙЛОВ ЖАРАЁНИ**

*(Сўзбоши ўрнига)*

Демократик тамойиллар асосида ўтказилган сайловлар мамлакат аҳли учун улкан синов, ҳамда ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш учун буюк имконият. Юрт аҳлида Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси баланд бўлса, ҳалқнинг ҳамжиҳатлиги ва сайловчиларнинг фаоллиги ҳам юқори бўлади. Сайлов –жамиятдаги демократиянинг муҳим белги сифатида мамлакат аҳолисининг сиёсий фаоллигининг асосий кўрсаткичи ҳам ҳисобланади.

Демократик сайловлар давлат ва жамиятни ҳамда уларнинг такомиллашган моделларини шакллантириш мақсадларидағи тарихий ривожланишнинг зиддиятли изланишлари натижаси ўлароқ пайдо бўлган институтдир. XX асрга келиб давлат ҳокимияти органларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган демократик сайловлар жаҳондаги аксарият мамлакатлар сиёсий ҳаётидаги табиий бир жараёнга айланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўзининг ёрқин ифодасини топган демократик тамойилларга асосланган қоидаларнинг сайлов жараёнларида жорий қилиниши фуқаролик жамияти яшовчанлигини таъминлаш ва уни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Зеро, у мамлакатда демократик сайлов тизимини шаклланиши ва тараққий топиши учун қулай ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб беради. Сайлов тизимиға доир мазкур Конституциявий тамойиллар президентлик, парламент, ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларини шакллантириш ва фуқароларнинг сайловларда қатнашиши ҳуқуқини эмин-эркин амалга ошириш, мамлакатда ҳалқ ҳокимиятини қарор топтириш ва давлатнинг демократик тамойиллар асосида ташкил этиш учун муҳим демократик пойdevор сифатида хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида мамлакатимизда ўтказиладиган сайловлар ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган стандартларга мос демократик тамойиллар асосида ўтказилиши қўйидагича мустаҳкамлаб қўйилган: «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан

кафолатланади. Сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади».

Асосий қонунимизга мувофиқ сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексининг 4-моддасига асосан фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадир.

Конституциямизнинг 117-моддасига кирган ўзгартишларга ҳамда Сайлов кодексимизга асосан эндиликда ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган жиноят этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахсларда сайловда иштирок этиш, яъни сайлаш ҳуқуқи берилди. Бу эса озодликдан маҳрум этиш жойларида сайлов участкалари тузилиши мумкинлигини Кодекснинг 10, 27-моддаларида мустаҳкамлаш имкониятини берди. Буларнинг барчаси эса умумий сайлов ҳуқуқи принципини янада кенгроқ таъминланганидан, халқаро стандартлар талабларини имплементация қилинганидан далолат беради.

Мамлакатимиздаги сайлов тизими сайловчиларнинг хоҳиш-иродаси, сайлов жараёнларида шаклланаётган амалиёт, халқаро ташкилотларнинг тавсиялари ва хорижий давлатларнинг бу борадаги ижобий ютуқларини чуқур таҳлил қилиш ва қўллаш асосида такомиллашиб бормоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида алоҳида сайлов қонунчилигига тўхталиб, “Бу борада қабул қилинган 6 та қонун ва бир қатор қонуности ҳужжатлари, афсуски, ҳалигача яхлит бир ҳужжат шаклига келтирилмаган. Шу сабабли халқаро норма ва стандартларга жавоб берадиган ягона Сайлов кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим”<sup>1</sup> дея таъкидлаб ўтган эди. Шундан сўнг ЕХХТ ДИИҲБнинг эксперталарининг 30 ортиқ таклиф ва тавсиялари, бошқа халқаро эксперталар ва миллий экспертларнинг

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси./Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Тошкент: Ўзбекистон, 2018. -96 б.

кўплаб таклиф ва тавсиялари асосида 2019 йил 25 июнда Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси қабул қилинди. Мазкур Сайлов кодекси мустақиллик даврида қабул қилинган 5 та - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, Республика Президентлигига, маҳаллий вакиллик органларига, шунингдек, фуқаролар сайлов ҳуқуқлари кафолатлари, Марказий сайлов комиссиясига оид қонунни ўзида мужассамлаштирди. Илгари мазкур 5 та қонуннинг барчасида 190 та модда тарқоқ ҳолда мавжуд бўлган бўлса, улардаги турли тақорланиш ёки ўз аҳамиятини йўқотган моддалар қисқартирилиб ёки бирлаштирилиб 103 та моддага қисқартирилди. Бу моддалар 18 та бобни ташкил этди.

Сайлов кодексида илгари мавжуд бўлмаган моддалар – мамлакатдаги сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати, участка сайлов комиссиясининг овоз беришдан олдинги фаолияти, участка сайлов комиссиясининг овоз бериш кунидаги фаолияти, сайловчининг ўзи турган жойида овоз бериш, участка сайлов комиссиясининг овоз бериш тугаганидан кейинги фаолияти, Сенат аъзолигига номзодлар кўрсатиш тартиботи, Сенат аъзоларининг сайлови бўйича овоз беришни ташкил этиш, Сенат аъзоларининг сайлови бўйича овоз бериш тартиби, Сенат аъзоларининг сайлови бўйича овозларни санаб чиқиш ва сайлов натижаларини аниқлаш, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, участка сайлов комиссиялари жойлашган биноларни, хоналарни ва овоз бериш хоналарини жиҳозлашга оид моддалар қабул қилинди.

Мазкур кодекснинг асосий вазифаси Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, вилоят, туман ва шаҳар вакиллик органларига бўладиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишга оид фаолият ва хатти-ҳаракатларни ҳуқуқий жиҳатлардан мувофиқлаштириш эди.

Сайлов кодексини қабул қилиниши сайловчилар учун қуйидаги қулийликларни яратди:

- сочилиб ётган, турли йилларда қабул қилинган ушбу 5 та қонунни битта Сайлов кодексига бирлаштириб, бир-бирини тақорорлайдиган ёки ҳаётда эскириб қолган моддаларни чиқариб ташлаб, ҳар қандай фуқарони танишиб чиқиши учун аниқлик ва қулийликлар яратди;

- сайлов кампаниялари даврида рўй бериши мумкин бўлган турли чалкашликлар ва тушунмовчиликлар рўй бериши олди олинди, сайлов

тизимидағи турли субъектларнинг ўзаро алоқалари ва муносабатларини амалга ошириш соддалаштирилди;

- сиёсий партияларнинг барча органлари, Марказий сайлов комиссиясидан то сайлов участкасигача бўлган қуи даражаларда сайловни уюштирувчи барча мутахассис ва ходимлар фаолиятини ташкил этиш осонлашди ва қулайлашди;

- хорижий ва миллий экспертлар, сайловларни назорат қилиш билан боғлиқ халқаро ташкилотлар вакилларини сайловни ўрганиш ва сайлов кампаниясини назорат қилишга фаолиятларида вазиятни таҳлил этишларига қулайлик яратди.

Сайлов кодексининг қабул қилиниши – бу Ўзбекистонда сайловларни амалга ошириш соҳасида халқаро стандартларга оғишмай амал қилишининг ифодаси эди.

Сайлов кодексида халқаро ҳуқуқ нормаларини ўзида ифодалашни намоён этувчи янгича қоидалар ҳам мужассамлашди. Улар қуидагилардан иборатdir:

- сайлов кампанияси даврида сайловларга оид барча сиёсий муносабатларни субъекти ролини ўйнаш вазифасини фақат сиёсий партияларга берилиши;

- Экологик ҳаракатга берилган алоҳида имтиёз – унга берилган 15 та депутатлик ўрнини ажратиш қоидаси қонундан чиқариб ташланди (яrim йилдан сўнг бу ҳаракат ўзини сиёсий партия деб эълон қилди);

- маҳаллий вакиллик органлари - халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан номзод қўрсатиш ҳуқуқининг бекор қилиниши (бу ҳолат қуи палатага бўладиган сайловни маҳаллий эмас, балки миллий аҳамиятга эга бўлишини таъминлайди);

- сиёсий партиялар номзодлари илгари Қонунчилик палатасида 135 та депутатлик ўринларини эгаллаган бўлса, бу қўрсаткич энди 150 тадан иборат бўлди.

Орадан икки йил ўтиб, Сайлов кодекси асосида ўтказилган Парламент сайлови ушбу кодексдаги кемтик жиҳатларини тўлдириш ва халқаро стандартларга янада мослаштириш борасида 40 зиёд ўзгаришларни амалга оширилди.

- халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари институти тугатилиши ва уларнинг ваколатлари туман (шаҳар) сайлов комиссиялари зиммасига юкланиши;

- хорижда истиқомат қилаётган Ўзбекистон фуқароларини, дипломатик ваколатхоналарнинг консуллик ҳисобида бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, сайловчилар рўйхатига киритиш тартиби, шунингдек, чет давлатларда сайловчилар яшаётган ёки ишлаётган жойда кўчма қутиларда овоз беришининг ҳукуқий асоси яратилди;

- қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида, ҳарбий қисмларда ташкил этилган сайлов участкаларини кузатувчилар ўз ташрифи ҳақида камида 3 кун олдин хабардор қилиши тартиби белгиланди:

- “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Қонун Сайлов кодекси билан мувофиқлаштирилиб, парламент ва маҳаллий вакиллик органларига сайловлар билан тенг равишда Президент сайловини ҳам давлат томонидан молиялаштириш тартиби белгиланди:

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳукуқлари бўйича бюросининг тавсиялари асосида Сайлов кодексига қуйидаги ўзгартиришлар киритилди:

- сайлов комиссияларининг номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга оид вазифаси чиқариб ташланди;

- сайлов натижаларини эълон қилиш муддатлари асосиз чўзилишининг олдини олиш мақсадида сайлов комиссиялари қарорлари устидан шикоят муддати 10 кундан 5 кунга қадар қисқартирилди;

- сайловолди ташвиқоти даврида давлат хизматчиларига, агар улар номзодларнинг ишончли вакил бўлмаса, шунингдек, ҳарбий хизматчиларга, диний ташкилотлар хизматчиларига, судьяларга сайловолди ташвиқотини олиб бориш тақиқланди.

Хулоса қилиб айтганда, Сайлов кодексини демократлаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар қуйидаги натижаларни беради. Булар, миллий сайлов қонунчилиги умумэътироф этилган халқаро сайлов стандартларига янада мувофиқлаштирилади, сайлов жараёнлари очиқ ва ошкора ўтишини таъминлашга эришилади, фуқароларнинг сайловлардаги иштироки камайиб кетиши каби салбий ҳолатларнинг олди олинади ҳамда кузатувчилар ва сайловчилар учун қулай шароит яратилади, сайловлардан кейин олий давлат органларини ўз муддатида шакллантириш ва муҳим сиёсий қарорларни қабул қилиш учун

етарлича имконият бўлади, Ўзбекистоннинг жаҳон мамлакатлари демократия индексидаги ўрни яхшиланиши таъминланади.

**Президент сайловини ўтказувчи 6- Наманган сайлов округи раиси, Наманган давлат университети ректори, педагогика фанлари доктори, профессор Собитхон Турғунов**

## **1-БЎЛИМ.**

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИГА ОИД САВОЛ-ЖАВОБЛАР**

#### **І БОБ.УСК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ**

**1-савол:** Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига доир сайлов бюллетенининг шакли ва матни қайси орган томонидан тасдиқланади.

**Жавоб:** Сайлов бюллетенининг шакли ва матни Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади.

**2-савол:** Участка сайлов комиссиясининг(кейинги ўринларда – УСК) аъзоси ўз вазифасини бажаришдан озод этилиши мумкинми?

**Жавоб:** Ҳа, мумкин. УСКнинг аъзоси тегишинча округ сайлов комиссиясининг(кейинги ўринларда – ОСК) қарорига мувофиқ қуийдаги ҳолларда ўз вазифасини бажаришдан озод этилиши мумкин:

шахсий аризасига кўра;

ваколатларидан маҳрум этилган тақдирда;

Сайлов кодекси талабларини бузган ёки зиммасидаги мажбуриятларини мунтазам равишда бажармаган тақдирда.

Бунда УСК аъзосининг Сайлов кодекси талабларини бузганлиги ёки зиммасидаги мажбуриятларга мунтазам равишда эътиборсизлик қилганлигига оид ҳолат у аъзо бўлган УСКнинг далолатномаси билан расмийлаштирилади.

**3-савол:** УСК аъзоси сайлов кампанияси даврида иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатилиши ёки бошқа ишга ўтказилиши мумкинми?

**Жавоб:** йўқ, мумкин эмас. УСК аъзоси ўз ваколат муддати тугагунига қадар сайлов кампанияси даврида иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатилиши ёки унинг розилигисиз бошқа ишга ўтказилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 165-моддаси УСК аъзосининг мазкур ҳуқуқларини ҳимоя қиласиди.

**4-савол: УСК мажлислари қайси ҳолатларда ваколатли эмас деб ҳисобланади?**

**Жавоб:** УСКнинг мажлиси, агар унда мажлис ўтказилаётган кундаги комиссия аъзолари умумий сонининг камидан учдан икки қисми аъзоларидан кам аъзолар иштирок этган бўлса, ваколатли бўлиб ҳисобланмайди.

**5-савол: УСК мажлиси комиссия аъзосининг ташаббусига доир чақирилиши мумкинми?**

**Жавоб:** агар ушбу ташаббус комиссия аъзолари умумий таркибининг камидан учдан бир қисми талабига биноан қўллаб-куватланса, чақирилиши мумкин.

**6-савол: УСКнинг қарорларини яширин овоз бериш йўли билан қабул қилиш мумкинми?**

**Жавоб:** йўқ. УСКнинг қарорлари яширин овоз бериш йўли билан эмас, балки очиқ овоз бериш йўли орқали комиссия аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

**7-савол: УСКнинг қарорини қабул қилиш жараёнида овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, қандай йўл тутиш лозим?**

**Жавоб:** овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

**8-савол: УСК сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат органларига мурожаат қилишга ҳақлими?**

**Жавоб:** ҳа. УСК сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан нафақат давлат органлари, балки жамоат бирлашмаларининг органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, улар қўйилган масалани кўпи билан уч қунлик муддатда кўриб чиқиши ва УСКга жавоб қайтариши шарт.

**9-савол: УСК ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлар кимлар учун мажбурий бўлиб ҳисобланади?**

**Жавоб:** УСК ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарори барча давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва ҳарбий қисмлар, корхоналарнинг, муассасаларнинг ва ташкилотларнинг раҳбарлари ижро этиши учун мажбурийдир.

**10-савол:** УСК раиси ва унинг ўринбосари бир вақтда COVID-19 билан касалланиб ўз фаолиятини амалга ошириш имконига эга бўлмаган тақдирда нима қилиш лозим?

**Жавоб:** бундай ҳолатда УСК қарори билан комиссия аъзоларининг бири зиммасига раис ваколатлари юклатилади.

**11-савол:** УСК аъзоси иш берувчи томонидан лавозимидан озод этилганилиги муносабати билан комиссия аъзолигидан чиқиши мумкинми?

**Жавоб:** йўқ, УСК аъзоси ўз ваколат муддати тугагунига қадар сайлов кампанияси даврида иш берувчининг ташабbusи билан ишдан бўшатилиши ёки унинг розилигисиз бошқа ишга ўtkазилиши мумкин эмас.

**12-савол:** Сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишни сайлов комиссиялари қандай принципларга асосан амалга оширади?

**Жавоб:** Сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишни сайлов комиссиялари очиқ ва ошкора амалга оширади.

**13-савол:** УСК мажлиси баёнида нималар акс эттирилиши лозим?

**Жавоб:** Мажлисда кун тартиби, унда иштирок этаётган комиссия аъзоларининг исми, фамилияси, отасининг исми, кўрилган ҳар бир масала бўйича овоз бериш натижалари, қабул қилинган қарор акс этган баённома юритилади.

Баённома раислик қилувчи ва котиб томонидан имзоланади.

Баённомага мажлисда қабул қилинган қарор, хулосалар ва бошқа ҳужжатлар, шунингдек, комиссия аъзоларининг у ёки бу масала юзасидан алоҳида фикрлари ёзма шаклда илова қилинади.

**14-савол: УСК қачон ўз фаолиятини тугатади?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунлари расмий эълон қилинганидан кейин

## **II БОБ.УСК ЖОЙЛАШГАН БИНО ВА ОВОЗ БЕРИШ ХОНАЛАРИНИ ЖИҲОЗЛАШ**

**15-савол: Овоз бериш биноларига қўйиладиган талаблар нималардан иборат?**

**Жавоб:** овоз бериш бинолари махсус ажратилган жойлар бўлиб, уларда яширин овоз бериш учун етарли миқдорда кабиналар ёки хоналар жиҳозланиши, сайлов бюллетенларини бериш учун жойлар ажратилиши ҳамда сайлов қутилари ўрнатилиши керак. Сайлов қутилари овоз берувчилар уларнинг ёнига албатта яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналари орқали ўтиб келадиган қилиб ўрнатилади. Овоз бериш биносида бошқа ҳеч қандай сиёсий тадбирлар ўтказилишига рухsat этилмайди. Биноларни жиҳозлаш ва уларда зарур тартибни сақлаб туриш масъулияти УСК зиммасида бўлади.

**16-савол: овоз бериш бинолари сайлов комиссияларига қачон тақдим қилиниши керак?**

**Жавоб:** камида ўн бир кун олдин

**17-савол: УСК жойлашган бинолар нималарга эга бўлиши керак?**

**Жавоб:** УСК жойлашган бинолар тегишли тарзда жиҳозланиши ва қўйидагиларга эга бўлиши керак:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи (бинонинг устида ва ичida);

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби (бинонинг ичida);

сайлов участкасининг тартиб рақами кўрсатилган пешлавҳа;

яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналари;

сайлов қутилари;

зарурат бўлса, жисмоний имконияти чекланган шахслар учун махсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабиналари;

кузатувчилар учун алоҳида жойлар;

сайлов санасига бағишланған плакатлар;  
сайлов участкасининг харитаси;  
УСК аъзоларининг таркиби, иш режаси, навбатчилик жадвали ҳақидаги ахборот;  
сайловга тайёргарлик күриш ва уни ўтказишга тааллуқли маълумотлар жойлаштириладиган махсус стенд;  
барча рўйхатга олинган номзодларнинг Марказий сайлов комиссияси томонидан нашр қилингандар таржимаи ҳоли ва дастури;  
зарур мебель, офис техника воситалари (телефон, принтер, Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланган ва Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимиға кириш имкониятига эга бўлган компьютерлар, сейф, канцелярия товарлари);  
ёнфинга қарши воситалар.

**18-савол: яширин овоз бериш кабинасига қўйиладиган талаблар нималардан иборат?**

**Жавоб:** Яширин овоз бериш кабинаси у жойлашган хонада ҳозир бўлғанлар томонидан сайловчининг яширин овоз беришини қузатишга имкон бермайдиган ва унинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини таъминлайдиган даражада ўралган ҳолда ташкил этилади. Кабинанинг баландлиги 2 метр ва эни 0,75 метр бўлиши керак.

**19-савол: кўчма сайлов қутиларига қўйиладиган талаблар нималардан иборат?**

**Жавоб:** Кўчма сайлов қутилари бинодан ташқарида овоз бериш учун мўлжалланған. Овоз бериш учун кўчма сайлов қутиларининг габаритлари 30x20x35 см бўлиши керак. Муддатидан олдин овоз бериш учун кўчма сайлов қутиларининг сони тегишли УСК қарори билан белгиланади ва уларнинг ҳар бирига тартиб рақами қўйилган бўлиши керак.

**20-савол: УСК иш хужжатлари номенклатурасини қандай хужжатлар ташкил қиласи?**

**Жавоб:** уларнинг сони кўп эмас. Хусусан:

- 1) УСК қарорлари, баённомалари ва далолатномаларининг жилди;
- 2) кириш, чиқиш хужжатларини рўйхатга олиш дафтари ва жилди;
- 3) кузатувчиларни рўйхатга олиш дафтари.

**21-савол:** Сайлов участкасида яширин овоз бериш кабиналарини жойлаштириш вақтида сайловчиларнинг сонини эътиборга олиш зарурми?

**Жавоб:** албатта зарур. Яширин овоз бериш кабиналари:

1000 нафаргача сайловчи учун камида 2 та;

2000 нафаргача сайловчи учун камида 3 та;

3000 нафаргача сайловчи учун камида 4 та ўрнатилиши лозим.

**22-савол:** УСКга берилган пластмасса пломбаларининг умумий сони 7 дона. Улардан қачон ва қандай мақсадда фойдаланилади?

**Жавоб:** пластмасса пломбалардан сайлов куни стационар ва қўчма қутиларни пломбалаш жараёнида, шунингдек сайлов якунидан сўнг бўллетенлар қопларга жойлаштирилганидан сўнг фойдаланилади. Жумладан, уларнинг:

- 1) 3 таси стационар сайлов қутиси учун;
- 2) 1 таси қўчма сайлов қутиси учун;
- 3) 1 таси қоп учун;
- 4) 2 таси захира учун.

Пломбаларнинг барчаси тартиб рақамига эгалигини унутмаслик лозим ва ушбу рақамларни, албатта, далолатномада акс эттириш зарур.

**23-савол:** Сайлов участкасида жойлаштириладиган стендарда нима учун сайловолди ташвиқотига оид нишон ва аломатлар бўлмаслиги керак?

**Жавоб:** УСК холис ва мустақил орган, айнан сиёсий партиялар томонидан кўрсатиладиган номзодларга нисбатан холисликни таъминлаш мақсадида бу қоида белгиланган.

**24-савол:** Миллий гвардия қўриқлаш бўлинмалари ёки ички ишлар ходимлари қачондан бошлаб бўллетенлар ҳамда бошқа хужжатлар сақланадиган бинонинг қўриқланишини таъминлайди.

**Жавоб:** Миллий гвардия қўриқлаш бўлинмалари ёки ички ишлар ходимлари сайлов бўллетенлари олинган кундан бошлаб бўллетенлар ҳамда бошқа хужжатлар сақланадиган бинонинг қўриқланишини таъминлайди.

### **III БОБ. САЙЛОВЧИЛАР РҮЙХАТИ**

**25-савол: Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш тартиби қандай?**

**Жавоб:** Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ваколатли давлат органлари томонидан тақдим этиладиган ахборот негизида шакллантирилади ва янгилаб турилади, сайлов кампанияси даврида эса тегишли УСК томонидан аниқлаштирилади.

Ҳар бир УСК тузилганидан кейин уч кун ичида Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатида тақсимланган мазкур участка сайловчиларининг дастлабки рўйхатини олади.

УСК сайловчиларнинг дастлабки рўйхатини олганидан кейин уни мазкур участка ҳудудида яшовчи аҳолини уйма-уй айланиб чиқиш йўли билан аниқлаштириш чораларини кўради.

УСК сайловчилар рўйхатини аниқлаштириш бўйича иштирок этиш учун жамоатчилик вакилларини жалб этиши мумкин. Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари сайловчиларнинг рўйхатларини аниқлаштириш ишларига кўмаклашади.

Сайлов комиссиялари аҳолини уйма-уй айланиб чиқиш натижалари бўйича сайловчининг Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатидаги фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва яшаш жойи манзилига оид тузатишлар қилиб, сайловчилар рўйхатларига ўзгартишлар киритиши мумкин.

Сайловчиларнинг рўйхати ҳар бир сайлов участкаси бўйича УСК томонидан тузилади ҳамда унинг раиси ва котиби томонидан имзоланади.

**26-савол: Кимлар сайловчилар рўйхатига киритилади, бунда қайси талабларга эътибор қаратиш зарур бўлади?**

**Жавоб:** Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган пайтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истикомат қилаётган Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари сайловчилар рўйхатига киритилади.

Ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганилиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловчилар рўйхатига киритилмайди.

**27-савол:** УСК аъзолари сайлов участкаси ҳудудида яшовчи сайловчилар тўғрисида маълумотларни олганидан кейин, нима мақсадда уйма-уй айланиб чиқадилар?

**Жавоб:** УСК аъзолари сайлов участкаси ҳудудида яшовчи сайловчилар тўғрисида маълумотларни олганидан кейин, ушбу маълумотларнинг тўғрилигини уйма-уй айланиб чиқиш орқали аниқлик киритади.

**Уйма-уй айланиб чиқиш вақтида фуқароларнинг сайлов куни ушбу участка ҳудудида бўлиш-бўлмаслигига аниқлик киритилади.**

Сайлов участкаси ҳудудида вақтинча истиқомат қилаётган фуқаролар бўлса, уларнинг овоз бериш куни ушбу ҳудудда бўлиши ёки бўлмаслиги ўзаро сұхбат чоғида аниқланади.

Агар сайлов участкаси ҳудудида вақтинча истиқомат қилаётган фуқаролар билан ўзаро сұхбат чоғида улар овоз бериш куни ушбу сайлов участкаси ҳудудида бўлиши аниқланса, ушбу фуқаролар вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган ёки олинмаганлигидан қатъий назар сайловчилар рўйхатига киритилади.

**28-савол:** Сайлов участкаси ҳудудида вақтинча истиқомат қилаётган фуқарони сайловчилар рўйхатига киритишнинг зарурий шарти нимада?

**Жавоб:** Фуқароларимизнинг ҳеч бир овози беэътибор қолмаслиги лозим. Шунинг учун сайлов участкаси ҳудудида вақтинча истиқомат қилаётган фуқаролар билан **шахсан сұхбат қилиниши зарур**. Агар сайлов участкаси ҳудудида вақтинча истиқомат қилаётган фуқаролар билан шахсан сұхбат қуриш имконияти бўлмаса, улар сайловчилар рўйхатига киритилмайди.

**29-савол:** Сайловчилар рўйхатига қўшимчалар киритиш ёки чиқаришга асос бўладиган масалалар нималардан иборат? Бунда ҳолларда УСК қандай чораларни кўриши зарур?

**Жавоб:** Қуйидагилар сайловчилар рўйхатига фуқарони киритиш ёки чиқариш учун асос бўлиши мумкин:

- 1) сайловчининг ФИШ да хатоликлар;
- 2) сайловчининг турар жойидаги маълумотлар билан боғлиқ хатоликлар;
- 3) сайловчининг вафоти билан боғлиқ маълумотлар;
- 4) тегишли сайлов участкасидан кўчиб кетган ёхуд кўчиб келган сайловчи билан боғлиқ масалалар;
- 5) касалхонага даволаниш учун жойлаштирилган сайловчилар билан боғлиқ ҳолатлар;
- 6) суднинг фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори бекор қилинганинига оид маълумотлар;
- 7) фуқаронинг озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод этилганини тасдиқловчи хужжат.

Бундай ҳолатда **УСК қўйидаги чораларни қўради**:

сайловчилар рўйхатига кирмаган фуқарони рўйхатга киритиш;  
сайловчининг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган санаси,  
яшаш манзилига тузатиш киритиш;

вафот этган сайловчини сайловчилар рўйхатидан чиқариш ва х.к.

**УСК котиби** ўзгартириш керак бўлган сайловчининг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами ёки паспорт ёхуд идентификация ID-картаси серияси ва рақамини киритган ҳолда сайловчини қайси сайлов участкасининг сайловчилар рўйхатига киритилганини аниқлайди ва сайловчининг маълумотлари бўйича *рўйхатга тегишли ўзгартиришларни киртади*.

**30-савол: Сайлов участкаси ҳудудида вақтинча истиқомат қилаётган фуқаро сайловчилар рўйхатига киритилган тақдирда, УСК қандай чоралар қўради?**

**Жавоб:** Сайлов участкаси ҳудудида **вақтинча истиқомат қилаётган фуқаро сайловчилар рўйхатига киритилган тақдирда**, доимий яшайдиган УСКга уни сайловчилар рўйхатидан чиқариб, бошқа жойда рўйхатга олинганини ҳақидаги хабарнома СЖБАТ орқали автоматик тарзда юборилади. Фуқаро доимий яшайдиган жойи бўйича УСК СЖБАТ орқали олингандан хабарнома асосида фуқаро вақтинча истиқомат қилаётган УСК билан телефон орқали боғланади ва сайловчининг вақтинча истиқомат жойидаги сайлов участкасида

рўйхатга киритилиши сабабларига аниқлик киритади. Бунга асослантирилган сабаб бўлган тақдирда фуқарони доимий яшайдиган жойи бўйича сайловчилар рўйхатига қайта киритилишига йўл қўйилмайди.

**31-савол:** Сайловчиларнинг рўйхатларидағи хато ёки ноаниқлик юзасидан тушган мурожаатлар юзасидан УСК томонидан қандай ҳаракатлар амалга оширилади?

**Жавоб:** Сайловчиларнинг рўйхатларидағи хато ёки ноаниқлик юзасидан тушган мурожаатлар УСК томонидан **24 соат ичида қўриб чиқилиши** ва уларни текшириши ҳамда хатони ёки ноаниқликни бартараф этиши ёхуд мурожаат қилувчига унинг мурожаати рад этилганлиги тўғрисида асослантирилган жавоб берини шарт.

**32-савол:** Сайловчиларнинг рўйхатларидағи хато ёки ноаниқлик юзасидан тушган мурожаатларни УСК томонидан ўрганиш натижасига кўра, қандай қарор қабул қиласи?

**Жавоб:** УСК бундай мурожаатни ўрганиб чиқиб:  
фуқарони сайловчилар рўйхатига киритиш;  
сайловчилар рўйхатидаги маълумотларга (фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган санаси, яшаш манзили) тузатиш киритиш;  
сайловчилар рўйхатини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида қарор қабул қиласи.

**33-савол:** Сайловчилар рўйхатига киритиш учун нима асос бўлади?

**Жавоб:** Асослар қўйидагилар:  
сайловчининг тегишли сайлов участкаси худудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиши;  
ёши ўн саккизга тўлганлигини тасдиқловчи ҳужжат;  
суднинг фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори бекор қилинганлиги ёки фуқаронинг озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод этилганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

**34-савол:** Сайловчиларнинг рўйхатлари ким томонидан тасдиқланади?

**Жавоб:** Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга ўн беш кун қолганида УСК котиби томонидан СЖБАТдан юклаб олинади, чоп қилинади ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилади.

**Сайловчилар рўйхати УСК раиси ва котиби томонидан имзоланади ҳамда УСК мухри билан тасдиқланади.**

**35-савол: Сайловчиларнинг рўйхатларига қачонгача ўзгартишлар киритиш мумкин?**

**Жавоб:** Сайловчиларнинг рўйхатларига ўзгартишлар киритиш сайловга беш кун қолганида тўхтатилади.

**УСК котиби** сайловдан **беш кун олдин** ўз ҳудудидаги сайловчиларнинг охирги рўйхатларини СЖБАТдан юклаб олади ва чоп этади.

**36-савол: Овоз бериш куни бирон-бир сабаб билан сайловчилар рўйхатига кирмай қолган сайловчилар қандай рўйхатга олинади?**

**Жавоб:** Сайловчилар рўйхатига кирмай қолган **сайловчилар шахсини, фуқаролиги ва яаш жойини** (доимий яаш жойи ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олингандигини) тасдиқловчи хужжат асосида **сайловчилар рўйхати иловасига киритилади.**

УСК томонидан сайловчининг сайловчилар рўйхати иловасига киритилиши ҳақидаги мурожаати **мурожаатлар қайдлов дафтарига** сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, яаш жойи, мурожаат қилинган вақт ҳақида тегишли ёзув киритади ва ушбу маълумотлар УСК аъзосининг ва сайловчининг имзоси билан тасдиқланади.

Сайлов куни сайловчини сайловчилар рўйхати иловасига киритишдан олдин УСК аъзоси уни қайси сайлов участкасига тегишлилигини СЖБАТдан қидириб топади ва алоқа воситалари орқали тегишли УСК билан суҳбат чоғида сайловчининг ўша сайлов участкасида овоз бермаганини аниқлагандан сўнг сайловчининг ушбу сайлов участкасида сайловчилар рўйхати иловасига киритилгани ҳақида хабардор қилиши керак.

Хабардор қилинган УСК ўз сайлов участкасидаги сайловчилар рўйхатига ушбу сайловчи бошқа сайлов участкасида овоз берганлиги ҳақида маълумотни киритади ҳамда **ушбу сайловчини якуний**

**баённомада участкадаги сайловчиларнинг умумий сонига киритмаслиги лозим.**

**37-савол: УСК сайловчилар рўйхатини тузиш ишларига ихтиёрийлик асосида ички ишлар органлари ходимларини жалб қилиши мумкинми?**

**Жавоб:** йўқ, мумкин эмас. УСК сайловчилар рўйхатини тузиш ишларига фақатгина жамоатчилик вакиллари ва волонтёрларни жалб қилиши мумкин. Туман ва шаҳар ҳокимликлари эса сайловчиларнинг рўйхатларини аниқлаштириш ишларига кўмаклашади.

**38-савол: сайловчилар рўйхатини тузища кимлар ушбу рўйхатга киритилмайди?**

**Жавоб:** суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловчилар рўйхатига киритилмайди.

**39-савол: сайлов участкаси ҳудудида вақтинча истиқомат қилаётган фуқаролар сайловчилар рўйхатига киритиладими?**

**Жавоб:** Ушбу масала уларнинг овоз бериш куни ушбу ҳудудда бўлиши ёки бўлмаслигига кўра ҳал эталади. Уларнинг овоз бериш куни ушбу ҳудудда бўлиши ёки бўлмаслиги ўзаро суҳбат чоғида аниқланади.

Сайлов участкаси ҳудудида вақтинча истиқомат қилаётган фуқаролар билан шахсан суҳбат қуриш имконияти бўлмаса, улар сайловчилар рўйхатига киритилмайди.

Агар сайлов участкаси ҳудудида вақтинча истиқомат қилаётган фуқаролар билан ўзаро суҳбат чоғида улар овоз бериш куни ушбу сайлов участкаси ҳудудида бўлиши аниқланса, мазкур фуқаролар вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган ёки олинмаганлигидан қатъий назар сайловчилар рўйхатига киритилади.

**40-савол: УСК аъзолари томонидан сайловчилар рўйхатини аниқлаштириш жараёнида уларга нималар тушунтирилиши лозим?**

**Жавоб:** УСК аъзолари сайловчиларга муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқлари борлиги, турган жойда овоз бериш имконияти

**мавжудлиги, вақтинча яшаш манзилида тузилган УСКларда ҳам овоз бериш мумкинлигини тушунтиришлари лозим.**

#### **IV БОБ. МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ**

**41-савол: Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи УСКга қандай ҳужжатларни тақдим этиши керак?**

**Жавоб:** Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи тегишли УСКнинг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда сайлов кунида бўла олмаслигининг сабаблари (*таътил, хизмат сафари, хорижга чиқиш ва ҳоказо*) кўрсатилган ариза асосида тегишли УСКдан сайлов бюллетенини ва конвертни олади.

**УСК сайловчидан сайлов кунида бўла олмаслигининг сабабларини тасдиқловчи қўшимча ҳужжатларни талаб қилиши тақиқланади.**

**Сайловчи** сайлов бюллетенини олганлиги ҳақида тегишли УСКнинг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигига белгиланган шаклдаги сайловчилар рўйхати кўчирмасига имзо қўяди.

**УСК аъзоси** муддатидан олдин овоз берган сайловчини СЖБАТда ва сайловчилар рўйхатида муддатидан олдин овоз берган сайловчи сифатида белгилаши шарт.

**42-савол: муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи УСКга сайлов кунида бўла олмаслигининг сабаблари кўрсатилган аризани кимнинг номига ёзади ва аризага қайси ҳужжатларни илова қиласи?**

**Жавоб:** Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи УСК раиси номига ариза билан мурожаат қиласи, ҳужжат илова қилиш талаб этилмайди.

**43-савол: Муддатидан олдин овоз беришни амалга оширишда сайловчи томонидан сайлов бюллетени қандай тартибда тўлдирилади?**

**Жавоб:** Сайлов бюллетени маҳсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида сайловчи томонидан мустақил қарор қабул қилиши орқали ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси

рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга «+» ёки «√» ёхуд «x» белгисини қўйиб тўлдирилади.

**Сайловчи тўлдирилган сайлов бюллетенини конвертга солади ва елимлаб ёпади.**

Сайловчи тўлдирилган сайлов бюллетенини ёпиқ конвертда УСК аъзосига топширади.

УСКнинг икки нафар аъзоси сайловчи ҳозирлигида конвертнинг ёпиқлигини текширади ва конвертнинг елимланган жойига УСК икки нафар аъзосининг имзолари қўйилиб, улар комиссиянинг муҳри билан тасдиқланади. Конверт тегишли УСКнинг сейфида сақланади.

**44-савол: Муддатидан олдин овоз бериш қачон амалга оширилади?**

**Жавоб:** Сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга уч кун қолганида тугалланади.

#### **В БОБ. УСК ТОМОНИДАН САЙЛОВ КУНИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ВАЗИФАЛАР ВА ОВОЗ БЕРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

**45-савол: УСК раиси томонидан овоз бериш жараёни бошланганда нималар маълум қилинади?**

**Жавоб:** УСК сайлов участкасидаги **сайловчилар сони**, округ сайлов комиссиясидан олинган **сайлов бюллетенларнинг сони**, шунингдек, муддатидан олдин овоз берганлар сони маълум қилинади.

**46-савол: Сайлов куни номзод вафот этганлиги, сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўлганлиги ёхуд номзодликдан чақириб олинганига доир маълумотлар аниқланган тақдирда УСК қандай ҳаракатларни амалга оширади?**

**Жавоб:** Номзод сайловга қадар вафот этган, сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўлган ёхуд номзодликдан чақириб олинган тақдирда нашр этилган сайлов бюллетенларидан ушбу номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми ёзилган сатр ўчирилади.

**47-савол: Сайлов куни сайлов участкасига мандати ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатсиз келган миллий ва халқаро кузатувчиларни УСК аъзоси рўйхатга олишга мажбурми?**

**Жавоб:** йўқ, мажбур эмас. Миллий ва халқаро кузатувчиларга тегишли равишда берилган мандат ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини олиб келиш тавсия этилади ва сайлов участкасидан кузатиб қўйилади.

**48-савол: Аҳолининг кўпчилиги сўзлашадиган тилларда бюллетенъ нашр этиш тўғрисидаги таклиф округ сайлов комиссиясига сайловгага неча кун қолганда берилиши белгиланган?**

**Жавоб:** УСК аҳолининг кўпчилиги сўзлашадиган тилларда бюллетенъ нашр этиш тўғрисида округ комиссиясига сайловгага ўттиз беш кун қолганда таклиф бериши белгиланган.

**49-савол: Сайлов куни сайлов участкасида сайловчи сифатида рўйхатга олинган сайловчилар фаол бўлмаганда, УСК раиси томонидан МФЙ раисини зудлик билан сайловчиларни овоз беришга жалб қилишини талаб қилиши мумкинми?**

**Жавоб:** Сайлов куни овоз беришда иштирок этмаган сайловчиларни мажбуран чақирилишига йўл қўйилмайди.

**50-савол: Сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдириш имкониятига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра яширин овоз бериш кабинасига ёки хонасига оммавий ахборот воситалари вакилларини таклиф қилиши мумкинми?**

**Жавоб:** Йўқ, бундай қилиш мумкин эмас. Сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдириш имкониятига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра яширин овоз бериш кабинасига ёки хонасига бошқа шахсни таклиф қилишга ҳақли, бироқ бундан сайлов комиссияси таркибига кирадиган шахслар, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари мустасно.

**51-савол: Сайлов куни овоз бериш вақтида УСК биносида кимлар ҳозир бўлиши мумкин?**

**Жавоб:** Сайлов куни овоз бериш вақтида УСК биносида қўйидагилар ҳозир бўлиши мумкин:

тегишли УСК аъзолари;  
тегишли ОСК аъзолари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари;  
сиёсий партияларнинг кузатувчилари;  
ОАВ вакиллари;  
фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг  
кузатувчилари;  
бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар;  
участкадаги сайловчилар рўйхати бўйича овоз беришда иштирок  
этувчи сайловчилар.

**Овоз бериш вақтида УСК биносида ҳозир бўлишга рухсат**  
**этилган шахслардан ташқари бошқа шахсларнинг бўлишига рухсат**  
**этилмайди.** Бинода ушбу зарур тартибни сақлаб туриш масъулияти  
УСКнинг зиммасида бўлади.

УСК биносида ҳозир бўлишга рухсат этилган шахслар  
(сайловчилардан ташқари) тегишли комиссиялар томонидан берилган  
мақомини тасдиқловчи мандат (гувоҳномаси)ни бошқаларга  
кўринадиган ҳолда таққан бўлишлари шарт.

**52-савол: Сайловчи ўзининг овоз бераётган жараёнини уяли  
алоқа воситасида онлайн ижтимоий тармоқларда ёритиш учун  
рухсат олиши лозим бўладими?**

**Жавоб:** йўқ, рухсат олиши керак эмас.

**53-савол: УСК раиси овоз бериш биносида тинчлик сақланиши  
ва тартибга риоя қилинишини таъминлаш, овоз бериш ва уларни  
санаб чиқишда ғайриқонуний тўсқинликлар вужудга келганида,  
қандай чора-тадбирларни кўриши лозим бўлади?**

**Жавоб:** УСК раиси овоз бериш биносида тинчлик сақланиши ва  
тартибга риоя қилинишини таъминлаш, овоз бериш ва уларни санаб  
чиқишда ғайриқонуний тўсқинликлар вужудга келганида ички ишлар  
ёки миллий гвардия ходимларига мурожаат қилиши мумкин. Бунда,  
ички ишлар ёки миллий гвардия ходимлари зудлик билан воқеа жойига  
етиб келишлари лозим.

Ички ишлар ва миллий гвардия ходимлари томонидан сайлов  
участкаси ҳудудидаги тартибсизлик, ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар  
бартараф этилганидан сўнг **УСК раиси қўрсатмаси асосида сайлов**

**участкаси биносини тарк этишлари ва сайлов жараёнига халақит бермайдиган жойга жойлашишлари шарт.**

## **VI БОБ. САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ**

**54-савол: Сайлов куни УСК аъзоларига сайлов бюллетенлари тақсимлаш тартиби ва асослари қандай?**

**Жавоб:** УСК аъзоларига комиссиянинг икки аъзоси томонидан имзоланган, муҳр билан тасдиқланган ҳолда тайёрлаб қўйилган сайлов бюллетенлари шаклдаги далолатнома асосида топширилади. Сайловчиларга тартибли равишда бюллетенларни бериш мақсадида, ҳар бир УСК аъзоларига сайловчилар фамилияси алифбо кетма-кетлигига сайловчилар рўйхати асосида тақсимлаб берилади.

**55-савол: УСКларни сайлов бюллетенлари билан таъминлаш тартиби қандай?**

**Жавоб:** УСК сайлов бюллетенларини овоз бериш кунига, шу жумладан муддатидан олдин овоз бериш кунига камида уч кун қолганида округ сайлов комиссияларидан олади. Сайлов бюллетенларининг топширилганлиги ҳамда қабул қилинганлигини округ ва УСК раиси ёки раис ўринбосари ёхуд котиби тегишли ҳужжатда ўз имзоси билан тасдиқлайди.

**56-савол: Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкаларини сайлов бюллетенлари билан таъминлаш тартиби қандай?**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкаларидаги сайловчилар сони ҳақида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида Марказий сайлов комиссияси сайлов бюллетенларининг тайёрланиши ва етказиб берилишини таъминлайди.

**57-савол: УСК оладиган сайлов бюллетенларининг сони қанча миқдордан ортиқ бўлиши мумкин эмас?**

**Жавоб:** участка бўйича рўйхатларга киритилган фуқаролар сонига нисбатан ярим фоиздан ортиқроқ бўлиши мумкин эмас.

## **VII БОБ. САЙЛОВЧИННИГ ТУРГАН ЖОЙДА ОВОЗ БЕРИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

**58-савол: Сайловчининг турган жойда овоз беришини ташкил этиш қандай амалга оширилади? Бунда УСК нималарга эътибор қаратиши лозим?**

**Жавоб:** Айрим сайловчилар соғлиғининг ҳолатига ёки бошқа сабабларга қўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, тегишли УСК овоз беришни ушбу **сайловчиларнинг сайлов куни ёки сайлов кунига қадар қилган ёзма ёки оғзаки илтимосига биноан** улар турган жойда ташкил этади. Бунда УСК аъзоси мурожаатлар қайдлов дафтарига сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, мурожаат қилинган вақт ҳақида тегишли ёзув киритади ва ушбу маълумотлар УСК аъзосининг имзоси билан тасдиқланади.

УСК томонидан сайловчи турган жойда овоз беришни ташкил этиш сайлов кунидаги иш ҳажми ва вазиятдан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади.

УСКнинг камида икки нафар аъзоси кўчма сайлов қутиси билан сайловчининг турган жойига юборилади, улар сайловчининг хоҳиш-иродаси сир сақланишига риоя этилган ҳолда овоз бериш амалга оширилишини таъминлайди.

Турган жойида овоз берган сайловчилар тўғрисидаги маълумотлар УСК аъзоси томонидан сайловчилар рўйхатидан кўчирмага тегишли ёзув киритади ва сайловчи сайлов бюллетени олганини тасдиқлаб, ушбу рўйхатдаги фамилияси қаршисига имзо чекади. **УСК аъзоси бошқа шахс учун овоз бермоқчи бўлган сайловчига сайлов бюллетенини бериши тақиқланади.**

Сайловчи яширин овоз бериб бўлганидан сўнг сайловчилар рўйхатининг тегишли жойига (**сайловчининг фамилияси қаршисига**) «турган жойида овоз берди» ёзуви киритилади.

**59-савол: сайловчининг турган жойда овоз бериши учун қандай хужжатлар тақдим этилиши лозим?**

**Жавоб:** Турган жойда овоз бериши учун сайловчи ёзма ёки оғзаки мурожаат қиласы, ҳужжатлар илова қилинмайды.

**60-савол: турган жойда овоз бериш жараёнида тегишли округ сайлов комиссияси аъзолари ҳозир бўлиши мумкинми?**

**Жавоб:** Йўқ, бундай қилиш мумкин эмас. Бунда фақатгина кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлишига рухсат берилади.

**61-савол: Сайловчиларнинг турган жойда овоз бериши учун УСК аъзолари сайловчиларнинг уй манзилларига етиб боришлари учун қайси орган транспорт воситаларини таъминлайди?**

**Жавоб:** Сайлов кодексининг 49-моддаси 4-қисмига асосан “сайлов комиссияларини транспорт билан таъминлаш маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг зиммасига юклатилади”

## VIII БОБ. ОВОЗ БЕРИШ НАТИЖАЛАРИНИ АНИҚЛАШ

**62-савол: овозларни санаб чиқиш, овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомаларни тўлдириш жараёнида кимлар ҳозир бўлишлари мумкин?**

**Жавоб:** УСК томонидан овозларни санаб чиқиш, овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомаларни тўлдириш жараёнида қўйидагилар ҳозир бўлишлари мумкин:

сиёсий партияларнинг кузатувчилари, ваколатли вакиллари;  
ОАВ вакиллари;  
фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кузатувчилари;  
бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар.

**Мазкур жараёнда УСК биносида ҳозир бўлишга рухсат этилган шахслардан ташқари бошқа шахсларнинг бўлиши тақиқланади.**

**63-савол: Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари қайси ҳужжат асосида расмийлаштиради?**

**Жавоб:** Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари УСКнинг сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённома билан расмийлаштирилади.

**64-савол:** 20.00 га қадар сайлов участкасиға келган, лекин ушбу вақтга қадар овоз беришга улгурмаган сайловчига нисбатан УСКнинг муносабати?

**Жавоб:** Сайловчига овоз бериш учун имконият берилади.

**65-савол:** Овоз бериш тугаганидан сўнг, УСК томонидан овоз беришда иштирок этган сайловчилар сони қандай аниқланади?

**Жавоб:** Стационар ва кўчма сайлов қутилари очилиб, бюллетенлар стол устига тўкилади ва **овоз беришда иштирок этган сайловчилар сони сайлов қутилари ичida мавжуд бўлган сайлов бюллетенлари сонидан келиб чиқиб аниқланади** ҳамда ушбу маълумотлар якуний баённомага киритилади.

**66-савол:** УСК аъзолари овоз бериш тугаганидан сўнг қонунчиликда белгиланган ҳаракатлар кетма-кетлигига қандай вазифаларни амалга оширади?

**Жавоб:** УСК аъзолари овоз бериш тугаганидан сўнг қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

1-ҳаракат: овозларни санаши бошлишдан олдин столлар бирлаштирилади, барча ёзув ашёлари (ручка, қалам ва бошқа воситалар) ҳамманинг эътиборига ҳавола қилинган ҳолда четга олиб қўйилади;

2-ҳаракат: округ сайлов комиссиясидан олинган сайлов бюллетенларининг сони аниқланади ва якуний баённомага киритилади.

3-ҳаракат: фойдаланилмаган ва бузилган сайлов бюллетенлари санаб чиқилади ва юқори чап бурчагини кесиш ёки сайлов бюллетенининг орқа томонида тегишли белги қўйиш йўли билан бекор қилинади, бу ҳақда якуний баённомага тегишли ёзув киритилади.

4-ҳаракат: сайловчилар рўйхати (бошқа сайлов участкасида овоз берганлиги ҳақида маълумот киритилганлар бундан мустасно) ва мазкур рўйхат иловаси бўйича участкадаги сайловчиларнинг умумий сони аниқланади ва якуний баённомага киритилади.

5-ҳаракат: стационар ва кўчма сайлов қутиларини очишдан олдин комиссия аъзолари томонидан сайловчилар рўйхати ва сайловчилар рўйхати иловасининг ҳар бир варағига шу варақ бўйича сайлов бюллетени олганларнинг умумий сони ҳақидаги маълумотлар

киритилади; маълумотлар киритилганидан кейин сайловчилар рўйхати ва сайловчилар рўйхати иловасининг ҳар бир варағи ушбу маълумотларни киритган комиссия аъзоси томонидан имзоланади ва варақлардаги рақамлар умумлаштирилади; сайловчилар рўйхатининг барча саҳифалари бўйича якуний умумий маълумотларни комиссия раиси эълон қиласида, сайловчилар рўйхатининг охирги варағига киритади, ўз имзоси ва УСК муҳри билан тасдиқлайди ҳамда ушбу маълумотларни якуний баённомага киритилади.

6-ҳаракат: сайлов қутиларидағи бир марталик пломбадаги мавжуд рақамлар пломбалаш далолатномасидаги рақамлар билан солиштирилади.

7-ҳаракат: муддатидан олдин овоз бериш бюллетенлари солинган ёпиқ конвертлар сайлов қутисига ташланади.

8-ҳаракат: стационар ва кўчма сайлов қутилари очилади. Бюллетенлар стол устига тўкилади ва овоз беришда иштирок этган сайловчилар (сайлов қутиларидағи сайлов бюллетенлари) сони аниқланади ҳамда ушбу маълумотлар якуний баённомага киритилади.

9-ҳаракат: ҳар бир номзод бўйича сайлов бюллетенларини ўқиб эшилтирган ва намойиш этган ҳолда алоҳида-алоҳида боғламларга ажратади; сайлов бюллетенининг ҳақиқийлиги шубҳа туғдирганда, масала УСК томонидан овозга қўйиш орқали ҳал этилади.

10-ҳаракат: ҳар бир номзод бўйича берилган овозлар алоҳида-алоҳида санаб чиқилади ва ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сони аниқланади ҳамда якуний баённомага киритилади; Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ҳар бир номзод учун овоз берилган сайлов бюллетенлари алоҳида-алоҳида боғлам қилиб ўралади. Боғламда номзоднинг исми, фамилияси ва отасининг исми ёзилиб, овозлар сони кўрсатилади.

11-ҳаракат: қуйидаги сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқишида ҳақиқий эмас деб топилади:

белгиланмаган шаклдаги (ҳажми, ранги, қофоз сифати, босмахона шрифти ва ҳоказолар бўйича фарқланувчи);

УСК томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари; сайловга қадар вафот этган, сайлов хуқуқидан маҳрум бўлган ёхуд номзодликдан чақириб олинган номзодга ёқлаб овоз берилган сайлов бюллетенлари;

овоз бериш вақтида биттадан ортиқ квадратга «+» ёки «√» ёхуд «x» белгиси қўйилган ёки битта ҳам квадратга бундай белгилар қўйилмаган сайлов бюллетенлари.

Ушбу ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар саналади, алоҳида боғлам қилиб ўралади ва уларнинг сони якуний баённомага киритилади.

**67-савол:** Овоз бериш жараёни якунлангандан сўнг сайлов қутиларидағи бир марталик пломбаларнинг мавжуд рақамлар пломбалаш далолатномасидаги рақамлар билан солиштирилиши керакми?

**Жавоб:** Ҳа. Сайлов қутиларидағи бир марталик пломбадаги мавжуд рақамлар пломбалаш далолатномасидаги рақамлар билан солиштирилиши белгиланган.

**68-савол:** Овоз бериш тугагач, УСК ёки раис ўринбосари овоз бериш тугаганлигини кимларнинг ҳозирлигида эълон қилиши лозим?

**Жавоб:** УСК раиси ёки раис ўринбосари овоз бериш тугаганлигини комиссиянинг барча аъзолари, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозирлигида эълон қиласди.

**69-савол:** Овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённома тузишдан олдин комиссия раиси қандай процессуал ҳаракатларни амалга оширади?

**Жавоб:** Ҳозир бўлганлар эътиборига овоз бериш кунида ва сайловчилар овозларини санаб чиқиш тугагунича комиссияга келиб тушган шикоятлар (аризалар) ва улар бўйича қабул қилинган қарорлар ҳақидаги ахборотни етказади, тегишли баённомага илова қилинадиган далолатномалар ва бошқа ҳужжатларни кўрсатиб ўтади, комиссия фаолияти бўйича эътиrozлар, шикоятлар бор-йўқлигини аниқлади, зарур ҳолларда комиссия эътиroz, шикоятларни кўриб чиқади ва қарор қабул қиласди.

**70-савол:** УСК “Участка сайлов комиссиясининг сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисида”ги баённомада сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари бўйича қандай

**маълумотларни кўрсатади?**

**Жавоб:**

1. Сайлов участкасидаги сайловчиларнинг умумий сони
2. УСК олган сайлов бюллетенлари сони
3. Сайлов бюллетенлари олган сайловчилар сони
4. Муддатидан олдин овоз берган сайловчилар сони
5. Овоз беришда иштирок этган сайловчилар сони (сайлов кутиларидаги сайлов бюллетенлари)
6. Фойдаланилмаган ва бузиб қўйилиб, бекор қилинган сайлов бюллетенларининг умумий сони
7. Ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сони
8. Ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари сони

**71-савол: УСК баённомасининг биринчи асл нусхаси округ сайлов комиссиясига қандай тартибда олиб бориб топширилади.**

**Жавоб:** Биринчи асл нусха УСК раиси ёки унинг ўринбосари томонидан ички ишлар органлари ходимлари кузатувида округ сайлов комиссиясига олиб бориб топширилади.

**72-савол: Округ сайлов комиссиясида овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённома нотўғри тўлдирилганлиги ёки арифметик хатолар мавжудлиги аниқланганда, ушбу камчиликлар қай тарзда бартараф этилади?**

**Жавоб:** УСК қўшимча мажлис ўтказади ва хатоликларни тузатади. Аввалги баённомани асослари кўрсатилган ҳолда бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қиласида ҳамда янги қарор билан тузатилган баённома тасдиқланади. Ҳамма танишиб чиқиши учун осиб қўйилган баённома янгиси билан алмаштирилади ва белгиланган тартибда округ сайлов комиссиясига тақдим этилади.

**73-савол: Қандай сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқиша ҳақиқий эмас деб топилади?**

**Жавоб:** Қуйидаги сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқиша ҳақиқий эмас деб топилади:

белгиланмаган шаклдаги (ҳажми, ранги, қоғоз сифати, босмахона шрифти ва ҳоказолар бўйича фарқланувчи) сайлов бюллетенлари;

УСК томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари;

сайловга қадар вафот этган, сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўлган ёхуд номзодликдан чақириб олинган номзодга ёқлаб овоз берилган сайлов бюллетенлари;

овоз бериш вақтида биттадан ортиқ квадратга «+» ёки «√» ёхуд «x» белгиси қўйилган ёки битта ҳам квадратга бундай белгилар қўйилмаган сайлов бюллетенлари.

Сайлов бюллетенларига қўшимча равишда ёзиб қўйилган фуқароларнинг фамилиялари ва масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди ва ушбу сайлов бюллетенлари ҳам ҳақиқий эмас деб топилади.

**74-савол: Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомани тўғри тўлдириш учун нималарга эътибор бериш зарур?**

**Жавоб:** Баённоманинг 5-бандида кўрсатилган сон (*Овоз беришда иштирок этган сайловчилар сони (сайлов қутиласидаги сайлов бюллетенлари)*) баённоманинг 7-банди (*Ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сони*) 1, 2, 3, 4 ва 5-сатрлардаги ва 8-банддаги сонлар (*Ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари сони*) йиғиндисига тенг бўлиши лозим. Яъни, 5-банд = 7-банднинг сатрлар йиғиндиси + 8-банд.

**75-савол: Овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённома тузишдан олдин комиссия раиси қандай ҳаракатларни амалга ошириши зарур?**

**Жавоб:** Овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённома тузишдан олдин **комиссия раиси** ҳозир бўлганлар эътиборига овоз бериш кунида ва сайловчилар овозларини санаб чиқиш тугагунича комиссияга келиб тушган шикоятлар (аризалар) ва улар бўйича қабул қилинган қарорлар ҳақидаги ахборотни етказади, тегишли баённомага илова қилинадиган далолатномалар ва бошқа ҳужжатларни кўрсатиб ўтади, комиссия фаолияти бўйича эътиrozлар, шикоятлар борйўқлигини аниқлайди, зарур ҳолларда комиссия эътиroz, шикоятларни кўриб чиқади ва қарор қабул қиласди.

**76-савол:** Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари ҳақидаги баённомани тасдиқлаш қандай амалга оширилади?

**Жавоб:** УСК сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари ҳақидаги баённомани тасдиқлаш түғрисида қарор қабул қиласы. Шундан кейин комиссия раиси, раис ўринбосари, котиби ва бошқа аъзолари томонидан овозларни санаб чиқиш натижалари ҳақидаги баённома иккита нусхада түлдирилади, имзоланади ва УСК мухри билан тасдиқланади.

*Овозларни санаб чиқиш натижалари түғрисидаги баённомага бирон-бир тарзда ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайди.*

Агар овозларни санаб чиқиш натижалари түғрисидаги баённомани түлдириш вақтида комиссиянинг айрим аъзолари ҳозир бўлмасалар, бу ҳақда баённомада уларнинг ҳозир бўлмаганликлари сабаблари кўрсатиб ўтилади.

Шундан сўнг баённома УСКнинг раиси ёки раис ўринбосари томонидан ўқиб эшилтирилади ҳамда мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси ҳамма танишиб чиқиши учун УСК биносига камида қирқ саккиз соат муддатга дарҳол осиб қўйилади.

**77-савол:** Кимлар овозларни санаб чиқиш натижалари түғрисидаги баённоманинг тасдиқланган кўчирма нусхасини сўраб олишга ҳақли ҳисобланади?

**Жавоб:** Овозларни санаб чиқиш жараёнида иштирок этаётган сиёсий партиянинг ваколатли вакили, кузатувчилар УСК баённомасининг тасдиқланган кўчирма нусхасини сўраб олишга ҳақли.

**78-савол:** ОСКда овозларни санаб чиқиш натижалари түғрисидаги баённома нотўғри түлдирилганлиги ёки арифметик хатолар мавжудлиги аниқланганда, УСК қандай ҳаракатларни амалга оширади?

**Жавоб:** ОСКда овозларни санаб чиқиш натижалари түғрисидаги баённома нотўғри түлдирилганлиги ёки арифметик хатолар мавжудлиги аниқланганда, УСК қўшимча мажлис ўтказади ва хатоликларни тузатади. Аввалги баённомани асослари кўрсатилган ҳолда бекор қилиш түғрисида қарор қабул қиласи ҳамда янги қарор билан тузатилган баённома тасдиқланади. Ҳамма танишиб чиқиши учун осиб

қўйилган баённома янгиси билан алмаштирилади ва ОСКга тақдим этилади.

**79-савол: УСК раисининг ўринбосари ва котиби томонидан сайлов бюллетенлари ва тегишли ҳужжатларни қандай тартибда қопга солинади ҳамда муҳрланади?**

**Жавоб: УСК раисининг ўринбосари ва котиби:**

1. Ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар боғламларига номзодларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ва ёқлаб берилган овозлар сонини ёзади ва боғламларни қопга тартиб билан солади.

2. Сўнгра ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари боғлами устига «Ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари» деб ёзади ва ёнига сонини ёзиб қопга жойлаштиради.

3. Ундан кейин фойдаланилмаган ва бузиб қўйилиб бекор қилинган сайлов бюллетенлари боғламга ўралиб, устига «Фойдаланилмаган ва бузиб қўйилиб бекор қилинган сайлов бюллетенлари» деб ёзиб ёнига сонини ёзади ва қопга жойлаштиради.

4. Сайлов бюллетенлари жойлаштирилгач, сайловчилар рўйхати ва овозларни санаб чиқиш бўйича баённоманинг иккинчи нусхаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар ҳам қопга жойлаштирилади.

5. Қоп пломба билан пломбаланади ва қопни пломбаланганилиги ҳақида далолатнома тузилади. Сўнгра қоп сейфга жойлаштирилиб, УСК раиси имзоси ва муҳри билан муҳрланади.

**80-савол: Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённоманинг биринчи нусхасига нималар илова қилинади?**

**Жавоб: Баённоманинг биринчи нусхасига:** сайлов натижаларини аниқлашда ҳозир бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатган сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кузатувчилари ҳамда ОАВ вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлардан ҳозир бўлган кузатувчилар рўйхати илова қилинади.

**81-савол: Овозларни санаб чиқиш жараёнида иштирок этаётган ОАВ вакиллари УСК баённомасининг тасдиқланган кўчирма нусхасини сўраб олишга ҳақлими?**

**Жавоб:** йўқ, ҳақли эмас. УСК баённомасининг тасдиқланган кўчирма нусхасини фақат овозларни санаб чиқиш жараёнида иштирок этган сиёсий партияning ваколатли вакили, кузатувчилар сўраб олишга ҳақли. Оммавий ахборот воситасининг вакиллари сайлов участкасидаги сайлов якунлари бўйича УСК томонидан ҳамма танишиб чиқиши учун осиб қўйилган баённома билан танишиб чиқишли мумкин.

**82-савол: Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённоманинг иккинчи нусхасига нималар илова қилинади?**

**Жавоб:** Баённоманинг иккинчи нусхаси комиссия аъзоларининг алоҳида фикрлари (*агар бундай фикрлари бўлса*); овоз бериш ёки овозларни санаб чиқиши чоғида йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида келиб тушган мурожаатлар, ушбу мурожаатлар бўйича комиссиянинг қабул қилган қарорлари; сайлов қутиларини пломбалаш бўйича тузилган далолатнома.

Сайлов бюллетенлари ҳамда бошқа сайлов хужжатлари билан бирга УСКда сақланади.

**83-савол: баённоманинг биринчи асл нусха раис ёки унинг ўринбосари томонидан ички ишлар органлари ходимлари кузатувида округ сайлов комиссиясига олиб бориб топширилганда, унинг нусхасини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тегишли округ сайлов комиссиясига тақдим этилиши шартми?**

**Жавоб:** Ҳа, дарҳол тақдим этилиши белгиланган.

## **IX БОБ. ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ**

**84-савол: Кимлар ариза, таклиф ва шикоят билан сайлов комиссияларига мурожаат қилишлари мумкин?**

**Жавоб:** номзод кўрсатган сиёсий партиялар ваколатли вакиллари, номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчилар, сайловчилар, сайлов жараёни бошқа иштирокчилари бевосита ўзлари ёки вакиллари орқали ариза, таклиф ва шикоят билан сайлов комиссияларига мурожаат қилишлари мумкин.

**85-савол: Мурожаатлар қанча муддатда кўриб чиқилиши шарт?**

**Жавоб:** Мурожаатларга уч қунлик муддатда, агарда сайловга камидаги олти кун қолганида ёки овоз бериш куни келиб тушган мурожаатларни эса дарҳол кўриб чиқиб, ёзма жавоб берилади. Мурожаатда кўтарилиган масала жойида ижобий ҳал этилса, мурожаатчининг розилиги билан ёзма жавоб берилмайди.

**86-савол: Қайси турдаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди ва бу ҳолат қандай расмийлаштирилади?**

**Жавоб:** Қуйидагилар кўриб чиқилмайди:

аноним мурожаатлар;

жисмоний ва юридик шахслар вакиллари орқали юборилган мурожаатлар, агар уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар бўйлмаса;

қонунда белгиланган бошқа талабларга мос келмайдиган мурожаатлар.

Мурожаатлар кўрмай қолдирилганда **тегишли хулоса тузилади**, у УСК раиси ёки раис ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Мурожаат этувчи **вакилининг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмаслиги сабабли** мурожаатлар кўрмай қолдирилганлиги тўғрисида мурожаат қилувчи тегишли тартибда хабардор қилинади.

**87-савол: овоз бериш ва сайловчилар овозларини санаб чиқиш вақтида йўл қўйилган қонунбузилишлар ҳақидаги шикоят ҳамда аризалар қачон кўриб чиқилади?**

**Жавоб:** зарур ҳаракатлар амалга оширилганидан кейин комиссия якуний мажлис ўтказади, унда овоз бериш ва сайловчилар овозларини санаб чиқиш вақтида йўл қўйилган қонунбузилишлар ҳақидаги шикоят ҳамда аризалар устидан 5 кун ичida судга шикоят қилиш мумкин.

## **Х. БОБ. УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИ, МУҲРЛАРИ ВА ОВОЗ БЕРИШ ҚУТИЛАРИНИ САҚЛАШ**

**88-савол:** Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг якунлари эълон қилинганидан сўнг комиссия фаолиятига оид ҳужжатларни қайси органга (ёки органларга) топширади?

**Жавоб:** Тегишлилиги бўйича шаҳар ва туман давлат архивига ҳамда шаҳар ва туман ҳокимликларига топширади

**89-савол:** УСК томонидан сайлов жараёнида фойдаланилган комиссия муҳри, сайлов қутилари, яширин овоз бериш кабиналари, Давлат герби ва байроғи каби моддий қийматликларни сақлаш масаласи қандай ҳал этилади?

**Жавоб:** УСК томонидан сайлов жараёнида фойдаланилган комиссия муҳри, сайлов қутилари, яширин овоз бериш кабиналари, Давлат герби ва байроғи каби моддий қийматликлар тегишли равища туман ва шаҳар ҳокимликлари ташкилий-назорат гуруҳининг масъул шахсларига далолатнома асосида топширилади ва уларнинг жавобгарлигида сақланади.

**90-савол:** Округ сайлов комиссиялари томонидан қандай ҳужжатлар сайлов якунлари расман эълон қилинганидан сўнг тегишли вилоятлар, шаҳар ва туман давлат архивларига сақлаш учун топширилади?

**Жавоб:** Қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

- а) сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг қарорлари ва мажлис баённомалари;
- б) сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бошقا ҳужжатлари;
- в) округ комиссияларининг сайлов натижалари тўғрисидаги баённомаларининг иккинчи нусхалари;
- г) УСКнинг овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомаларининг биринчи нусхалари иловалари билан бирга.

**91-савол:** УСК томонидан қандай ҳужжатлар сайлов якунлари расман эълон қилинганидан сўнг тегишли вилоятлар, шаҳар ва туман давлат архивларига сақлаш учун топширилади?

**Жавоб:** Қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

- а) УСКнинг қарорлари, мажлис баённомалари;

- б) овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённомаларининг иккинчи нусхалари;
- в) фуқароларнинг шикоятлари, аризалари ва улар юзасидан қабул қилинган қарорлар;
- г) комиссия аъзоларининг алоҳида фикрлари ҳамда бошқа хужжатлар.

## **ХІ БОБ. КУЗАТУВЧИЛАР, СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛЛАРИ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**92-савол:** Манфаатдор ташкилотлар ўз кузатувчилари тўғрисида сайлов комиссияларига қайси вақтга қадар маълум қилишга ҳақли?

**Жавоб:** Сайловдан камида ўн кун олдин

**93-савол:** Сайлов комиссияси қанча муддатда манфаатдор ташкилотлар кузатувчиларига мандат беради?

**Жавоб:** Манфаатдор ташкилотдан ариза олинганидан кейин беш кун ичida

**94-савол:** кузатувчилар ҳарбий қисмларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган сайлов участкаларига бориши ҳақида қанча муддат олдин УСКни хабардор қилиши керак.

**Жавоб:** камида уч кун олдин

**95-савол:** Сайлов комиссиялари аъзолари сайловолди ташвиқоти билан шуғулланиши мумкинми?

**Жавоб:** Йўқ, мумкин эмас.

Куйидагиларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориши тақиқланади:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик

хизмати, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмалар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг, судьяларнинг;  
сайлов комиссиялари аъзоларининг;  
диний ташкилотлар профессионал хизматчиларининг.

**96-савол: Сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари қайси ҳужжатларни ўз ёнида олиб юриши шарт?**

**Жавоб:** Сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, сиёсий партия томонидан берилган ҳужжатни ва тегишли сайлов комиссиясининг мандатини ўз ёнида олиб юриши шарт.

**97. Сайлов округлари ва участкаларида, овоз бериш хоналарида сайлов комиссияси аъзолари, сайловчилар, кузатувчилар ва ОАВ вакиллари қандай ҳимоя ва профилактика воситаларидан фойдаланишлари талаб этилади?**

Сайлов округлари ва участкаларида, овоз бериш хоналарида сайлов комиссияси аъзолари, сайловчилар, кузатувчилар ва ОАВ вакиллари қуйидаги ҳимоя ва профилактика воситаларидан фойдаланишлари талаб этилади: ҳароратни ўлчаш учун термометр, пиromетр; ҳимоя ниқоби; бир марталик тиббий қўлқоп (сайлов комиссияси аъзолари учун); антисептик суюқлик (санитайзер).

**98. Сайлов жараёни иштирокчилари қандай талабларга риоя қилиши лозим?**

Сайлов жараёни иштирокчилари қуйидаги талабларга риоя қилиши лозим: ҳимоя ниқобларидан фойдаланиши; қўл бериб саломлашиш ёки тўғридан тўғри контактга киришишнинг бошқа шаклларидан сақланиши; ижтимоий масофага риоя қилиши.

**99. Округ ва участка сайлов комиссиялари жойлашган бинолар пандемия шароитида вирус тарқалишини олдини олиш учун қандай қўшимча шароитлар яратилиши лозим?**

Округ ва участка сайлов комиссиялари жойлашган биноларнинг кириш қисмида ва овоз бериш хонасида ижтимоий масофани сақлаш учун 1,5–2 метр оралиқ масофани белгиловчи ҳамда ҳаракатланиш йўналишини кўрсатувчи чизиклар бўлиши лозим. Овоз бериш

биносининг кириш қисмида коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича тавсиялар акс этган плакатлар жойлаштирилади.

**100. Округ ва участка сайлов комиссиялари жойлашган биноларга тиббиёт ходимлари бириткириладими?**

Округ ва участка сайлов комиссиялари жойлашган биноларга камида бир нафар тиббиёт ходими бириткирилади. Тиббиёт ходими тегишинча сайлов округи ва участкаси ҳудудида санитария қоидаларига риоя қилинишини таъминлайди. Тиббиёт ходими сайлов комиссиясининг ишига аралашиши, овозларни санаб чиқиш ва сайлов натижаларини аниқлашда иштирок этиши мумкин эмас.

**101. Бириткирилган тиббиёт ходими қандай вазифаларни амалга оширади?**

Бириткирилган тиббиёт ходими сайлов комиссиялари биноларининг кириш қисмида ташриф буюрувчиларнинг тана ҳароратини ўлчайди, антисептик восита билан қўлларини дезинфекция қиласи ва заруратга кўра ҳимоя ниқоби беради.

**102. Комиссия аъзоси коронавирус (COVID-19) инфекцияси билан касалланганлиги аниқланганда қандай тартибда ишланади?**

Округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларига коронавирус инфекциясига қарши эмланишлари учун зарур шароит яратилади.

Тана ҳарорати  $37^{\circ}\text{C}$  ва ундан юқори бўлган комиссия аъзолари (раис, раис ўринбосари, котиб ва бошқа аъзолар) вақтинча иш фаолиятидан четлатилади ва коронавирус инфекциясига навбатсиз лаборатория текширувидан ўтказилади. Бунда, комиссия аъзосига бир иш куни ичида ПЗР тест таҳлили натижаси тақдим этилиши керак. Комиссия аъзоси сайловга олти ва ундан кам вақт қолганида коронавирус (COVID-19) инфекцияси билан касалланганлиги аниқланса ёки сайлов кунига қадар коронавирус (COVID-19) инфекциясидан тузалмаган бўлса, шунингдек сайлов куни тана ҳарорати  $37^{\circ}\text{C}$  ва ундан юқори бўлган тақдирда тегишинча Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссиясининг қарорига асосан комиссия таркибидан чиқарилиши ва янги аъзо (раис, раис ўринбосари, котиби ва бошқа аъзоси) комиссия таркибига киритилиши мумкин.

### **103. Сайловчиларининг тана ҳарорати 37<sup>0</sup>С ва ундан юқори бўлганда овоз бериш қандай амалга оширилади?**

Сайловчилар ва сайлов жараёни бошқа иштирокчиларининг тана ҳарорати 37<sup>0</sup>С ва ундан юқори бўлган тақдирда улар овоз бериш хонасига киритилмайди. Бунда, тана ҳарорати 37<sup>0</sup>С ва ундан юқори бўлган сайловчилар учун алоҳида ажратилган жойларда (бинонинг кириш қисми ва бошқалар) икки нафар участка сайлов комиссияси аъзоси ҳозирлигига кўчма сайлов қутилари ва кабиналаридан фойдаланган ҳолда яширин овоз бериш ҳуқуқи таъминланади.

### **104. Коронавирус инфекциясидан уй шароитида даволанаётган сайловчининг турган (яшаш) жойида овоз беришини қандай ташкил қилинади?**

Коронавирус инфекциясидан уй шароитида даволанаётган сайловчининг (кейинги ўринларда – сайловчи) турган (яшаш) жойида овоз беришини ташкил этишда участка сайлов комиссияси сайловчи учун алоҳида ҳимоя воситалари тўпламини тайёрлайди. Целлофан пакетга солинган тўпламда қуйидагилар бўлиши керак: тиббий ниқоб; тиббий қўлқоп; участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси томонидан имзоланган, муҳр билан тасдиқланган сайлов бюллетени.

Участка сайлов комиссиясининг камида икки нафар аъзоси шахсий ҳимоя воситалари билан ҳимояланган ҳолда кўчма сайлов қутисини дезинфекциялаб, сайловчининг турган жойига боради. Сайловчи ва комиссия аъзолари ўртасида ижтимоий масофа сақланган ҳолда сайловчининг шахси аниқланади, сўнг комиссия аъзоси сайловчига целлофан пакетга солинган тўпламни ва имзо қўйиши учун сайловчилар рўйхатидан кўчирмани беради.

Сайловчи сайлов бюллетенини олганлиги ҳақида сайловчилар рўйхатидан кўчирмага имзо қўяди. Сайловчига яширин овоз бериш ҳуқуқи таъминланади. Шундан сўнг, сайловчи сайлов бюллетенини кўчма сайлов қутисига ташлайди. Овоз бериш амалга оширилганидан сўнг комиссия аъзоси кўчма сайлов қутисининг қисмларини (юза, ён ва дастак) дезинфекциялади.

Бу вақтда ҳозир бўлган кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари шахсий ҳимоя воситалари билан ҳимояланган бўлиши шарт.

## **105. Коронавирус инфекциясидан стационарда даволанаётган сайловчининг овоз беришини қандай ташкил қилинади?**

Коронавирус инфекциясидан стационар даволаш муассасаларида даволанаётганлар ва ушбу масканларнинг ишчи-ходими бўлган сайловчиларнинг овоз беришини ташкил этиш учун ушбу муассасаларда сайлов участкалари тузилиш мумкин.

Яширин овоз беришни ташкил қилиш учун ушбу тоифадаги биноларда кўчма овоз бериш кабиналаридан фойдаланилади.

Ушбу муассасаларда ташкил этилган сайлов участкаларида овоз бериш мазкур муассасаларнинг ички тартиб-қоидаларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг СанҚвам талабларига қатъий амал қилган ҳолда ўтказилади.

**2-БЎЛИМ.**  
**САЙЛОВ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА САЙЛОВ  
КОМИССИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ОИД КЕЙСЛАР**

**Муддатидан олдин овоз беришни ташкил этиш, сайлов кунига  
тайёргарлик**

**1)** Фуқаро С. Б. 15 октябрь куни муддатидан аввал овоз бериш мақсадида сайлов участкасига келди, участка сайлов комиссия аъзоси сайлов кабинаси ҳали йиғилмаганлиги туфайли индинга келишини ёки раисни хонасида овоз беришини таклиф этди. Сайловчи бошқа куни келишга имкони йўқлиги учун раис хонасида овоз берди. Вазиятга хуқуқий баҳо беринг.

**Саволлар:**

1. Яширин овоз бериш кабиналари тўлиқ тайёр бўлиш муддатлари қандай?
2. Участка сайлов комиссиясининг сайлов участкасини жиҳозлаш бўйича масъулияtlари борми?
3. Муддатидан олдин овоз бериш қандай амалга оширилади?

**Жавоблар:**

Лозим бўлган даражада жиҳозланган овоз бериш хоналари туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан участка сайлов комиссияларига сайловдан камида ўн бир кун олдин тақдим этилиши керак.

Участка сайлов комиссияси жойлашган бинони белгиланган тартибда жиҳозлашга зарур бўлган ташкилий ишларни амалга оширади.

Сайлов бюллетени маҳсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида сайловчи томонидан мустақил қарор қабул қилиши орқали тўлдирилади.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги Низом (1066) 23, 24, 48 бандлари.

**2)** Тумандаги 635-сайлов участкасида муддатидан олдин 24 нафар сайловчи овоз берди. Сайлов куни овоз бериш якунлангач, УСК раиси муддатидан олдин овоз берганларни эълон қилиб конвертларни очиб аъзолар ва кузатувчилар гувоҳлигида сайлов қутисига ташлаб юборди. Бир четда кузатиб турган кузатувчи бунга эътиroz билдириди. УСК раиси

барча ҳаракатлар қонуний бўлаётганлиги, кузатувчининг эса эътирози ўринсиз эканлигини айтди.

**Саволлар:**

1. Овоз бериш якунлангач муддатидан олдин берилган овозларнинг сайлов бюллетенлари қутига қай ҳолатда ташланади?
2. Кузатувчи эътиroz билдириши тўғрими?
3. УСК раиси шундай ҳолатда қандай ҳаракат қилиши керак?

**Жавоблар:**

Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига мувофиқ, Участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари комиссия аъзолари билан биргаликда:

Муддатидан олдин овоз бериш бюллетенлари солинган ёпиқ конвертларни сайлов қутисига ташлайди.

Сайлов кодексига мувофиқ, кузатувчилар ҳуқуқларига қуидагилар киритилиши белгиланган:

...агар тегишли сайлов участкасида ушбу Кодекснинг талаблари бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асослар бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида тегишли сайлов комиссиясига маълум қилиш.

Муддатидан олдин овоз бериш бюллетенлари солинган ёпиқ конвертларни сайлов қутисига ташлаш тартиби кўрсатилган бўлиб, УСК раиси ушбу тартибга амал қилиши лозим эди.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси 33-моддаси 12-банди; 58-моддаси 2-банди.

**Сайлов қонунчилигини бузганлиги юзасидан мурожаатларни кўриб чиқиши тартиби ҳамда жавобгарлик**

**3)** Сайлов куни участка сайлов комиссиясида рўйхатга олинган сиёсий партиянинг вакили тахминан икки соатлардан кейин устки кийими (костюми)ни ечганида, унинг қўйлагида мазкур сиёсий партиядан кўрсатилган номзоднинг фотосурати борлиги аниqlанди.

Участка сайлов комиссияси раисининг бир неча маротаба берган огоҳлантирувига қарамай, сиёсий партиянинг вакили талабни бажармади.

**Саволлар:**

1. Сиёсий партия вакилининг хатти-ҳаракатлари қонунийми?

2. Мазкур ҳолатда қонун бузилишига йўл қўйилганми?
3. Ушбу хатти-ҳаракатга нисбатан қандай жавобгарлик назарда тутилган?

**Жавоблар:**

Сиёсий партия вакилининг хатти-ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси талаблари бузилган бўлиб, сайлов куни ташвиқот олиб борилиши мумкин эмас.

Мазкур хатти-ҳаракатларда маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлиб, маъмурий жавобгарликни келтириб чиқаради ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 51<sup>5</sup>-моддасига биноан сайловолди ташвиқотини олиб бориш шартлари ва тартибининг бузилиши базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 51<sup>5</sup>-моддаси.

**4)** Фуқаро Р.В. участка сайлов комиссиясининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан туманлараро маъмурий судига шикоят билан мурожаат қилди.

Туманлараро маъмурий суд фуқаро Р.В.нинг шикояти бўйича ишни кўриб чиқиши белгилаган куни участка сайлов комиссияси аъзоларининг барчаси округ сайлов комиссиясининг йиғилишида қатнашганлиги сабабли судда иштирок эта олмади.

Туманлараро маъмурий суд фуқаро Р.В.нинг шикояти бўйича ишни участка сайлов комиссияси вакилининг иштирокисиз кўриб чиқиб, шикоятни қаноатлантириди ҳамда участка сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатларини ноқонуний деб топди.

**Саволлар:**

1. Мазкур тоифадаги ишлар қайси судга тааллуқли?
2. Туманлараро маъмурий суднинг ишни участка сайлов комиссияси вакилининг иштирокисиз кўриб чиқиши қонунийми?

**Жавоблар:**

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 27-моддасига биноан сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан

низолашиш тўғрисидаги ишлар туманлараро маъмурий судларга тааллуқлидир.

Ушбу кодекснинг 142-моддасига биноан эса, шикоят суд томонидан аризачини ва тегишли сайлов комиссиясининг вакилини, шунингдек, прокурорни, агар шикоят аризачига эмас, балки бошқа фуқарога дахлдор бўлса, ўша шахсни ҳам чақирган ҳолда кўриб чиқилади. Бу шахсларнинг келмаслиги ишни кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 27-моддаси ва 142-моддаси.

### **Сайлов натижаларини аниқлаш ва эълон қилиш**

**5)** 69-сайлов участкасида овоз бериш 20.00 якунланди. Участка сайлов комиссияси раиси овоз бериш жараёнлари якунланганини эълон қилди. Бироқ сайлов қутиларидағи бир марталик пломбалардаги мавжуд рақамлар пломбалаш далолатномасидаги рақамлар билан солиширилмади. Мазкур ҳолатга нисбатан кузатувчи эътиroz билдириди. Раис унинг эътиrozига нисбатан бир марталик пломбалар ишлатилаётганда кўрилган деб эътиrozни қабул қилмади.

#### **Саволлар:**

1. Сайлов жараёнлари якунлари бўйича кетма-кетликка изоҳ беринг.
2. Участка сайлов комиссияси раисининг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.
3. Кузатувчининг эътиrozи ўринлими?

#### **Жавоблар:**

Участка сайлов комиссияси раисининг ҳаракатлари нотўғри. Мазкур ҳолатда сайлов қутиларидағи бир марталик пломбадаги мавжуд рақамлар пломбалаш далолатномасидаги рақамлар билан солиширилиши лозим бўлади. Кузатувчининг эътиrozи ўринли.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги Низом (1066), 12-боб, 80-банд.

**6)** Сирдарё вилояти 28-участка сайлов комиссиясида сайлов жараёнлари якунланди. Фойдаланилмаган бюллетенлар ва бузилган

буллетенлар тегишли тартибда чап бурчаклари қирқилиб бир четга олиб қўйилди. Участка сайлов комиссияси раиси овозларни санаб чиқиш бўйича яқуний баённома расмийлаштириди.

**Саволлар:**

1. Участка сайлов комиссияси раиси қандай хатога йўл қўйди ва унга ҳуқуқий баҳо беринг.

2. Сайлов бюллетенларини яроқсиз холга келтириш бўйича қонунчиликда қандай ҳаракатлар амалга оширилади.

3. Яроқсиз холга келтирилган сайлов бюллетенлари сони якуний баённомага киритиши шартми?

**Жавоблар:**

Участка сайлов комиссияси раиси сайлов жараёнлари якунлангандан сўнг фойдаланилмаган бюллетенлар ва бузилган бюллетенларни санаб чиқиш керак эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги Низом (1066)нинг 12-боб, 80-бандига биноан, фойдаланилмаган ва бузилган бюллетенлар санаб чиқиш ва юқори чап бурчаги кесиш, бу ҳақда якуний баённомага киритиш назарда тутилган. Бу ҳаракатни тўлиқ амалга оширилмади.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги Низом (1066), 12-боб, 80-банд.

**7)** Фуқаро УСК раисига мурожаат қилиб овозларни санаш жараёнида қонун бузилиши рўй берганлигини айтди. УСК раиси мурожаатни комиссия аъзолари билан муҳокама қилди ва асослар етарли бўлмаганлиги учун рад жавобини берди. Фуқаро ушбу масала юзасидан округ сайлов комиссиясига шикоят қилишини маълум қилди.

**Саволлар:**

1. Фуқаролар УСК га шикоят билан мурожаат қилиши мумкинми?

2. УСК қандай мурожаатларни кўриб чиқмайди?

3. Фуқаронинг мурожаати тўғрими?

4. Фуқаро ўз мурожаатига жавобдан норози бўлса қандай йўл тутиши керак?

**Жавоблар:**

Номзод қўрсатган сиёсий партиялар ваколатли вакиллари, номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчилар, сайловчилар, сайлов

жараёни бошқа иштирокчилари бевосита ўзлари ёки вакиллари орқали ариза, таклиф ва шикоят билан сайлов комиссияларига мурожаат қилишлари мумкин.

Мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда берилиши мумкин.

Мурожаатлар, уларнинг шакли ва туридан қатъий назар, бир хил аҳамиятга эга.

Куйидагилар кўриб чиқилмайди:

аноним мурожаатлар;

жисмоний ва юридик шахслар вакиллари орқали юборилган мурожаатлар, агар уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаса;

қонунда белгиланган бошқа талабларга мос келмайдиган мурожаатлар.

Мурожаатлар кўрмай қолдирилганда тегишли хулоса тузилади, у участка сайлов комиссияси раиси ёки раис ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Мурожаат этувчи вакилининг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмаслиги сабабли мурожаатлар кўрмай қолдирилганлиги тўғрисида мурожаат қилувчи тегишли тартибда хабардор қилинади.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги Низом(1066) 90, 98, 99-банлар.

**8)** Сайловолди ташвиқоти бошлангандан кейин сайлов натижаларига таъсир қўрсатиш мақсадида фуқаро П.А. сиёсий партиядан кўрсатилган номзоднинг ва сиёсий партия тўғрисида ёлғон маълумотлардан иборат эълонларни тайёрлаб, участка сайлов комиссияси жойлашган худудга жойлаштириб чиқди.

Сиёсий партия бундай ҳаракатлар устидан судга мурожаат қилди.

**Саволлар:**

1. Бундай хатти-ҳаракатлар қонун бузилиш ҳисобланадими?

2. Агар қонунбузилиши бўлса, қандай турдаги жавобгарлик юзага келиши мумкин?

3. Ушбу иш қайси судга тааллуқли?

**Жавоблар:**

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 51<sup>6</sup>-моддасида сайлов натижаларига таъсир қўрсатиш

мақсадида номзод, сиёсий партия тұғрисида атайлаб ёлғон маълумотларни эълон қилиш ёки бошқа усуулар орқали тарқатиш учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тұғрисида” 2020 йил 24 июлдаги пф-6034-сон Фармонига биноан 2021 йил 1 январдан бошлаб маъмурий хуқуқбузарликлар тұғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказиш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тұғрисидаги кодекси 245-моддасига биноан МЖтКнинг 51<sup>6</sup>-моддаси туман (шаҳар) жиноят ишлари бўйича судига тааллуқли.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тұғрисидаги кодекси.

**9)** 21-сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш якунланди. Участка раиси белгиланган вазифаларни амалга ошириди ва овоз бериш қутиси очилиб, саноқ учун комиссия аъзоларига берилди. Шу пайт комиссия раиси участка жойлашган 2-мактаб директори, директор ўринбосарини бюллетенларни санашга ёрдамлашиб учун таклиф қилди. Бу ҳолат кузатувчилар эътиrozига сабаб бўлди. Комиссия раиси санаш жараёнини тезроқ тугатиш мақсадида рухсат берилганлигини таъкидлади.

**Саволлар:**

1. Участка комиссияси раисининг ҳаракатлари хуқукий баҳо беринг.
2. Сайлов бюллетенларини санаш жараёнининг тартибларини тушунтиринг.
3. Кузатувчиларнинг эътиrozи ўринлими?

**Жавоблар:**

Сайлов жараёнлари якунлангандан сўнг санаш жараёнида участка сайлов комиссия аъзоларидан ташқари бошқа шахсларнинг иштирок этиши қонунга зид ҳисобланади.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тұғрисидаги, Низом (1066), 78 банд.

**10)** 44-сайлов участкасида сайлов яқунланди. Овозларни санаш жараёни ҳам ниҳоясига етди. Сайлов участкаси комиссияси раиси баённомаларни тўлдириш жараёнида раис томонидан овозларни ҳисоблаш бўйича саналган бюллетенлар сони кўпайтириб ёзилди. Бу ҳолатга нисбатан кузатувчи эътиroz билди.

**Саволлар:**

1. Участка сайлов комиссияси раисининг ҳаракатлари қонунийми?
2. Кузатувчининг эътиrozи ўринлими?
3. Баённомаларнинг тўлдириш масаласи юзасидан тушунтириш беринг?

**Жавоблар:**

Сайлов участкасида овозларни санаш жараёнида раис баённомаларни тўлдириш жараёнида овозларни ҳисоблаш бўйича саналган бюллетенлар сони асл ҳолиша ёзиши талаб этилади. Кузатувчи эътиrozи ўринли.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 58-моддаси.

**11)** Норин туман 333-сонли сайлов участкасида, сайловчилар келиши камайиб қолганлиги сабабли УСК раиси соат 19:55 да овоз бериш тугаганлигини эълон қилди, сўнг соат 20:00да қутиларни очиб саноқ жараёни бошланди ва аъзолар томонидан овоз бериш хонасидаги столлар устидаги ручка ва қаламлар турган ҳолда бирлаштирилиб, қутидаги бюллетенлар стол устига тўкилди ва саноқ жараёни бошланди. УСК раиси томонидан овозларни санаб чиқилишида бир неча бор хатоликларга йўл қўйилди, буни комиссия аъзоларидан бири бўлган К.М. кузатиб туриб саноқ натижалари юзасидан тузилган баённомага имзо қўйишда раисга баённома мазмунидан норози эканлигини билдириб бу ҳақида баённомага имзо қўйишдан бош тортди..

Вазиятга ҳукуқий баҳо беринг.

**Саволлар:**

1. Ушбу вазиятда 333-сонли УСК раиси ҳамда УСК аъзолари томонидан қандай хатоликларга йўл қўйилган?
2. УСК аъзоси К.М. овозларни санаб чиқиш жараёнида раиснинг йўл қўйган камчиликлари юзасидан эътиroz билдиришга ҳақлими?
3. Агарда комиссия аъзоларидан бири баённома мазмунидан норози бўлса қандай ҳаракатлар амалга оширилади?

**Жавоблар:**

УСКнинг раиси ёки ўринбосари соат 20:00. да овоз бериш тугаганлигини комиссиянинг аъзолари, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозирлигига эълон қиласди, ундан олдин эълон қилишга ҳақли эмас.

УСК аъзолари овоз бериш тугаганидан сўнг қонунчиликда белгиланган ҳаракатлар кетма-кетлигига қуидаги вазифаларни амалга оширади :

1-ҳаракат овозларни санаши бошлишдан олдин столлар бирлаштирилади, барча ёзув ашёлари ҳамманинг эътиборига ҳавола қилган холда четга олиб қўйилади.

Овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомани имзолаш вақтида баённома мазмуни юзасидан норози бўлган комиссия аъзоси қоғозга туширган ўзининг фикрларини баённомага илова қилишни талаб қилишга ҳақли.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги Низом(1066), 75,80,84-бандлари.

## **Сайлов жараёнида хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва маҳаллий кузатувчилар**

**12)** 2021 йил 24 октябрь куни 56-сайлов участкасига кузатувчилар, ОАВ вакиллари ташриф буюрдилар. Участка сайлов комиссияси раиси уларни мандатлари бўйича рўйхатга олинди ва улар учун ажратилган жойни кўрсатди. Сайлов жараёнлари арафасида Маҳалла жамоат фондидан 1 нафар Ш. исмли шахс кузатувчи сифатида иштирок этиш учун 56-сайлов участкасига ташриф буюрди. Участка комиссияси раиси Ш. исмли шахсни кузатувчи сифатида иштирок этишига эътиroz билди. Участкага ташриф буюрган кузатувчилар Ш. Исмли шахсни кузатувчи сифатида иштирок этишига раиснинг қаршилик қилмаслигини илтимос қилди, участка комиссияси раиси унга розилик бермади. Ш. исмли кузатувчи бу ҳаракатдан норози бўлиб Адлия бошқармасига мурожаат қилди.

### **Саволлар:**

1. Участка сайлов комиссияси раисининг ҳаракатлари қонунийми?

2. Ш. исмли шахс қузатувчи сифатида иштирок этишига ҳуқуқий баҳо беринг.

3. Участкадаги кузатувчиларнинг ҳаракатлари қонунийми?

**Жавоблар:**

Сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, шунингдек бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар ўз фаолиятини тегишли комиссиялар томонидан берилган мандатлар асосида амалга ошириши назарда тутилган. Сайлов участкаси раисининг ҳаракатлари қонуний ҳисобланади. Сайлов участкасида ташриф буюрган кузатувчилар МСК ёки ОСК томонидан берилган мандат ва гувоҳномаларини кўрсатишлари талаб этилади. Участка сайлов комиссиясидаги кузатувчиларнинг бу ҳолатга нисбатан аралашишлари қонуний эмас.

Сайлов комиссияларининг қарорлари устидан суд мурожаат қилиш назарда тутилган.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 33 ва 102-моддалари.

**13)** Сиёсий партиянинг кузатувчиси С.Т. сайловга 10 кун қолганда сайлов участкасида келиб ногиронлиги бўлган сайловчиларни рўйхатини қўрмоқчи эканлигини маълум қилди. Участка сайлов комиссияси аъзоси комиссияси бундай мажбуриятга эга эмаслигини ва кузатувчи СЖБАТ га мурожаат қилиши кераклигини маълум қилди. Вазиятга баҳо беринг.

**Саволлар:**

1. Сиёсий партия кузатувчиси шундай ваколатга эгами?

2. УСК да ногиронлиги бор шахсларни рўйхати мавжуд бўладими?

**Жавоблар:**

Сайлов участкаси худудида яшовчи биринчи марта овоз берувчи, бемор, кекса ёшдаги ҳамда имконияти чекланган, ногиронлиги бўлган сайловчилар рўйхатини шакллантиради. Бу ҳолатда УСК раиси Низом қоидаларидан хабардор эмаслиги намоён бўлди. Бироқ кузатувчининг участка сайлов комиссияси фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги Низом(1066), 23 банд, 5-қисм.

**14)** Сайлов куни Янгиқўрғон туманидаги ҳарбий қисм ҳудудидаги 832-участка сайлов комиссиясига халқаро кузатувчилар ташриф буюришиди.

Ташриф давомида кузатувчилардан бири овоз бериш жараёнини ҳеч кимга халақит бермаган ҳолда телефонига суръатга олди.

Участка сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Ўзбекистон Республикаси сайлов кодексига асосан кузатувчилар мазкур сайлов участкасида суратга олишлари мумкин эмаслигини айтди. Кузатувчи ўз навбатида айнан мана шу кодекс унга шундай ҳуқуқни беришини айтди.

Вазиятга аралашган УСК раиси меҳмонлар хафа бўлиб қолишади, шунинг учун майли расмга олишсин лекин видеога олиш мумкин эмас деб, расмга олишга рухсат берди.

**Саволлар:**

1. Кузатувчилар сайлов куни сайлов участкасида жараённи фото ва видео тасвирга олишлари мумкинми?
2. Участка сайлов комиссияси раисининг ўринбосарининг талаба қонун талабларига мос келадими?
3. Участка сайлов комиссияси раисининг ҳаракатларига баҳо беринг?
4. Юқоридаги ҳолатда участка сайлов комиссияси аъзолари қандай йўл тутишлари керак?

**Жавоблар:**

1. Кузатувчилар сайлов жараёни ва овоз беришнинг яширинлигини бузмасдан фото, видео, аудио ёзувларни амалга ошириш ҳуқуқига эга, лекин қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойлари, ҳарбий қисмлар, даволаш муассасалари бундан мустасно.
2. УСК раиси ўринбосарининг халқаро кузатувчига мазкур участкада суратга олишлари мумкин эмаслигини айтганлиги қонун ҳужжатларига тўлиқ мос келади.
3. Мазкур вазиятда участка сайлов комиссияси раиси сайлов қонунчилиги талабларини қўйол равишда бузган.
4. Жамоат хавфсизлиги учун масъул бўлган шахс УСК раиси кўрсатмасига биноан халқаро кузатувчини бинодан ташқарига чиқариб юборди. Агар хорижий (халқаро) кузатувчи Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларини, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари ва нормаларини бузса, МСК хорижий (халқаро) кузатувчи ваколатларини муддатидан илгари тугатиши мумкин.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 9 сентябрдаги 938-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 9 ва 11-бандлари.

### **Сайлов куни овоз беришни ташкил қилиш тартиби**

**15)** А. исмли фуқаро сайлов участкасига шошиб кириб келди, участка комиссияси аъзосига фуқаролик паспортини кўрсатиб сайлов бюллетинини олдида, зудлик билан шу ернинг ўзига бюллетенига белги қўйиб, УСК аъзосидан сайлов қутисига бюллетенни ташлаб қўйишни илтимос қилди. Участка комиссияси аъзоси фуқаронинг шошиб турганлигини кўриб рози бўлди. Бу жараённи кўрган кузатувчи эътиroz билдириди.

**Саволлар:**

1. А. исмли фуқаронинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.
2. Участка сайлов комиссияси аъзосининг ҳаракатлари қонунийми?
3. Кузатувчининг эътирози ўринлими?

**Жавоблар:**

Сайловчи сайлов бюллетенини олгач, уни яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида тўлдиради. Сайлов бюллетенини тўлдириш чоғида овоз берувчи шахсдан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади. УСК аъзоси сайловчиларнинг овоз бериш жараёнига аралашишга йўл қўйилмайди. Содир бўлган ҳолатда кузатувчининг эътирози ўринли.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси 55-моддаси; Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги Низом(1066) IX боб.

**16)** Сайловчи А. исмли шахс сайловга келиб хотини уйда бетоблигини ва кўчма қути билан унинг уйига бориб овоз беришни ташкиллаш бўйича участка раисига илтимоснома киритди. Участка раиси фуқаронинг мурожаатини кўриб чиқиб, УСК аъзоларидан 1 нафар ҳамда 3 нафар кузатувчини сайловчининг уйига юборди. Овоз бериш ташкил этилди. Бироқ кузатувчи бу ҳаракатдан норози бўлиб эътиroz билдириди.

**Саволлар:**

1. А. исмли фуқаронинг мурожаати ўринлими?
2. Участка комиссияси раисининг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.
3. Кузатувчининг эътирози ўринлими?

**Жавоблар:**

Участка раиси фуқаронинг мурожаатини кўриб чиқиб, УСК аъзоларидан 2 нафар ҳамда кузатувчилардан хоҳлаганларини сайловчининг уйига юборади ва овоз бериш ташкил этади. кузатувчи бу ҳаракати қонуний.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 49-моддаси.

**Сайлов куни овоз беришни ташкил қилиш**

**17)** 69-участка сайлов комиссияси аъзолари соат 15:00 ларда ўз фаолиятлари билан шуғулланаётган вақтда сайловчилардан А. исмли шахс маст ҳолда ташриф буюриб овоз бериш учун бюллетенъ беришни талаб қилди, УСК аъзолари ҳозирда унинг маст эканлигини овоз беришни бир-икки соат дам олиб кейин келиб бериши мумкинлигини тушунтиrsa ҳам, сайловчи овоз бераман деб туриб олади ва стационар сайлов қутисига тегиб йиқитиб юборади, сайлов қутисига қадалган бир марталик пломбалардан бири узилиб кетади. УСК раиси аъзолар ва кузатувчилар иштирокида далолатнома тузиб пломбани ўзгартириб қўяди.

**Саволлар:**

1. УСК раиси ҳаракатлари қонунийми?
2. Бундай ҳолларда УСК раиси қандай йўл тутиши керак?
3. Сайлов куни сайлов қутисини қайтадан пломбалаш мумкинми?

**Жавоблар:**

Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига мувофиқ, овоз бериш бошланишидан олдин сайлов қутиларини бир марталик пластмассали пломбалар билан далолатнома асосида пломбаланади, овоз бериш жараёнида турли хил сабабларга кўра пломба узилиб кетса, аъзолар ва кузатувчилар гувоҳлигида қайта пломбалаб қўйилади

Ҳар бир сайловчига участка сайлов комиссияси аъзолари хушмуомалалик билан ва оғир босиқлик билан муомала қилиш керак.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 54-моддаси.

**18)** 360 сайлов участкасида доимий яшовчи фуқаро Д. Ш сайлов куни касаллиги сабабли турган жойида овоз бериш учун аввалдан УСКга мурожаат қилган. Сайлов куни УСКнинг икки нафар аъзоси унинг хонадонига ташриф буюриб, унинг турар жойида овоз беришини амалга ошириш мақсадида ташриф буюрганда, унинг қўшниси Б.О. ҳам шу вақтда турар жойида овоз бермоқчи эканлигини билдиради.

**Саволлар:**

Фуқаро Б. О ҳам шу турагжойида овоз бериши мумкинми?

**Жавоблар:**

Айрим сайловчилар соғлиғининг ҳолатига ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, тегишли участка сайлов комиссияси овоз беришни ушбу сайловчиларнинг сайлов куни ёки сайлов кунига қадар қилган ёзма ёки оғзаки илтимосига биноан улар турган жойда ташкил этади. Бунда участка сайлов комиссияси аъзоси мурожаатлар қайдлов дафтарига сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, мурожаат қилинган вақт ҳақида тегишли ёзув киритади ва ушбу маълумотлар УСК аъзосининг имзоси билан тасдиқланади.

Участка сайлов комиссияси томонидан сайловчи турган жойда овоз беришни ташкил этиш сайлов кунидаги иш ҳажми ва вазиятдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги Низом (1066) 69-70 бандлари.

**19)** Участка сайлов комиссиясининг раиси К.М. сайловчи М.нинг уяли алоқа воситасида ўз хуқуқини амалга ошириш жараёнини видеотасвирга олишига қаршилик қиласида ва сайловчини сайлов участкасидан чиқариб юборади.

**Саволлар:**

1. УСК раисининг ҳаракатлари қонун талабларига мос келадими?
2. Сайловчи М нинг ҳаракатларига хуқуқий баҳо беринг.

**Жавоблар:**

УСК раисининг ҳаракатлари қонунга зид. Яъни, сайловчилар ўз конституциявий хукуқларини уяли алоқа воситалари орқали

сайловнинг яширинлигини бузмаган ҳолда видео тасвирга олиши мумкин.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси.

**20)** Сайлов куни сайлов участкасига Ж. исмли сайловчи келиб отаси сайловда иштирок эта олмаслигини бетоблигини айтиб сайлов участкасини қўчма қути билан сайловчининг яшаш манзилига бориб овоз беришни ташкил қилиб бериши учун мурожаат қилди. Комиссия раиси сайловчининг мурожаатини қабул қилмади ҳамда отасини бетоблигини тасдиқловчи тиббий маълумотномани талаб қилди. Ж. исмли сайловчи бу масала юзасидан округ сайлов комиссиясига эътиroz қилишини айтиб ўтди.

**Саволлар:**

1. Ж. исмли сайловчини талаби қонунийми?
2. Комиссия раиси ҳаракатларига қонуний баҳо беринг.
3. Ж. исмли сайловчи бу масала юзасидан округ сайлов комиссиясига эътиroz қилишига хуқуқий баҳо беринг.

**Жавоблар:**

Сайлов куни сайлов участкасига Ж. исмли сайловчи келиб отаси сайловда иштирок эта олмаслигини бетоблигини айтиб сайлов участкасини қўчма қути билан сайловчининг яшаш манзилига бориб овоз беришни ташкил қилиб бериши учун мурожаати қонуний. Комиссия раиси сайловчининг мурожаатини бўйича отасини бетоблигини тасдиқловчи тиббий маълумотномани талаб қилиши нотўғри ҳисобланади.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 56-моддаси.

**21)** Сайлов куни 74-сайлов участкасига Д. исмли фуқаро ташриф буюриб, фуқаролик паспорт йўқолганлиги ва унинг ўрнига фуқаролик паспортининг ксеро нусхаси борлигини айтиб ўтди. Участка сайлов комиссияси аъзоси мазкур фуқарони сайловда иштирок эта олмаслигини ва унга сайлов бюллетенини берилмаслигини таъкидлади. Фуқаро УСК раисига бу масала юзасидан эътиroz билдириди.

**Саволлар:**

1. Участка сайлов комиссияси аъзоси эътиrozи қонунийми?
2. Д. исмли фуқаро талаби қонунийми?

**3. Сайлов комиссияси раиси мазкур масалага қандай жавоб бериши лозим деб ўйлайсиз?**

**Жавоблар:**

Д. исмли фуқарони талаби қонуний эмас, фуқаролик паспорт йўқолганлиги ва унинг ўрнига фуқаролик паспортининг ксеро нусхаси тақдим қилиши қонун талабига тўғри келмайди. Д. исмли фуқаро фуқаролик паспорт йўқолган бўлса унинг ўрнига янги русумдаги ҳайдовчилик гувоҳномаси ёки ҳарбий хизмат гувоҳномасини тақдим қилиниши лозим бўлади.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 52-моддаси.

**22)** 80-сайлов участкасида сайловчи П. исмли фуқаро соат 7.30 да келди ва зарур иши борлигини ва унга сайловда иштирок этишга рухсат берилишини сўради. Бу жараёнга нисбатан участка сайлов комиссияси раиси рад жавобини билдириди. П. исмли фуқаро бу ҳолат юзасидан прокуратурага мурожаат қилишини айтиб ўтди.

**Саволлар:**

1. П. исмли фуқаро талаби қонунийми?
2. Участка сайлов комиссияси раисининг эътирози ўринлими?
3. Сайлов жараёнлари бошланиши бўйича тушунча беринг.

**Жавоблар:**

80-сайлов участкасида сайловчи П. исмли фуқаро соат 7.30 да келиб, овоз беришни талаб қилган мурожаати қонунчиликка тўғри келмайди. Бу жараёнга нисбатан участка сайлов комиссияси раиси рад жавобини билдириши қонуний ҳисобланади.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 4-моддаси.

**23)** 90-сайлов участкаси чегара худудда жойлашган. Участкага келган сайловчи Ж. исмли шахс турмуш ўртоғи билан Р. исмли сайловчи билан келди. Бироқ Ж. исмли шахс Ўзбекистон фуқароси, турмуш ўртоғи билан Р исмли шахс эса фуқаролиги бўлмаган шахсдир. УСК аъзоси Ж. исмли шахснинг турмуш ўртоғи Ўзбекистон фуқароси бўлмаганлиги учун сайлов бюллетени бермади. Бунга нисбатан Ж. исмли шахс эътиroz билдириди.

**Саволлар:**

1. Ж. исмли шахс эътирози ўринлими?

2. Р. исмли шахс эса фуқаролиги бўлмаган шахс сайловда иштирок эта оладими?

3. УСК аъзосини эътирози ўринлими?

**Жавоблар:**

Участкага келган сайловчи Ж. исмли шахс сайловда иштирок этади. Турмуш ўртоғи билан Р. исмли эса фуқаролиги бўлмаган шахс бўлганлиги учун сайловда иштирок эта олмайди. УСК аъзосининг эътирози ўринли.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 4-моддаси.

**24)** 41-сайлов участкасида эрталаб соат 8.00 да участка сайлов комиссия раиси Давлат мадҳияси янграгандан сўнг, овоз бериш бошланганлигини эълон қиласи ва сайловга келган ёши катта отахон сўз беради. Сўнг сайловчиларни овоз беришини ташкил қиласи. Бу жараённи кузатиб турган кузатувчи раиснинг фаолиятига эътиroz билдириди.

**Саволлар:**

1. Сайлов участка комиссияси раисининг ҳаракатлари қонунийми?

2. Кузатувчининг эътирози ўринлими?

3. Сайлов участка комиссияси раисининг сайлов жараёнлари бошланиши билан боғлиқ ҳаракатларини тартиби билан изоҳланг.

**Жавоблар:**

Сайлов участкасида эрталаб соат 8.00 да участка сайлов комиссия раиси Давлат мадҳияси янграгандан сўнг, участкада рўйхат бўйича сайловчиларнинг сони, олинган сайлов бюллетенлари сони ҳамда муддатидан аввал овоз берганларнинг сони маълум қилиниши лозим эди. Кузатувчининг эътирози ўринли.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 54-моддаси.

**25)** Сайлов куни 58-сайлов участкасига Ш исмли шахс келиб, сайловчилар рўйхатига ўзини исми шарифи қаторига имзо чекди ва ўзидан кейинги турмуш ўртоғининг исм-шарифига ҳам имзо чекиб қўйди. Бу жараёндан сайлов УСК аъзоси эътиroz билдириди. Сайловчи Ш. исмли шахс бу эътиrozга жавобан турмуш ўртоғи эканлиги ва сайловда иштирок эта олмаслигини билдириди.

**Саволлар:**

1. Участка сайлов комиссиясини аъзосини эътирози ўринлими?

2. Сайловчи Ш. исмли шахснинг ҳаракатлари қонунийми?
3. Сайловчи Ш. исмли шахснинг эътиrozига қонуний баҳо беринг.

**Жавоблар:**

Участка сайлов комиссиясига келган сайловчи фуқаролик паспортини кўрсатган холда ўзини исми шарифи киритилган катакка имзо чекади бошқа шахслар учун имзо қўйишга йўл қўйилмади. Ш. исмли шахснинг турмуш ўртоғи бетоблиги туфайли сайловда иштирок эта олмаса, комиссия раисига мурожаат қиласди, сўнг уни кўчма қути билан яшаш манзилига овоз бериш учун жўнатилади. Участка сайлов комиссияси аъзосини эътиrozи ўринли.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 5-моддаси.

**26)** Фуқаро Д. 2021 йил 24 октябрь куни 35 сайлов участкасига овоз бериш учун келди. Овоз бериб бўлгандан сўнг сайлов участкаси ташқарисига чиқиб ўзи овоз берган номзодни амалга оширган ишларини мақтаб сайловга келаётган фуқароларни шу номзодга овоз беришга даъват қиласди. Бундан хабар топган УСК раиси Д.га нисбатан огоҳлантириш эълон қиласди.

**Саволлар:**

1. Фуқаро Д.нинг ҳаракатлари қонунийми?
2. Участка сайлов комиссияси раисининг ҳаракатлари қонунийми?

**Жавоблар:**

Фуқаро Д.нинг ҳаракатлари қонуний эмас, чунки қонунчиликда тарғибот ташвиқот ишларига йўл қўйилмайди. УСК раиси томонидан амалга оширилган ҳаракат қонуний ҳисобланади.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 44-моддаси.

**27)** Сайлов куни соат 14.00 да фуқаро Б. Т. сайлов участкасига маст холда келди ва баланд овозда бақириб фуқароларни номзодлардан бирига овоз бермасликка чақира бошлади. УСК раиси аъзолардан ва шу жойда турган фуқаролардан биридан Б. Т. ни сайлов участкасидан ташқарига чиқариб юборишни айтди. Бундан ғазабланган Б. Т. Раисга ташланиб кетди ва муштлашув келиб чиқди. Шовқинни эшитган ички ишлар ходимлари участкага етиб келиб фуқаро Б. Т. Ни навбатчи машина билан бўлимга жўнатишиди. Миллий гвардия ходими ҳолат такрорланмаслиги учун овоз бериш якунига қадар участкада қолди. Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

**Саволлар:**

1. Фуқаро Б. Т. нинг ҳатти-ҳаракатига хуқуқий баҳо беринг?
2. УСК раиси ҳаракатлари қандай бўлиши керак эди?
3. Хуқуқ тартибот органлари ходимларининг амалга оширган ишлари тўғрими?

**Жавоблар:**

Участка сайлов комиссияси раиси овоз бериш биносида тинчлик сақланиши ва тартибга риоя қилинишини таъминлаш, овоз бериш ва уларни санаб чиқишида ғайриқонуний тўсқинликлар вужудга келганида ички ишлар ёки миллий гвардия ходимларига мурожаат қилиши мумкин. Бунда, ички ишлар ёки миллий гвардия ходимлари зудлик билан воқеа жойига етиб келишлари лозим.

Ички ишлар ва миллий гвардия ходимлари томонидан сайлов участкаси ҳудудидаги тартибсизлик, ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлар бартараф этилганидан сўнг участка сайлов комиссияси раиси кўрсатмаси асосида сайлов участкаси биносини тарк этишлари ва сайлов жараёнига халақит бермайдиган жойга жойлашишлари шарт.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги Низом(1066), 68-банд.

**28)** Фуқаро сайловчилар рўйхатига мустақил имзо қўйиш имконияти йўқлигини билдири ва қўшнисини ёрдам беришига рухсат сўради. УСК аъзоси унга қўшниси фақат кабинада белги қўйишга ёрдам бериши мумкинлигини айтиб рад жавобини берди. Вазиятга баҳо беринг.

**Саволлар:**

1. Сайлов бюллетенини мустақил равища тўлдириш имкониятига эга бўлмаган сайловчи бошқа бир кишини ёрдамидан фойдаланиши мумкинми?
2. Бошқа кишини ёрдами рўйхатга имзо қўйиш ва бюллетенни кутига ташлаш жараёнига ҳам тадбиқ этилиши мумкинми?
3. Юқоридаги вазиятда УСК аъзоси қандай йўл тутиши мумкин?

**Жавоблар:**

Сайлов бюллетенини тўлдириш чоғида овоз берувчи шахсдан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади.

Сайлов бюллетенини мустақил равища тўлдириш имкониятига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра яширин овоз бериш кабинасига ёки хонасига бошқа шахсни таклиф қилишга ҳақли, бундан сайлов комиссияси таркибига кирадиган шахслар, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари мустасно.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги Низом(1066), 64-65 бандлар.

**29)** Фуқаро овоз бериш куни сайлов участкасига келиб шахсини тасдиқловчи ҳужжат сифатида ҳайдовчилик гувоҳномасини тақдим қилди, УСК аъзоси фақат паспорт ва ҳарбий гувоҳнома асосида бюллетенъ бериши мумкинлигини, ҳеч қайси меъёрий ҳужжатда ҳайдовчилик гувоҳномаси кўрсатилмаганлигини маълум қилди, фуқаро ОАВ орқали бу ҳақида эшитганлигини айтди ва тегишли тарзда шикоят қилишини маълум қилди.

**Саволлар:**

1. Фуқарога бюллетенъ қандай тартибда берилади?
2. УСК аъзоси бу вазиятда қандай йўл тутиши керак эди?
3. Юқоридаги вазиятда фуқаронинг шикояти қандай тартибда кўриб чиқилади?

**Жавоблар:**

Овоз бериш биносига келгач, сайловчи участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади (паспорт, ID-карта, ҳарбий гувоҳнома, янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси, фуқаролик паспортини йўқотган фуқароларга ички ишлар органлари томонидан берилган вақтинчалик маълумотнома, жазони ўтаб бўлганлик ёки жазодан озод қилинганлик тўғрисидаги маълумотнома) ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги Низом(1066), 62-банд.

**30)** Сайлов куни 56-сайлов участкасида сайлов жараёнлари давом этмоқда. УСК аъзоси Н.Абдуллаев сайлов давомида Ш.исмли фуқаронинг овоз бериш вақтида унинг ёнига келиб, ўзи хоҳлаган номзод

тўғрисидаги маълумотларни айтиб, унга овоз беришга ундаи. Мазкур жараёнда сайлов участка комиссияси аъзосининг ҳаракатларини кўриб турган кузатувчи унинг фаолиятига эътиroz билдириб, участка комиссияси раисига мурожаат қилди.

**Саволлар:**

1. Участка сайлов комиссияси аъзоси Н.Абдуллаевнинг ҳаракатлари қонунийми?

2. Мазкур ҳолат бўйича кузатувчининг эътирози ўринлими?

3. Сайлов қонунчилиги бўйича УСК аъзолари томонидан сайлов жараёнларида қонун бузилиш ҳолатлари содир этилса, қонунчиликда айнан УСК аъзоларига нисбатан жавобгарлик бўйича норма мавжудми?

**Жавоблар:** Сайлов участкасида УСК аъзоси Н.Абдуллаевнинг ҳаракатлари қонунга зид. Сайлов жараёнларида фуқароларнинг овоз бериш жараёнида ҳеч кимнинг аралашишга йўл қўйилмайди. Фақатгина қонунда кўрсатилган ҳолатлар бўйича сайловчи ўзидан олдинги ёки кейинги сайловчидан ўз хоҳиши билан ёрдам сўраши мумкинлиги кўзда тутилган.

Сайлов участкасида иштирок этаётган қузатувчининг ҳаракатлари қонуний, бу жараён бўйича ўз вақтида участка комиссияси раисининг огоҳлантириши лозим.

Сайлов қонунчилиги бўйича участка сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов жараёнларида сайлов қонунчилигининг бузганлиги учун жавобгарлик белгиланган бўлса ҳам, нормаларда сайлов участка комиссиялари аъзолари деб кўрсатиб ўтилмаган.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 3-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги Низом (1066), 2-боб 6-банд.

**31)** Тошкент вилояти Ўрта чирчиқ туманида жойлашган 26-сайлов участкасида сайлов жараёнлари давом этмоқда. Сайлов участкасида комиссия аъзоларининг сони 13 нафар этиб белгиланган. Бироқ округ сайлов комиссияси аъзоси сайлов участкасида участка комиссияси аъзоси бўлмаган шахсларнинг борлиги бўйича (яъни МФЙ раиси, мактаб директорининг ўринbosарлари) комиссия раисига эътиroz билдириди. Сайлов участкасида бошқа шахсларнинг сайлов жараёнларида иштирок этмаслигини таъкидлади. Мазкур мурожаатга нисбатан сайлов участка

комиссияси раиси сайлов жараёнида фуқароларнинг тўпланиб қолишини олдини олиш ва овоз бериш жараёнларини тезлатиш мақсадида уларнинг иштирок этаётганлигини айтиб ўтди.

**Саволлар:**

1. Участка сайлов комиссияси раисининг ҳаракатлари қонунийми?
2. Сайлов участкасида сайлов жараёнларида бошқа шахсларнинг иштироки бўйича ҳуқуқий баҳо беринг.
3. Округ сайлов комиссиясининг аъзоси томонидан билдирилган эътиroz ўринлими?
4. Участка сайлов комиссияси раисининг эътиrozга нисбатан билдирилган фикрига ҳуқуқий баҳо беринг.

**Жавоблар:**

Участка сайлов комиссияси раисининг ҳаракатлари қонунга зид. Қонунчилик бўйича сайлов участкасида фақатгина сайлов участка комиссиялари аъзоларининг иштирок этиши кўзда тутилган.

Сайлов жараёнларида сайлов участка комиссиялари аъзолари, кузатувчилар, халқаро кузатувчилар, ОАВ вакиллари мандат ва гувоҳномалари билан иштирок этишлари кўзда тутилган. Округ сайлов комиссияси аъзосининг эътиrozи ўринли. Участка сайлов комиссияси аъзоларидан ташқари ҳар қандай вазиятда участка сайлов комиссиялари аъзоларидан ташқари бошқа шахсларнинг сайлов жараёнларига иштирок этишлари кўзда тутилмаган.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг З-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги Низом (1066), 3-боб, 14-банд.

**32)** Наманган вилояти 6-сайлов участкасида сайлов жараёнларида овоз бериш учун келган сайловчилар А., Д., В.лар сайловчилар учун ажратилган овоз бериш кабинасига кириб олишди. Улар овоз бериш кабинасида ўзлари учун муносиб кўрган номзод масаласини мухокама қилдилар. Бу ҳолатдан хабар топган участка сайлов комиссияси раиси мазкур сайловчиларнинг ҳаракати қонун ва белгиланган меъёрларга зид эканлигини таъкидлаб уларнинг сайлов участкасидан чиқариб юборди.

**Саволлар:**

1. Сайловчилар А., Д., В.лар ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.

**2. Сайлов участка комиссияси раисининг ҳаракатлари қонунийми?**

**Жавоблар:** 6-сайлов участкасида сайлов жараёнларида овоз бериш учун келган сайловчилар А., Д., В.ларнинг овоз бериш хонасидаги ҳаракатлари нотўғри. Сайловда иштирок этаётган ҳар бир сайловчи бир овозга эга.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги Низом (1066), 12-боб, 80-банд.

**33) Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган 21-сайлов участкасида туб аҳоли қорақалпоқ миллатига мансуб аҳоли яшайди. 2021 йил 24 октябрь куни мазкур участкага сайлов блютенлари лотин ёзувига асосланган ўзбек тилида нашрдан чиқариб келинди. Сайлов жараёнларида айрим фуқаролар бу ҳолатдан норози бўлиб, сайлов блютенлари қорақалпоқ тилида нашр қилинишини талаб қилди. Сайлов участка комиссияси раиси уларни талабларини қондирилмаслигини, сайлов бутун Ўзбекистонда бўлаётганлигини шу блютенларга ўз хоҳишларини билдириб овоз беришларини қатъий таъкидлади.**

**Саволлар:**

1. Сайлов куни фуқароларнинг сайлов бюллетени бўйича билдирган норозиликлари қонунийми?

2. Сайлов участка комиссияси раисининг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.

3. Сайлов блютенларин нашр этилиши бўйича тушунча беринг.

**Жавоблар:**

Сайлов куни сайлов бюллетенлари давлат тилида, шунингдек округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан тегишли округ аҳолисининг кўпчилиги сўзлашадиган тилларда нашр этилади. Бу ҳақда участка сайлов комиссиялари сайловга ўттиз беш кун қолганда округ комиссияларига таклиф берадилар. Сайлов бюллетенларини Брайль алифбоси асосида тўлдириш учун трафаретлар тайёрланиши мумкин. Сайлов участка раиси ҳаракатлари қонуний эмас. Сайловчиларнинг эътиrozлари ўринли.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 31-моддаси.

**34) 2021 йил 24 октябрь куни Учтепа тумани 256-сайлов участкасида сайлов жараёнлари бошланди. Сайлов куни соат 14.00 қадар**

участкадан сайловчи сифатида рўйхатга олинган сайловчиларнинг 24% фоизи сайловда иштирок этди. Кеч соат 18.00да ҳам умумий сайловчилар 26% фоизни ташкил қилди. Сўнг сайлов участка комиссияси раиси ҳудудда жойлашган МФЙ раис ва мактаб директорини чақириб, зудлик билан фуқароларни сайловда иштирок этишлари учун уй-уй юриб чақиришни буюрди. МФЙ раиси зудлик билан ходимларига топшириқ бериб, МФЙда яшовчиларни сайловга мажбуран чақиришни буюрди. Мактаб директори бу топшириқни бажармаслигини, бу ҳаракат сайлов қонунчилигига тўғри келмаслигини тушунтириди.

**Саволлар:**

1. Участка сайлов комиссияси раисининг ҳаракатлари қонунийми?
2. МФЙ раиси ҳаракатларига қонуний баҳо беринг.
3. Мактаб директорининг ҳаракатини ҳуқуқий изоҳланг.
4. Айнан сайловчиларнинг сайловда иштирок этишлари бўйича қонунчиликдаги масалаларга изоҳ беринг.

**Жавоблар:**

Сайлов участкаси комиссия раиси ҳаракатлари қонун зид ҳаракат ҳисобланади. Сайлов қуни сайловда иштирок этмаган сайловчиларни мажбуран чақирилишига йўл қўйилмайди. Сайлов кодекси Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хоҳиш-иродаси эркин билдирилишини таъминловчи кафолатларни белгилайди. Агар унда сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг ўттиз уч фоизи иштирок этса, сайлов қонуний ўтган ҳисобланади. МФЙ раиси ҳаракатлари нотўғри. Мактаб директори томонидан билдирилган фикр ўринли.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 1, 4, 96-моддалари.

### **Сайловолди ташвиқоти**

**35)** Сайлов жараёнида Президентликка номзод сифатида рўйхатга олинган И.Абдуллаева сайлов ташвиқотини амалга ошириш учун ўзига белгиланган эфир вақтидан фойдаланиш учун Ўзбекистон телеканалига мурожаат қилди. У эфир вақтини асослаб тарғибот материалини тайёрлади. Эфир вақти белгиланди. Ўзбекистон телеканали директори номзодлар ичida биргина аёл номзод бўлганлиги боис И.Абдуллаевага эфир вақтини узайтириб беришни айтиб топшириқ берди. Бу

ҳаракатдан бошқа номзодлар эътиroz билдириб МСК га мурожаат қилди.

**Саволлар:**

1. Ўзбекистон телеканали директори ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беринг.
2. Номзодларнинг эътиrozлари ўринлими?
3. Номзодларнинг тарғибот ва ташвиқот ишлари бўйича қонунчилигимиздаги нормаларни тушунтиринг.

**Жавоблар:**

Ўзбекистон телеканали директори ҳаракатлари қонунга зид. Номлар учун қонунчиликка асосан эфир вақти бир хил қилиб белгиланади. Номзодларнинг эътиrozлари ўринли. Номзодлар учун эфир вақтини белгилашда жинс ҳисобга олинмайди. Қонунчиликда номзодларнинг тарғибот ва ташвиқот ишлари бўйича бир хил вақт белгиланган.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 46-моддаси.

**36)** 65-сайлов участкасида сайлов жараёнлари давом этмоқда. Участка сайлов комиссияси жойлашган 56-мактаб биноси кириш қисмида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Президентининг сўzlари ва фотопортрети турибди. Сайловга овоз бериш учун келган фуқаролар бу ҳолатдан хабардор. Участка сайлов комиссиясига келган халқаро кузатувчи бу жараёнга эътиroz билдириди.

**Саволлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Президентининг сўzlари ва фотопортрети сайлов участкасида бўлиши қонунийми?
2. Халқаро кузатувчининг эътиrozи ўринлими?
3. Сайлов участка комиссияси биноси жиҳозланиши бўйича тушунтириш беринг.

**Жавоблар:**

Сайлов участкасида сайлов жараёнлари давом этаётган пайтда участка сайлов комиссияси жойлашган 56-мактаб биноси кириш қисмида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Президентининг сўzlари ва фотопортрети бўлиши мумкин эмас. Бу ўринда халқаро кузатувчи бу жараёнга эътиroz ўринли.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 44-моддаси.

**37)** Сиёсий партиядан қўрсатилган номзод сайлов ташвиқоти бўйича плакат ва тарқатма материалларини АҚШнинг нуфузли компаниясида нашрдан чиқариб келди. Тарғибот тадбирлари давомида барча унинг тарғибот материалларига эътиборли қаради. Бошқа номзодлар бу ҳолатга эътиroz билдириб, округ комиссиясига мурожаат қилдилар.

**Саволлар:**

1. Номзоднинг ҳаракатлари қонунийми?
2. Қонунчиликда белгиланган тартиб бўйича тушунча беринг.
3. Номзодларнинг эътиrozлари ўринлими?

**Жавоблар:**

Сайлов кодексига асосан ташвиқот материаллари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрланиши керак. Номзодларнинг эътиrozлари ўринли.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 47-моддаси.

**38)** 56-сайлов участкаси Наманган шаҳрининг 4-мактабида жойлашган. Бинода сайлов қуни сайлов жараёнлари қонун талаблари асосида ўтказилмоқда. Мактаб директори 4-мактабда муҳим санага бағишлиланган тадбир ўтказилишини режалаштириди. Сайлов участкаси комиссияси раиси бу тадбирни бошқа кунга қолдиришини ва сайлов қуни сайлов участкасида сайловдан бошқа тадбирлар ўтказилмаслигини таъкидлади. Мактаб директори бу масала юзасидан округ сайлов комиссиясига эътиroz билдириди.

**Саволлар:**

1. Сайлов участкаси комиссияси раиси ҳаракатлари қонунийми?
2. Мактаб директорининг талаби қонунийми?
3. Мактаб директори бу масала юзасидан округ сайлов комиссиясига эътиrozига ҳуқуқий баҳо беринг.

**Жавоблар:**

Сайлов қуни овоз бериш биносида бошқа ҳар қандай тадбир ўтказилишига рухсат берилмайди.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 49-моддаси.

## **Сайловчилар рўйхати билан ишлаш**

**39)** Фуқаро 16 октябрь куни сайлов участкасига ташриф буюриб рўйхат билан танишди ва Истиқлол қўчаси 15 уйда 15 та фуқаро яшайди деб кўрсатилгани у ерда эса цех жойлашганлигини айтди ва УСК аъзоларини қонун бузилишида айблади. УСК котиби бу ерда ўзларининг айблари йўқлигини, бу рўйхатни СЯЭР дан олганлигини айтди.

**Саволлар:**

1. Сайловчилар рўйхати қай тариқа шакллантирилади?
2. УСК сайловчилар рўйхатини олгандан кейин қандай ишларни амалга оширади?
3. УСК рўйхатларга ўзгартириш кирита оладими?

**Жавоблар:**

Сайловчилар рўйхати участка сайлов комиссияси томонидан тузилади.

Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган пайтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари сайловчилар рўйхатига киритилади.

Участка сайлов комиссиясининг раиси комиссия аъзоларига сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчилар тўғрисидаги маълумотларнинг тўғрилигини мазкур участка ҳудудида яшовчи аҳолини уйма-уй айланиб чиқиш орқали аниқлаштириш учун тақсимлайди.

Участка сайлов комиссияси аъзолари сайлов участкаси ҳудудида яшовчи сайловчилар тўғрисида маълумотларни олганидан кейин, ушбу маълумотларнинг тўғрилигини уйма-уй айланиб чиқиш орқали аниқлик киритади.

Участка сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатини тузиш ишларига жамоатчилик вакиллари ва волонтёрларни жалб қилиши мумкин. Туман ва шаҳар ҳокимлклари сайловчиларнинг рўйхатларини аниқлаштириш ишларига кўмаклашади.

Уйма-уй айланиб чиқиш натижасига кўра сайловчилар рўйхатида хато ва камчиликлар аниқланган тақдирда, участка сайлов комиссияси куйидаги чораларни кўради:

сайловчилар рўйхатига кирмаган фуқарони рўйхатга киритиш;  
сайловчининг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган санаси, яшаш манзилига тузатиш киритиш.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги Низом (1066) 32, 33, 34 бандлар.

**40)** П. исмли фуқаро 69-сайлов участкасига 2021 йил 21 октябрь куни сайлов участкасига келиб, сайловчиларнинг рўйхатида ўзининг маълумотларида ўзгариш бўлганлигини айтиб ўтди. Участка комиссиясининг раиси мазкур фуқарога маълумотлар ўзгартирилмаслигини тушунтириб ўтди. П. исмли шахс мазкур мурожаат қонуний ҳал этилмаганидан округ комиссиясига мурожаат қилди.

**Саволлар:**

1. П. исмли фуқаронинг мурожаати ўринлими?
2. Участка комиссиясининг ҳаракатлари қонунийми?
3. П. исмли фуқаронинг округ комиссиясига эътиrozига ҳуқуқий баҳо беринг.

**Жавоблар:** П. исмли фуқаронинг участка сайлов комиссиясига мурожаат қилишга ҳақли. Участка комиссия раиси томонидан сайловчиларнинг рўйхатларига ўзгартишлар киритиш сайловга беш кун қолганида тўхтатилиши ҳақида тушунтириши асосли.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 27-моддаси.

**Участка сайлов комиссияси фаолиятини ташкил этишга оид масалалар**

**41)** 768-участка сайлов комиссиясининг аъзоси Ш.Т. 19 сентябрь куни уни иши ўзгарганлиги, директорнинг буйруфи билан бошқа ишга ўтказилганлиги ва энди комиссия таркибида ишлай олмаслигини билдириди.

**Саволлар:**

1. Мактаб директорининг буйруфи қонун талабларига мос келадими?
- 2 .Қайси ҳолларда комиссия аъзоси ўз вазифасидан озод қилиниши мумкин?
3. Комиссия аъзосининг ваколати муддатидан олдин тугатилиши мумкинми?

### **Жавоблар:**

Участка сайлов комиссиясининг аъзоси тегишинча округ сайлов комиссиясининг қарорига мувофиқ қуидаги ҳолларда ўз вазифасини бажаришдан озод этилиши мумкин:

шахсий аризасига кўра;

ваколатларидан маҳрум этилган тақдирда;

Сайлов кодекси талабларини бузган ёки зиммасидаги мажбуриятларини мунтазам равишда бажармаган тақдирда.

Бунда участка сайлов комиссияси аъзосининг Сайлов кодекси талабларини бузганлиги ёки зиммасидаги мажбуриятларга мунтазам равишда эътиборсизлик қилганлигига оид ҳолат у аъзо бўлган участка сайлов комиссиясининг далолатномаси билан расмийлаштирилади. Участка сайлов комиссиясининг қарорига биноан комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ёки бошқа аъзоси сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўtkазиш даврида ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан сайлов ўtkазиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ўртacha ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда озод қилиниши мумкин.

Участка сайлов комиссияси аъзоси ўз ваколат муддати тугагунига қадар сайлов кампанияси даврида иш берувчининг ташабbusи билан ишдан бўшатилиши ёки унинг розилигисиз бошқа ишга ўtkазилиши мумкин эмас.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўtkазувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги Низом(1066) 2, 3, 4-бандлари.

**42)** 588-сайлов участкасида 1900 нафар сайловчи мавжуд бўлиб, участкага 2 та овоз бериш кабинаси ўрнатилган. Овоз бериш куни соат 9.30 да сайловчилар қўплиги туфайли тирбандлик вужудга келди, шошиб турган айrim фуқаролар дераза токчасида бюллетенни тўлдириб қутига ташлаб кетишли. Вазиятга баҳо беринг.

### **Саволлар:**

1. Сайлов участкасида овоз бериш кабиналарининг сони белгиланганми?

2. Юқоридаги ҳолатни олдини олиш мумкинми?

3. Сайловчи бюллетенга қаерда белги қўйиши керак?

### **Жавоблар:**

Ёзув анжомлари билан таъминланган ва ёруғ (зарурат бўлганда чироқ ўрнатилади) яширин овоз бериш кабиналари (1000 нафаргача сайловчи учун камидаги 2 та, 2000 нафаргача сайловчи учун камидаги 3 та, 3000 нафаргача сайловчи учун камидаги 4 та); Сайловчи сайлов бюллетенини олгач, уни яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида тўлдиради.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги Низом(1066) 25 ва 63-бандлар.

**43)** Самарқанд вилояти округ сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш юзасидан Иштихон туманида жойлашган 43-мактаб директорига мурожаат қилиб, мактаб ҳамда унинг атрофидаги ҳудуд тозаликка жавоб бермаслигини, ободонлаштириш ишларини олиб боришни сўради.

Мактаб директори округ сайлов комиссиясининг мактаб атрофидаги ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб боришни талаб қилиш ваколатига эга эмаслигини асос келтириб, мурожаатни кўрмасдан қолдирди.

Округ сайлов комиссиясининг қайта мурожаатига ҳам мактаб директори томонидан худди шундай қарор қабул қилинган.

Округ сайлов комиссияси раиси мактаб директори қарори устидан судга мурожаат қилиб, мурожаатни асоссиз равишда рад этганлик учун мактаб директорини жавобгарликка тортишни сўраган.

**Саволлар:**

1. Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар бундай мурожаатларни кўриб чиқишига мажбурми?
2. Мазкур ҳолатда қандай хатти-ҳаракатлар амалга оширилиши керак?
3. Бундай хатти-ҳаракат учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилганми?

**Жавоблар:**

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 26-моддасига биноан сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат органларига ҳамда жамоат бирлашмаларининг органларига, корхоналарга, муассасаларга, ташкилотларга, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга,

улар қўйилган масалани қўпи билан уч қунлик муддатда қўриб чиқиши ва сайлов комиссиясига жавоб қайтариши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 51<sup>3</sup>-моддасига биноан сайлов комиссияларининг қарорларини ижро этмаслик, худди шунингдек уларнинг мурожаатларини қўриб чиқиши ғайрихуқуқий равишда рад этиш, уларни қўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш маъмурий жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Мазкур ишлар жиноят ишлари бўйича судларга тааллуқли бўлиб, МЖтҚда белгиланган тартибда ишни қўриб чиқиши ва қонунда белгиланган жазо чорасини қўллаши лозим.

Агар мактабда УСК жойлашган бўлса ободонлаштириш ишларини ташкил қилиш лозим бўлади. УСК тегишли давлат органлари, МФЙ ва бошқа ташкилотларга мурожаат қилиши орқали ободонлаштиришни ташкил этади. Акс ҳолда ОСК мактабга бундай топшириқ бериши масаласини ҳал қилишга эътибор қаратиш лозим.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги (янги таҳрири) Конуни.

**44)** 364 участка сайлов комиссиясининг аъзоси М. О. 26 сентябрда ўз хоҳишига қўра комиссия аъзолигидан кетишиликни сўраб УСК раисига ариза билан мурожаат қилди. УСК раиси унга сайлов комиссиялари аъзолари сайлов ўтгунга қадар бундай қилиши мумкин эмаслигини айтиб, аризасини қаноатлантирмади.

**Саволлар:**

1. УСК аъзоси М.О.нинг мурожаати қонунийми?
2. УСК раисининг жавоби қонун талабларига мос келадими?

**Жавоблар:**

УСК аъзосининг мурожаати қонуний. Участка сайлов комиссиясининг аъзоси тегишинча округ сайлов комиссиясининг қарорига мувофиқ қуйидаги ҳолларда ўз вазифасини бажаришдан озод этилиши мумкин:

- Шахсий аризасига қўра;  
Ваколатларидан маҳрум этилган тақдирда;

Сайлов кодекси талабларини бузган ёки зиммасидаги мажбуриятларини мунтазам равища бажармаган тақдирда.

УСК раисининг жавоби қонун талабларига мос келмайди.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов Комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги Низом (1066) 2-банди.

**45)** 235-участка сайлов комиссиясининг раиси Ж.Й. 2021 йил 24 октябрь куни маълум бир сабабларга кўра, сайлов жараёнига кеч етиб келди. Раис келгунига қадар мажлислар раис ўринbosарининг ташаббусига кўра чақирилди ва мажлис якуни бўйича раис ўринbosари томонидан қабул қилинди. Бироқ, бу қарор амалдаги раисга маъқул келмаган ҳолда эътиroz билдири.

**Саволлар:**

1. Раис бўлмаган вақтда қандай ҳаракат амалга оширилади?
2. Мажлислар чақириш тартиби қандай амалга оширилади?
3. Участка раисининг ўтказилган мажлислардан эътиroz билдириши ўринлими?

**Жавоблар:**

Участка сайлов комиссияси раиси ўз ваколатларини бажара олмаган, шунингдек участка сайлов комиссияси раиси бўлмаган тақдирда, унинг ваколатлари раис ўринbosари ёки участка сайлов комиссияси қарори билан комиссия аъзоларидан бирининг зиммасига юкланиши мумкин.

Участка сайлов комиссиясининг мажлиси раиснинг ташаббусига кўра ёки комиссия аъзолари умумий таркибининг камида учдан бир қисми талабига биноан чақирилиши мумкин.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги Низом(1066) 8 ва 14-бандлари.

**46)** 65-Сайлов участкасида комиссия раиси И. Камолов аъзолари билан йиғилиш ўтказмоқда, аъзоларга уйма-уй юриб сайловчилар рўйхатига аниқлик киритиш масаласида топшириқлар берди. Айрим участка комиссия аъзолари ушбу ишни самарали ва қулайроқ ташкил этиш мақсадида таклифлар киритишиди. Лекин участка раиси берилган

топшириқлар мени айтганим бўйича амалга оширасизлар, деб туриб олди.

**Саволлар:**

1. Комиссия аъзолари йиғилишларда таклиф киритишлари ўринлими?

2. Комиссия раисининг фаолиятига ҳуқуқий баҳо беринг?

**Жавоблар:**

Комиссия аъзолари йиғилишларда ўз фикрларини эркин билдиришлари ва таклиф киритишлари ўринли. Участка сайлов комиссияси ўз фаолиятини қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлилик принциплари асосида амалга оширади

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги Низом(1066) 6-банди.

**47)** 816-сайлов участкасининг биринчи йиғилишида участкага транспорт хизмати кўрсатувчи корхона билан шартнома тузиш масаласи юзасидан қарор қабул қилиш жараёнида рози ва қарши овозлар сони teng келиб қолди. Натижасида йиғилишга раислик қилаётган УСК раиси ўринбосари масалани қайта муҳокама қилиб кейинги йиғилишга қолдиришни таклиф этди. Вазиятга баҳо беринг

**Саволлар:**

1. УСК мажлиси қандай ҳолатларда ваколатни ҳисобланади?

2. УСК биринчи мажлисида қандай масалалар муҳокама қилинади?

3. УСК мажлисида қарор қабул қилиш жараёни қандай кечади?

4. УСК мажлисларида кимлар иштирок этиши мумкин?

**Жавоблар:**

Участка сайлов комиссиясининг мажлиси, агар унда мажлис ўтказилаётган кундаги комиссия аъзолари умумий сонининг камидаги учдан икки қисми иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Бир кунлик муддатда участка сайлов комиссиясининг биринчи ташкилий мажлисида қўйидаги масалаларни кўриб чиқади:

участка сайлов комиссиясининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир иш режасини тасдиқлаш;

участка сайлов комиссияси аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

участка сайлов комиссияси аъзолари томонидан сайловчиларнинг ҳар кунги қабулини ташкил этиш;

участка сайлов комиссияси аъзоларининг навбатчилигини ташкил қилиш;

участка сайлов комиссиясининг иш ҳужжатлари номенклатурасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалда қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш.

Участка сайлов комиссиясининг қарори очиқ овоз бериш йўли орқали комиссия аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар teng бўлиб қолган тақдирда, раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Участка сайлов комиссиясининг мажлисларида юқори турувчи комиссия аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг (бундан буён матнда номзодлар деб юритилади) ишончли вакиллари, сиёсий партияларнинг кузатувчилари ва ваколатли вакиллари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар иштирок этиши мумкин.

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги Низом(1066) 7, 9, 11 ва 23-банлар.

**З-БҮЛİM.  
САЙЛОВЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЖАРАЁНЛАРИДА УЧРАЙДИГАН  
МУАММОЛИ ВАЗИЯТЛАРГА ОИД ТАВСИЯЛАР**

*УСК фаолиятини ташкил этишда учрайдиган тизимли муаммолар,  
мавжуд хавф-хатарлар ва заиф жиҳатлар  
(халқаро ташкилотлар берган таҳлиллар асосида)*

**Сайлов жараёнини ўтказилишига давлат ҳокимияти органларининг  
аралашуви**

*Муаммонинг изоҳи.* Сайлов жараёнида давлат ҳокимияти органларининг аралашуви билан боғлиқ ҳолатлар қайд этилган.

*Муаммонинг ечими.* Давлат ҳокимияти органлари ва УСК аъзоларига мазкур ҳолатлар юзасидан тушунтиришлар бериш.

**Сайловчилар рўйхатини тузиш билан боғлиқ низоли вазиятлар**

*Муаммонинг изоҳи.* Сайловчилар рўйхатини тузиш пайтида йўл қўйилган хато ва камчиликлар:

- вафот этганлар сайловчилар рўйхатидан чиқарилмаган;
- Сайловчиларнинг худудда доимий ёки вақтинча истиқомат қилиш факти ҳисобга олинмаган;
- фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори бекор бўлганидан кейин ҳам, фуқаро сайловчилар рўйхатига киритилмаган;
- озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод этилган фуқаролар рўйхатга киритилмаган.

*Муаммонинг ечими.* УСК аъзолари вазифалар тақсимоти асосида ҳар ўн кунлик маълумотларни уйма-уй айланиб чиқиши натижасида сайловчилар рўйхатини янгилаб бориши зарур.

**Сайлов участкаларидағи ҳуқуқбузарлик**

*Муаммонинг изоҳи.* Сайлов участкаларидағи фирибгарликни олдини олиш (сохта имзолар, ҳужжатсиз берилган бюллетенлар).

*Муаммонинг ечими.* “Бир сайловчи-бир бюллетень” принципига риоя қилиш натижасида сайловчининг кўп маротаба овоз беришига чек қўйилади, натижада фирибгарликнинг олди олинади.

*Муаммонинг изоҳи.* Битта сайловчининг бир нечта сайлов участкаларида овоз бериши.

*Муаммонинг ечими.* Сайловчининг фамилиясини СЯЭРдан УСК аъзолари текшириши лозим.

### **Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати (СЯЭР)**

*Муаммонинг изоҳи.* СЖБАТ ёки СЯЭР билан боғлиқ муаммолар: сайлов куни интернет секин ишлаши натижасида, сайловчилар сайлов участкаларида тўпланиб қолмоқдалар; айрим УСКларга берилган компьютерлар ниҳоятда эскирганлиги, бунинг натижасида СЖБАТ билан боғлиқ маълумотларни киритишдаги муаммоларнинг келиб чиқиши.

*Муаммонинг ечими.* Узтелеком ёки ЮНИКОН ташкилотларини сайлов жараёнидаги мазкур муаммоларнинг келиб чиқмаслигига доир фикрларини олдиндан ўрганиш. УСК аъзолигига ИКТ соҳасидаги мутахассисларни жалб қилиш.

### **Овозларни ҳисоблаш билан боғлиқ муаммолар**

*Муаммонинг изоҳи.* Овозларни ҳисоблаш жараёнидаги муаммолар (якуний баённомаларни расмийлаштириш жараёни: ҳақиқий, ҳақиқий эмас ва фойдаланилмаган бюллетенларнинг балансини чиқариш, пломбалардаги сонларни далолатномага киритиш, баённомаларни қалам билан тўлдириш ва ҳ.к.).

*Муаммонинг ечими.* Якуний баённомаларни расмийлаштириш билан боғлиқ тренингларни УСК аъзолари учун малакали тренерларни жалб қилган ҳолда имитация асосида ўтиш.

*Муаммонинг изоҳи.* УСК аъзолари томонидан сайлов бюллетенларини сайлов урналарига қонунга хилоф равища оммавий тарзда ташлаш.

*Муаммонинг ечими.* Сайлов участкаларига айнан сайлов урналарини кузатиш мақсадида интернетга МСКнинг расмий вебсайти ва телеграм каналига онлайн трансляция билан уланган видеокамераларни ўрнатиш.

### **Форс-мажор ҳолатлар**

Фавқулодда ҳолатлар, сайлов жараёни иштирокчилари ҳаёти,

соғлиғи ва хавфсизлигига таҳдид солувчи ҳолатлар юз берганда участка сайлов комиссияси аъзолари:

- зудлик билан сайлов участкаси ҳудудида хизмат олиб бораётган ҳуқуқ тартибот органлари ходимларига хабар берадилар;

- Округ сайлов комиссиясига, ФВВ ҳудудий бошқармаси ва маҳаллий ҳокимият органларига хабар берадилар;

- Эвакуация қилиш юзасидан қарор қабул қилинганда УСК овоз бериш жараёнини тўхтатиб, сайловчиларни ташқарига эвакуациясини амалга оширади, сайлов ҳужжатлари ва жиҳозлари бошқа бинога кўчирилади.

*Муаммонинг изоҳи.* Форс-мажор ҳолатларни назарда тутиш (УСК аъзоларининг кўпчилиги COVID -19 билан касалланиши, сайловчиларнинг паспорти сайлов урнасига тушиб кетиши, сайловчиларнинг маст ҳолда сайлов участкасига кириб келиши, сайлов участкасида ёнғин чиқиши, сайловчиларнинг бетоб ҳолда сайлов участкасига кириб келиши ва ҳ.к.)

*Муаммонинг ечими.* Ўқув тренингларида келиб чиқиши мумкин бўлган форс-мажор ҳолатлар юзасидан УСК аъзоларини мустақил ва низоларсиз қарор қабул қилишга ўргатиш.

*Муаммонинг изоҳи.* Овоз бериш мақсадида бир вақтнинг ўзида бир гуруҳ сайловчиларнинг ёки муайян ташкилот ходимларининг жамоавий ташрифи.

*Муаммонинг ечими.* УСК аъзоларининг тезкорлигини таъминлаш, бунда навбатда туриш қоидаларига қатъий риоя қилишни назоратга олиш, компьютер саводхонлигини ошириш орқали жараённи тезлаштириш.

## **Коммунал хизмат тармоқларидаги носозликлар туфайли сайлов бюллетенларига зарар етиши**

*Муаммонинг изоҳи:* Наманган шаҳридаги 246-сайлов участкасида 2 қаватдаги санитария тармоғини ёрилиши натижасида сув 1 қаватга участка сайлов комиссияси хонасидаги сейф устига оқиб тушган сайлов

бюллетенларига жиддий заарар етган, сув бошқа хоналарга ва залга ҳам тошган.

*Муаммонинг ечими:* Зудлик билан авария хизматини чақирилади, ОСК ҳамда бинони бериб турган муассаса огохлантирилади.

Зарарланган бюллетенларни сони аниқланади, далолатнома тузилиб бекор қилинади ва ОСК га хабар берилади.

Сайловни давом эттириш чоралари кўрилади.

### **Сайлов участкасида сайлов бюллетенларини тугаб қолиши**

*Муаммонинг изоҳи:* Косонсой туманидаги 785-сайлов участкасида иситиш батареясини ёрилиши натижасида бюллетенларга жиддий заарар етди, буни устига сайёҳлар ва дам олувчиларни кўп келганлиги натижасида бюллетенлар етмай қолди. УСК раиси ОСК га мурожаат қилди.

*Муаммонинг ечими:* ОСК томонидан бюллетенлар захирасини шакллантириш чорасини кўриш, ёки бошқа сайлов участкаларидан бюллетен олиш механизмини шакллантириш керак.

### **Бинони миналаштирилганлиги ҳақида хабар**

*Муаммонинг изоҳи:* Чорток туманидаги 675-сайлов участкасида номаълум фуқаро телефон қилди ва бино миналаштирилганлигини, портловчи моддани эрталаб ертўлага жойлаштириб кетганлигини хабар қилди.

*Муаммонинг ечими:* Зудлик билан ҳуқуқ тартибот органлари ва ОСК хабардор қилинади, сайлов ҳужжатларини сақланиши таъминланади.

Ҳуқуқ тартибот органлари ходимлари томонидан бино текширувдан ўтказилади ҳамда далолатнома тузилиб унда овоз жараёнини тўхтатишига сабаб бўлган ҳолат, текширувни бошланган ва тугаган вақти, текширув натижалари ҳамда сайлов жараёнини давом эттириш ёки эттираслик тўғрисида хулоса акс этади. Далолатнома 2 нусхада тузилади ҳамда УСК раиси ва текширув ўтказган маҳсус гуруҳ раҳбари томонидан имзоланади.

Зарур бўлганда сайлов қутилари, сайлов ҳужжатлари сайлов

принципларини бузмаган ҳолда бошқа бинога кўчирилади.

### **Сайлов участкасида портловчи модда борлиги**

*Муаммонинг изоҳи:* Уйчи туманидаги 762-сайлов участкасида участка биносига кирган сайловчи Р. овоз бериш кабинасидан чиққандан кейин қўлидаги барсеткасини ерга ташлади ва унда бомба борлигини эълон қилди.

*Муаммонинг ечими:* Сайлов участкасининг овоз бериш хонасида портлатувчи мослама бўлганлигидан хабар олинганда участка сайлов комиссияси раиси тегишли чоралар кўриш учун бу тўғрисида Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар навбатчи ходимига хабар қилади, участка сайлов комиссияси аъзолари ва бинода бўлган шахсларга ҳамда юқори турувчи сайлов комиссияга маълум қилади. Сайлов участкасида овоз бериш жараёнини тўхтатиш ва эвакуация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Эвакуация тўғрисида қарор қабул қилинганда Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходими сайлов бюллетенлари ва сайлов қутиларининг яқинида бўлиши ва уларни сақланишини таъминлаб бериши шарт. УСК раиси ўринbosари сайлов қутиларини тешикларини скотчлаб муҳрлаши тавсия этилади.

### **Сайлов участкасида электр энергияси узилиб қолиши**

*Муаммонинг изоҳи:* Мингбулоқ туманидаги 744-сайлов участкасида шамол натижасида дараҳт синиб симёғочни симларини узиб юборди, авария натижасида участкада электр таъминоти узилди.

*Муаммонинг ечими:* УСК раиси зудлик билан таъминотчи корхонани, ОСК ни, ФВВ ва ҳуқуқ тартибот органларини хабардор қилади ҳамда ёритишнинг муқобил вариантларини (фонарь, движок ва бошқалар) ишга туширилиши чораларини кўради ва сайлов хужжатларини сақланишини таъминлайди.

### **Сайлов участкаси биносида бегона буюмни пайдо бўлиши**

*Муаммонинг изоҳи:* Поп туманидаги 732-сайлов участкасида УСК котиби ОСК га соат 14.00 гача овоз берганлар ҳақида маълумотни бериш учун телефон турган хонага кираётган пайтда хона олдида катта спорт сумкасини кўриб қолди ва УСК раисига хабар қилди.

*Муаммонинг ечими:* УСК раиси ҳуқуқ тартибот органи ходимини чақириб бегона буюм аниқланган жойни мутахассислар келганга қадар қўриқлашни ташкил этади, буюмга яқин келиш, қўл билан ушлаб кўришни олдини олади, ОСК ва ҳуқуқ тартибот органларини овоз бериш биносида портловчи ускуна бор бўлиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиради.

Бинодагиларни фавқулодда ҳолат вужудга келганлиги тўғрисида огоҳлантирилади ва бинони тарк этишни сўралади.

УСК раиси ўринbosари кузатувчилар билан бирга сайлов қутилари тешикларини елимлаши, имзолаши ва УСК муҳри билан муҳрлаши тавсия этилади.

УСК аъзолари эвакуация амалга оширилгач бинодан хавфсиз масофада туриб келаётган сайловчиларни сайлов жараёни фавқулодда ҳолатда вақтинча тўхтатилганлиги ҳақида огоҳлантирадилар.

УСК котиби бинони тарк этишидан олдин УСК муҳри, сайловчилар рўйхати, УСК аъзоларига бюллетенлар тарқатилганлиги ҳақидаги далолатнома, сейф қалити ва бошқа зарур ҳужжатларни олиб чиқиши тавсия этилади.

### **Сайлов участкаси биносида тутун, куйган нарсаларнинг ҳиди пайдо бўлса ёки ёнғиннинг бошқа белгилари пайдо бўлди**

*Муаммонинг изоҳи:* Чуст туманидаги 726-сайлов участкасида сайлов жараёнида ёқимсиз ҳид тарқала бошлади, хона ҳарорати ҳам бир оз исигандек туюлди. УСК аъзоларидан бири қаердадир кабель эриб кетган бўлса керак, шунда шундай ҳид чиқади деб фикр билдириди. Электр жиҳозларининг носозлиги туфайли шундай ҳолатлар вужудга келиши мумкин деган хulosага келинди.

*Муаммонинг ечими:* Зудлик билан 101 рақамига ва авария хизматига хабар берилади. УСК аъзолари ёнғин учирин воситаларини иш ҳолатини текшириб чиқадилар.

Бинодаги электр энергияси учирилади. Зарур бўлса сайловчилар

ва сайлов ҳужжатлари эвакуация қилинади.

### **Сайлов участкаси яқинида ёнғин юз бериши.**

*Муаммонинг изоҳи:* Наманган туманидаги 716-сайлов участкасида сайлов ўтказилаётган пайтда участка биносига туташ бўлган мактаб ошхонасида ёнғин бошланди ва сайлов участкасини эвакуация қилиш зарурияти келиб чиқди.

*Муаммонинг ечими:* Бу ҳолда участка сайлов комиссияси раиси тегишли чоралар кўриш учун бу тўғрисида ФВВ ҳудудий бошқармаси ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар навбатчи ходимига хабар қиласди, участка сайлов комиссияси аъзолари ва бинода бўлган шахсларга ҳамда юқори турувчи сайлов комиссияга маълум қиласди. Сайлов участкасида овоз бериш жараёнини тўхтатиш ва эвакуация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Эвакуация тўғрисида қарор қабул қилинганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходими сайлов бюллетенлари ва сайлов қутиларининг яқинида бўлиши ва уларни сақланишни таъминлаб бериши шарт.

### **Турган жойида овоз беришни ўтказиш учун кетган УСК аъзолари ўз вақтида участкага қайтиб кела олишмади.**

*Муаммонинг изоҳи:* Поп туманидаги Чодак қишлоғидаги 712-сайлов участкасида кечка яқин қишлоқнинг тоғли участкасининг олис ҳудудидан bemor кишидан турган жойида овоз беришига ёрдам берилишини сўраб мурожаат келиб тушди, УСК нинг икки нафар аъзоси хонадонга кетди. Лекин қаттиқ жала ёғиши натижасида автомашина йўлда ҳаракатлана олмай қолди ва бузилиб қолиши натижасида УСК аъзолари белгиланган вақтда участкага етиб кела олмай қолди.

*Муаммонинг ечими:* Ҳуқуқ тартибот органлари ва ФВВ ходимларига ҳудудга чиқиб кетган УСК аъзолари ва кузатувчи ҳақидаги маълумотлар етказилади ва уларни сайлов участкасида етказиб келиш чоралари кўрилади. Улар келганга қадар саноқ учун жой тайёрлаш, фойдаланилмаган ва бузилган бюллетенларни бекор қилиш каби ишларни амалга ошириш мумкин, саноқнинг якуни натижаларини

чиқариш ва баённомани тўлдириш фақатгина ҳудудга чиқиб кетган ходимлар қайтгач амалга оширилади.

## **Муаммолар**

1. Аксарият участка сайлов комиссияларида мактаб ўқитувчилари комиссия аъзолигига жалб этилган. Қонун ҳужжатларига асосан улар асосий ишларидан озод этилган. Уларнинг дарсларини ким ўтиши, дарсни ўтадиган ўқитувчиларга иш ҳақи тўлаш масаласи меъёрий ҳужжатларда белгиланмаган. Халқ таълими вазирлиги тегишли меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши зарур.

2. Сайлов участкасига овоз бериш иштирок этиш истаги билан ташриф буюрган сайловчи ногиронлиги ёки бошқа сабаб билан сайловчилар рўйхатига имзо чекиш ва бюллетенни олиш имкониятига эга эмас, у кимнингдир ёрдамига муҳтож. Қонун ҳужжатларида овоз бериш кабинасида бюллетенга белги қўйиш жараёнида бошқа бир сайловчининг ёрдамидан фойдаланиш мумкинлиги кўзда тутилган, рўйхатга имзо қўйиш, бюллетенни олиш, бюллетенни қутига ташлаш каби жараёнларда бегона кишини ёрдамидан фойдаланиш мумкинлиги кўзда тутилмаган.

3. Марказий сайлов комиссиясининг тегишли низомларида халқаро кузатувчи сайлов участкаларига ўз таржимони билан келиши мумкинлиги айтилган, лекин таржимоннинг ҳуқуқий мақоми ва ваколатини тасдиқловчи ҳужжат масаласи очиқ қолган.

4. Сайлов куни 18 ёшга тўладиган фуқаро муддатидан олдин овоз бера оладими, ахир 10 кун олдин у сайлаш ҳуқуқига эга бўлмайди. Бу ҳолда у ўз конституциявий ҳуқуқини қандай амалга оширади.

5. Пандемия даврида карантинга олинган хонадонлардаги сайловчиларни овоз беришларини ташкил этишнинг ҳуқуқий меъёрий асослари мавжуд эмас.

6. Сайлов куни сайлов участкасида тиббиёт ходимларининг бўлиши талаб этиладиган бўлса ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларда бу ўз аксини топмаган.

7. Овоз бериш куни соат 19.20 да фуқаро А.А. участкага келиб 19 ёшга тўлган ва биринчи марта сайловда иштирок этаётган акасини оёғи синиб қолиб гипс қилинганлиги ва ҳозир уйда эканлигини маълум қилди ва уйга бориб акасини сайловда иштирок этишига ёрдам беришларини сўради. Участка раиси топшириғи билан УСК нинг икки

нафар аъзоси қузатувчилардан бири ҳамкорлигига сайловчининг хонадонига ташриф буюриб овоз беришни ўтказиши. Лекин, улар қайтиб келганда 20.17 бўлган ва сайлов участкасини эшиклари ёпилган эди. Бу ҳолатда нима қилиш мумкинлиги ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топмаган.

8. Фуқаро А.А. оёқларини фалажлиги сабабли хорижга операцияга бориши керак, у сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан фойдаланмоқчи. Фуқаро хориждаги фуқаролар турган жойида муддатдан олдин овоз бериши мумкинлигидан келиб чиқиб Ўзбекистонда ҳам шунга рухсат беришни сўради. УСК аъзолари уларда бундай ваколат йўқлигини маълум қилди. Фуқаро МСК га ариза билан мурожаат қилди.

9. Сайловчилардан 5 нафари сайлов жараёнида овоз бериш бюллетенини сайлов қутисига ташламасдан ўзи билан олиб кетган ушбу ҳолатларда УСК аъзолари якуний баённомани тузиш жараёнида қандай йўл тутади? Ушбу ҳолат сайлов кодексида ва низомларда кўрсатилмаган.

10. Сайлов куни сайлов участкасига келган сайловчилардан бири ўринсиз эътиrozлар билдириб сайлов участкасида жойлашган сайлов қутини тепиб синдириб ташлади ушбу ҳолатда УСК аъзолари қандай йўл тутади?

11. Сайловга 5 кун қолганида УСК аъзоларидан 3 таси касал бўлиб қолди доктор хулосасига кўра улар 5 кун ичида иш фаолиятига қайтмаслигини айтилди ушбу ҳолатда уларни ўрнига янги аъзолар қабул қилинадими?

12. Фуқаро сайлов кунига 13 кун қолганда чет давлатга фавқулодда кетиши керак бўлиб қолди. Муддатидан олдин овоз бериш сайловга 10 кун қолганда бошланса, чет давлатларда сайловчиларни рўйхатга олиш 15 кун олдин тугатилган бўлса, сайловчининг сайлов ҳуқуқи қандай таъминланади?

13. Сайловчи сайлов жараёнида сайлов бюллетенини неча марта бузиб қўйса шунча марта алмаштириб берилади, бироқ УСК аъзолари томонидан фуқаро бу ишни қасддан қайта-қайта қилаётганлигини аниқланса бу ҳолатда қандай йўл тутилади?

14. Участка сайлов комиссиясининг овозларни санаб чиқиш натижалар бўйича якуний баённомаси УСК раиси ёки ўринбосари томонидан ўқиб эшиттирилади ҳамда мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси ҳамма танишиб чиқиши учун УСК биносига камида 48-соат

муддатга дарҳол осиб қўйилади. (СК 58-модда). Бинонинг қаерига осиб қўйиш қўрсатилмаган.

15. Участкада ишлатилмаган ва бузилган сайлов сайлов бюллетенларини участка сайлов комиссиялари аъзолари ва кузатувчиларга аниқ кўриниб турадиган жойга жойлаштириш СК 58-моддасининг тегишли бандларига киритиш.

16. Овоз бериш биносига келган, сайловчи участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи хужжатни кўрсатади.(Паспорт, ID карта, ҳарбий гувоҳнома, янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси, фуқаролик паспортини йўқотган фуқароларга ИИБ томонидан берилган вақтинчалик маълумотнома, жазони ўтаб бўлганлик ёки жазодан озод қилинганлиги тўғрисидаги маълумотнома)(1066-Низом, 9-боб,62-банд), Бироқ хизмат гувоҳномаси киритилмаган.

**4-БЎЛИМ.**  
**САЙЛОВЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШГА ОИД ТЕСТЛАР**

**МУРАККАБ**

**1. Участка сайлов комиссиясининг аъзоси ўз вазифасини бажаришдан озод этилиши мумкин бўлган ҳолатлар нотўғри кўрсатилган қаторни топинг?**

- A) шахсий аризасига кўра;
- B) ваколатларидан маҳрум этилган тақдирда;
- C) Асосий иш жойидаги иш берувчининг ташаббусига кўра
- D) Сайлов кодекси талабларини бузган ёки зиммасидаги мажбуриятларини мунтазам равишда бажармаган тақдирда Асосий иш жойидаги иш берувчининг ташаббусига кўра

**2. УСК аъзоси сайлов кампанияси даврида иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатилиши ёки бошқа ишга ўтказилиши мумкини?**

- A) Ҳа, мумкин. У билан тузилган муддатли меҳнат шартномасининг муддати тугаганда
- B) Йўқ, мумкин эмас. УСК аъзоси ўз ваколат муддати тугагунига қадар сайлов кампанияси даврида иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатилиши ёки унинг розилигисиз бошқа ишга ўтказилиши мумкин эмас.
- C) Ҳа, мумкин. Ходимлар сонининг қисқаришига олиб келган ўзгаришлар юз берганда
- D) УСК аъзоси иш берувчининг ташаббуси билан умумий асосларда ишдан бўшатилиши ёки бошқа ишга ўтказилиши мумкин.

**3. Участка сайлов комиссиясининг аъзоси қандай ҳолларда вазифасини бажаришдан муддатидан олдин озод қилиниши мумкин ва ким томонидан амалга оширилади?**

- A) шахсий аризасига кўра, ваколатларидан маҳрум этилган тақдирда, сайлов кодекси талабларини бузган ёки зиммасидаги мажбуриятларини мунтазам равишда бажармаган тақдирда – ОСК қарорига кўра.

В) шахсий аризасига кўра, ваколатларидан маҳрум этилган тақдирда, сайлов кодекси талабларини бузган ёки зиммасидаги мажбуриятларини мунтазам равища бажармаган тақдирда – МСК қарорига кўра.

С) шахсий аризасига кўра, ваколатларидан маҳрум этилган тақдирда, сайлов кодекси талабларини бузган ёки зиммасидаги мажбуриятларини мунтазам равища бажармаган тақдирда – суднинг қарорига кўра.

Д) шахсий аризасига кўра, ваколатларидан маҳрум этилган тақдирда, сайлов кодекси талабларини бузган ёки зиммасидаги мажбуриятларини мунтазам равища бажармаган тақдирда – иш берувчининг буйруғига кўра.

#### **4. УСК мажлиси комиссия аъзосининг ташаббусига кўра .... чақирилади. Нуқталар ўрнини тўлдиринг.**

А) агар ушбу ташабbus комиссия аъзолари умумий таркибининг камидан учдан бир қисми талабига биноан қўллаб-қувватланса

Б) агар ушбу ташабbus комиссия аъзолари умумий таркибининг камидан тўртдан бир қисми талабига биноан қўллаб-қувватланса

С) агар ушбу ташабbus комиссия аъзолари умумий таркибининг камидан ярми талабига биноан қўллаб-қувватланса

Д) УСК мажлиси фақатгина УСК раиси ва унинг ўринбосари ташабbусига кўра чақирилиши мумкин.

#### **5. УСКнинг мажлиси қандай ҳолатларда ваколатли ҳисобланади ҳамда қарор қабул қилишда комиссия аъзоларининг овозлари қандай ҳисобга олинади?**

А) мажлис ўтказилаётган кундаги комиссия аъзолари умумий сонининг камидан учдан икки қисми иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади ҳамда комиссиянинг қарори аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинган ҳисобланади

Б) мажлис ўтказилаётган кундаги комиссия аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади ҳамда комиссиянинг қарори аъзолари умумий сонининг учдан икки қисми овози билан қабул қилинган ҳисобланади

С) мажлис ўтказилаётган кундаги комиссия аъзолари умумий сонининг камидан учдан икки қисми иштирок этаётган бўлса, ваколатли

ҳисобланади ҳамда комиссиянинг қарори аъзолари умумий сонининг учдан икки қисми овози билан қабул қилинган ҳисобланади

D) мажлис ўтказилаётган кундаги комиссия аъзолари умумий сонининг камида ярми иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади ҳамда комиссиянинг қарори аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпчилик овози билан қабул қилинган ҳисобланади

**6. УСК иш хужжатлари номенклатурасини ташкил қилувчи хужжатлар нотўғри белгиланган қаторни топинг?**

- A) участка сайлов комиссиясининг қарорлари, баённомалари ва далолатномаларининг жилди;
- B) кириш, чиқиш хужжатларини рўйхатга олиш дафтари ва жилди;
- C) кузатувчиларни рўйхатга олиш дафтари.
- D) Президент ва ҳукумат қарорлари нусхалари йифма жилди.

**7. Сайлов участкаси ҳудудида вақтинча истиқомат қилаётган фуқарони сайловчилар рўйхатига киритиш учун асос бўлувчи омиллар тўғри кўрсатилган қаторни топинг?**

- A) Сайлов участкаси ҳудудида вақтинча истиқомат қилаётган фуқаролар билан шахсан суҳбат қилиш. Агар сайлов участкаси ҳудудида вақтинча истиқомат қилаётган фуқаролар билан шахсан суҳбат қуриш имконияти бўлмаса, улар сайловчилар рўйхатига киритилмайди.
- B) МФЙ раисининг берган маълумотномаси
- C) ИИО миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимлари томонидан шакллантирилган рўйхат
- D) Сайлов участкаси ҳудудида вақтинча истиқомат қилаётган фуқарони сайловчилар рўйхатига киритилмайди, улар доимий яшаш манзили бўйича рўйхатга олинади.

**8. УСК томонидан сайлов участкаси ҳудудидаги сайловчилар рўйхатига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш қандай амалга оширилади?**

- A) УСК раиси томонидан сайловчини қайси сайлов участкасининг сайловчилар рўйхатига киритилганлиги аниқланиб, шу сайлов участкасига қўнғироқ қилиш орқали сайловчининг ўзгартирилиши лозим бўлган маълумотлари етказилади ва тегишли ўзгартиришлар киритишни талаб қиласи.

В) УСК котиби ўзгартириш керак бўлган сайловчининг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами ёки паспорт ёхуд идентификация ID-картаси серияси ва рақамини киритган ҳолда сайловчини қайси сайлов участкасининг сайловчилар рўйхатига киритилганлигини аниқлайди ва сайловчининг маълумотлари бўйича рўйхатга тегишли ўзгартиришларни киритади.

С) УСК раиси томонидан сайловчилар рўйхатига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги маълумотлар тегишли ОСКга тақдим этилади

Д) барча жавоблар тўғри

**9. Сайлов участкаси ҳудудида вақтинча истиқомат қилаётган фуқаро сайловчилар рўйхатига киритилган тақдирда, УСК қандай чоралар кўради?**

А) Сайлов участкаси ҳудудида вақтинча истиқомат қилаётган фуқаро сайловчилар рўйхатига киритилган тақдирда, доимий яшайдиган УСКга уни сайловчилар рўйхатидан чиқариб, бошқа жойда рўйхатга олинганилиги ҳақидаги хабарнома СЖБАТ орқали автоматик тарзда юборилади. Фуқаро доимий яшайдиган жойи бўйича УСК СЖБАТ орқали олинган хабарнома асосида фуқаро вақтинча истиқомат қилаётган УСК билан телефон орқали боғланади ва сайловчининг вақтинча истиқомат жойидаги сайлов участкасида рўйхатга киритилиши сабабларига аниқлик киритади.

Б) УСК раиси томонидан сайловчилар рўйхатига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги маълумотлар тегишли ОСКга тақдим этилади.

С) фуқаронинг доимий яшовчи ҳудуддаги сайлов участкаси раиси томонидан вақтинча истиқомат қилаётган ҳудуддаги сайлов участкасига хабарнома СЖБАТ орқали автоматик тарзда юборилади ва СЖБАТга тегишли ўзгартириш киритилади.

Д) барча жавоблар тўғри

**10. Сайловга 15 кун қолганда сайловчилар эътиборига ҳавола қилиш мақсадида тегишли стендга осиб қўйилишини таъминлаш учун сайловчиларнинг рўйхатлари УСКга ким томонидан таъминлаб берилади ва уни ким томонидан тасдиқланиши лозим?**

А) Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга ўн беш кун қолганида УСК котиби томонидан СЖБАТдан юклаб олинади, сайловчилар рўйхати

УСК раиси ва котиби томонидан имзоланади ҳамда УСК мухри билан тасдиқланади

В) Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга ўн беш кун қолганида ОСК томонидан СЖБАТдан юклаб олиниб, ОСК раиси ва котиби томонидан имзоланади ва осиб қўйиш учун УСКларига етказилади

С) Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга ўн беш кун қолганида МСК томонидан СЖБАТдан юклаб олиниб, МСКнинг 2 нафар аъзолари томонидан тасдиқланган ҳолда осиб қўйиш учун УСКларга тарзда етказилади

Д) Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга ўн беш кун қолганида УСК котиби томонидан СЖБАТдан юклаб олинади ва тегишли стендга осиб қўйилади, рўйхатни тасдиқлаш талаб этилмайди

**11. УСК сайловчилар рўйхатини тузиш ишларига комиссия аъзоларидан ташқари кимларни жалб қилиш мумкин?**

А) УСК аъзоларидан ташқари шахсларни жалб қилиш мумкин эмас

В) ҳокимлик вакиллари ва ИИБ ходимларини ихтиёрийлик асосида жалб қилиш мумкин

С) фуқароларни ҳақ тўлаш шарти билан шартнома асосида жалб қилиш мумкин

Д) жамоатчилик вакиллари ва волонтёрларни жалб қилиш мумкин

**12. Муддатидан олдин овоз бериш билан боғлиқ нотўғри жавобни аниқланг.**

А) Сайлов бюллетени маҳсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида сайловчи томонидан мустақил қарор қабул қилиши орқали ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга «+» ёки «√» ёхуд «x» белгисини қўйиб тўлдирилади.

Б) УСК аъзоси тўлдирилган сайлов бюллетенини конвертга солади ва елимлаб ёпади.

С) УСКнинг икки нафар аъзоси сайловчи ҳозирлигида конвертнинг ёпиқлигини текширади ва конвертнинг елимланган жойига УСКнинг икки нафар аъзосининг имзолари қўйилиб, улар комиссиянинг мухри билан тасдиқланади.

Д) Конверт тегишли УСКнинг сейфида сақланади.

**13. Сайловчининг турган жойда овоз беришини ташкил этиш билан боғлиқ нотўғри жавобни аниқланг.**

А) Айрим сайловчилар соғлигининг ҳолатига ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, тегишли УСК овоз беришни ушбу сайловчиларнинг сайлов куни ёки сайлов кунига қадар қилган ёзма илтимоси асосидагина улар турган жойда ташкил этади.

Б) УСК томонидан сайловчи турган жойда овоз беришни ташкил этиш сайлов кунидаги иш ҳажми ва вазиятдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

С) УСКнинг камида икки нафар аъзоси кўчма сайлов қутиси билан сайловчининг турган жойига юборилади, улар сайловчининг хоҳиш-иродаси сир сақланишига риоя этилган ҳолда овоз бериш амалга оширилишини таъминлайди.

Д) Турган жойида овоз берган сайловчилар тўғрисидаги маълумотлар УСК аъзоси томонидан сайловчилар рўйхатидан кўчирмага тегишли ёзув киритади ва сайловчи сайлов бюллетени олганини тасдиқлаб, ушбу рўйхатдаги фамилияси қархисига имзо чекади. УСК аъзоси бошқа шахс учун овоз бермоқчи бўлган сайловчига сайлов бюллетенини бериши тақиқланади.

**14. Сайловчининг турган жойда овоз бериш жараёнида .... ҳозир бўлиши мумкин. Нуқталар ўрнини тўлдиринг.**

- А) ОАВ вакиллари ва тегишли УСК ва ОСК аъзолари
- Б) кузатувчилар ва тегишли УСК ва ОСК аъзолари
- С) кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари
- Д) Тўғри жавоб йўқ

**15. УСКга сайловчилар томонидан мурожаатлар қайси тилларда берилиши мумкин ?**

- А) давлат тилида ёки бошқа тилларда
- Б) ўзбек ва рус тилларида
- С) Давлат тилида
- Д) Тўғри жавоб йўқ

**16. Мурожаатлар кўрмай қолдирилганда бу ҳолат қандай расмийлаштирилади?**

- А) Мурожаатлар кўрмай қолдирилганда тегишли баённома тузилади, у УСК раиси ёки раис ўринбосари томонидан тасдиқланади
- Б) Мурожаатлар кўрмай қолдирилганда тегишли хулоса тузилади, у УСК раиси ёки раис ўринбосари томонидан тасдиқланади
- С) Мурожаатлар кўрмай қолдирилганда тегишли далолатнома тузилади, у УСК раиси ёки раис ўринбосари томонидан тасдиқланади
- Д) Мурожаатлар кўрмай қолдирилганда тегишли карор қабул қилинади, у УСК раиси ёки раис ўринбосари томонидан тасдиқланади

**17. Участка сайлов комиссияси ўз фаолиятини .... принциплари асосида амалга оширади. Нуқталар ўрини тўлдиринг.**

- А) қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ваadolатлилик
- Б) қонунийлик, коллегиаллик, мустақиллик ваadolатлилик
- С) қонунийлик, бирлик, ошкоралик ваadolатлилик
- Д) қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ваинсонпарварлик

**18. Участка сайлов комиссияси ваколатлари нотўғри кўрсатилган қаторни топинг?**

- А) сайлов куни участкада овоз беришни ташкил этади
- Б) сайловчилар турган жойда овоз беришни ташкил этади
- С) овозларни санаб чиқади
- Д) овозлар натижалари тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий ОАВда эълон қиласи

**19. УСК аъзоси уйма-уй айланиб чиқиш вақтида хонадон эгаси 4 нафар 18 ёшга тўлган талабалар рўйхатга олинмаган ҳолда вақтинча истиқомат қилаётганликларини, бироқ улар ҳозирда уйда йўқликларини, сайлов куни шу ерда бўлишларини маълум қилди. УСК аъзоси қандай ҳаракатни амалга ошириши лозим?**

- А) нотариал тасдиқланган ижара шартномаси ва хонадон эгасининг маълумоти асосида сайловчилар рўйхатига киритилади
- Б) вақтинча истиқомат қилаётган фуқаролар билан шахсан суҳбат қуриш имконияти бўлмаганлиги сабабли улар сайловчилар рўйхатига киритилмайди
- С) талабарни УСК биносига боришлиари тўғрисида хонадон эгасига чақирув хати беради

D) вақтінча турар жойларда расмий рўйхатга олинмаганликлари учун сайловчилар рўйхатига киритилмайди

## **20. Муддатидан олдин овоз беришни ташкил этиш билан боғлиқ қуидаги қайси фикр нотўғри?**

A) Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи тегишли УСКнинг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда сайлов кунида бўла олмаслигининг сабаблари кўрсатилган ариза асосида тегишли УСКдан сайлов бюллетенини ва конвертни олади

B) УСК сайловчидан сайлов кунида бўла олмаслигининг сабабларини тасдиқловчи қўшимча ҳужжатларни талаб этилиши тақиқланади

C) УСКнинг икки нафар аъзоси сайловчи томонидан бюллетен тўғри тўлдирилганлигини текшириб, тўлдирилган бюллетенни конвертга солади ва ёпиқ конвертнинг елимланган жойига имзолари қўйилиб, комиссиянинг муҳри билан тасдиқланади

D) УСК аъзоси муддатидан олдин овоз берган сайловчини СЖБАТда ва сайловчилар рўйхатида муддатидан олдин овоз берган сайловчи сифатида белгилаши шарт

## **21. Овозларни санаб чиқиши ташкил этиш билан боғлиқ нотўғри маълумот келтирилган қаторни топинг.**

A) белгиланмаган шаклдаги (ҳажми, ранги, қоғоз сифати, босмахона шрифти ва ҳоказолар бўйича фарқланувчи) сайлов бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади

B) УСК томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади

C) овоз бериш вақтида биттадан ортиқ квадратга «+» ёки «√» ёхуд «x» белгиси қўйилган сайлов бюллетенлари УСК аъзоларининг кўпчилик овози билан ҳисобга олиниши мумкин

D) сайловга қадар вафот этган, сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўлган ёхуд номзодликдан чақириб олинган номзодга ёқлаб овоз берилган сайлов бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади

**22. Овозларни санаб чиқиш натижалари ҳақида баённомани расмийлаштириш билан боғлиқ нотўғри маълумот келтирилган қаторни топинг.**

А) УСК сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари ҳақидаги баённомани тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қиласди. Шундан кейин комиссия раиси, раис ўринбосари, котиби ва бошқа аъзолари томонидан овозларни санаб чиқиш натижалари ҳақидаги баённома иккита нусхада тўлдирилади, имзоланади ва УСК муҳри билан тасдиқланади

Б) Агар овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомани тўлдириш вақтида комиссиянинг айрим аъзолари ҳозир бўлмасалар, бу ҳақда қўшимча далолатнома тузилиб, уларнинг ҳозир бўлмаганликлари сабаблари кўрсатиб ўтилади

С) Овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомага бирон-бир тарзда ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайди

Д) Баённома УСКнинг раиси ёки раис ўринбосари томонидан ўқиб эшилтирилади ҳамда мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси ҳамма танишиб чиқиши учун УСК биносига камида қирқ саккиз соат муддатга дарҳол осиб қўйилади

**23. Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённоманинг биринчи нусхасига нималар илова қилинади?**

А) овоз бериш ёки овозларни санаб чиқиш чоғида йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида келиб тушган мурожаатлар, ушбу мурожаатлар бўйича комиссиянинг қабул қиласган қарорлари

Б) сайлов натижаларини аниқлашда ҳозир бўлган сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кузатувчилари ҳамда ОАВ вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлардан ҳозир бўлган кузатувчилар рўйхати

С) сайлов қутиларини пломбалаш бўйича тузилган далолатнома, сайлов бюллетенлари ҳамда бошқа сайлов ҳужжатлари

Д) барча жавоблар тўғри

**24. Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённоманинг иккинчи нусхасига нималар илова қилинади?**

А) бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлардан ҳозир бўлган кузатувчилар рўйхати

Б) сайлов натижаларини аниқлашда ҳозир бўлган сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кузатувчилари ҳамда ОАВ вакиллари рўйхати

С) овоз бериш ёки овозларни санаб чиқиш чоғида йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида келиб тушган мурожаатлар, ушбу мурожаатлар бўйича комиссиянинг қабул қилган қарорлари, сайлов қутиларини пломбалаш бўйича тузилган далолатнома, сайлов бюллетенлари ҳамда бошқа сайлов ҳужжатлари

Д) барча жавоблар тўғри

**25. Ўзбекистон Республикасида сайловларни молиялаштиришда тақиқланмаган манбалар тўғри кўрсатилган қаторни топинг?**

А) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари

В) Чет давлатларнинг, улар жисмоний ва юридик шахсларининг ҳамда халқаро ташкилотларнинг маблағлари

С) Сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар томонидан сайлов ўтказиш учун ихтиёрий равища берилган ўз маблағлари

Д) А ва С жавоблар тўғри

**26. Фуқароларни сайловчиларнинг рўйхатлари билан қандай усулларда таништирилади?**

А) Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайти орқали

В) Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари расмий веб-сайтлари орқали

С) сайловга ўн беш кун қолганида УСКда стендларга осиб қўйиш, чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари хузурида, санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган худудлардаги фуқаролар турган жойларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган участкаларда эса сайловга уч кун қолганида ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этиш

Д) барча жавоблар тўғри

## **27. Сайлов бюллетенининг акс эттириладиган маълумотларга оид қуидаги қайси фикр нотўғри?**

А) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига, Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов бюллетенининг шакли ва матни Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади.

Б) Номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми сайлов бюллетенига унинг туғилган йили ва уни номзод этиб кўрсатган сиёсий партия кўрсатилган ҳолда алифбо тартибида киритилади.

С) Сайлов бюллетенлари ўзбек ва рус тилларида, шунингдек участка сайлов комиссиясининг қарорига биноан тегишли участка аҳолисининг кўпчилиги сўзлашадиган тилларда нашр этилади.

Д) Сайлов бюллетенларини Брайль алифбоси асосида тўлдириш учун трафаретлар тайёрланиши мумкин.

## **ЎРТАЧА МУРАККАБ**

### **1. УСКнинг қарорларини яширин овоз бериш йўли билан қабул қилиш мумкинми?**

А) Ҳа, мумкин. Фақатгина сайлов қонунчилигига кўрсатилган ҳолатларда

Б) Йўқ, мумкин эмас. УСКнинг қарорлари очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади

С) Ҳа мумкин. УСКнинг қарорлари комиссия аъзоларининг розилигига кўра яширин овоз бериш йўли билан ҳам, очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилиниши мумкин.

Д) УСКнинг қарорлари фақат яширин овоз бериш йўли билан қабул қилинади

### **2. Округ сайлов комиссияси томонидан участка сайлов комиссияларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар қанча муддатда кўриб чиқилади?**

А) 3 кунлик муддатда

Б) Округ сайлов комиссияси томонидан участка сайлов комиссияларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш ваколатига эга эмас

С) 5 кунлик муддатда

D) дарҳол кўриб чиқилади

**3. УСК ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлар ... мажбурий бўлиб ҳисобланади. Нуқталар ўрини тўлдиринг.**

A) Фақатгина комиссия аъзолари учун

B) барча давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва ҳарбий қисмлар, корхоналарнинг, муассасаларнинг ва ташкилотларнинг раҳбарлари

C) сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари учун

D) кузатувчилар ва сайлов куни УСКда ҳозир бўладиганлар учун

**4. Участка сайлов комиссиясининг мажлисларини чақиришга кимлар ваколатли ҳисобланади?**

A) УСК раиси

B) УСК раиси ўринбосари

C) УСК аъзолари умумий таркибининг камидаги учдан бир қисми талабига биноан

D) A ва C жавоблар тўғри

**5. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ҳузурида сайлов участкаларини тузиш тартиби тўғри кўрсатилган қаторни топинг?**

A) Хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари раҳбарларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади

B) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси белгилаб берган округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади

C) Хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари раҳбарларининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тузилади

D) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади

**6. УСКга берилган 7 дона пластмасса пломбалардан қачон ва қандай мақсадда фойдаланилади?**

- А) 3 таси стационар сайлов қутиси учун, 1 таси кўчма сайлов қутиси учун, 1 таси қоп учун, 2 таси захира учун.
- Б) 3 таси стационар сайлов қутиси учун, 2 таси кўчма сайлов қутиси учун, 1 таси қоп учун, 1 таси захира учун.
- С) 3 таси стационар сайлов қутиси учун, 1 таси кўчма сайлов қутиси учун, 2 таси қоп учун, 1 таси захира учун.
- Д) 2 таси стационар сайлов қутиси учун, 2 таси кўчма сайлов қутиси учун, 1 таси қоп учун, 2 таси захира учун.

**7. Сайлов участкасида жойлаштириладиган стендларда сайловолди ташвиқотига оид нишон ва аломатлар бўлиши мумкинми?**

- А) Ҳа мумкин, фақат номзодларнинг таржимаи холи ва сайловолди дастури туширилган маълумотлар
- Б) Мумкин эмас, УСК холис ва мустақил орган, айнан сиёсий партиялар томонидан қўрсатиладиган номзодларга нисбатан холисликни таъминлаш мақсадида бу қоида белгиланган.
- С) Ҳа мумкин, фақат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси депутатлигига сайловлардан ташқари сайловларга мумкин.
- Д) Ҳа мумкин, стендларда сайловолди ташвиқотига оид нишон ва аломатлар бўлишига қонунчиликда таъқиқлар мавжуд эмас.

**8. Сайловчилар рўйхатини шакллантиришда эътибор қаратиш зарур бўлган талаблар тўғри кўрсатилган қаторни топинг?**

- А) Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни 18 ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган пайтда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар киритилади.
- Б) Сайлов ўтказиладиган йилда 18 ёшга тўладиган, рўйхат тузилаётган пайтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари киритилади.
- С) Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни 18 ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган пайтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки

вақтинча истиқомат қилаётган Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари киритилади.

D) Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни 18 ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган пайтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий рўйхатда турган ҳолда истиқомат қилаётган Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари киритилади.

**9. Сайловчилар рўйхатига қўшимчалар киритишга асос бўладиган омиллар тўғри кўрсатилган қаторни топинг?**

A) сайловчининг ФИШ да, турар жойидаги маълумотлар билан боғлиқ хатоликлар

B) сайловчининг вафоти, тегишли сайлов участкасидан кўчиб кетган ёхуд кўчиб келган, касалхонага даволаниш учун жойлаштирилган сайловчилар билан боғлиқ ҳолатлар

C) суднинг фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори бекор қилинганилигига оид маълумотлар, фуқаронинг озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод этилганлигини тасдиқловчи хужжат

D) барча жавоблар тўғри

**10. УСК томонидан сайлов участкаси ҳудудидаги сайловчилар рўйхатига қўшимчалар киритиш учун асослар аниқланган тақдирда рўйхатда қандай ўзгартиришларни амалга ошириши мумкин?**

A) сайловчилар рўйхатига кирмаган фуқарони рўйхатга киритиш, сайловчининг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган санаси, яшаш манзилига тузатиш киритиш

B) вафот этган сайловчини сайловчилар рўйхатидан чиқариш

C) А ва В жавоблар тўғри

D) сайловчилар рўйхатига ўзгартириш киритмаган ҳолда сайловчига сайлов куни овоз беришни ташкил қилиш ва уни сайловчилар рўйхатининг иловасига киритиш

**11. Сайловчиларнинг рўйхатларидағи хато ёки ноаниқлик юзасидан тушган мурожаатлар юзасидан УСК томонидан қандай ҳаракатлар амалга оширилади?**

А) Сайловчиларнинг рўйхатларидағи хато ёки ноаниқлик юзасидан тушган мурожаатлар УСК томонидан 24 соат ичида кўриб чиқилиши ва уларни текшириши ҳамда хатони ёки ноаниқликни бартараф этиши ёхуд мурожаат қилувчига унинг мурожаати рад этилганлиги тўғрисида асослантирилган жавоб бериши шарт.

В) Сайловчиларнинг рўйхатларидағи хато ёки ноаниқлик юзасидан тушган мурожаатлар УСК томонидан дарҳол кўриб чиқилиши ҳамда хатони ёки ноаниқликни бартараф этиши ёхуд мурожаат қилувчига унинг мурожаати рад этилганлигини тушунтириб беради.

С) Сайловчиларнинг рўйхатларидағи хато ёки ноаниқлик юзасидан тушган мурожаатлар УСК томонидан 5 кун муддат ичида кўриб чиқилиши ҳамда хатони ёки ноаниқликни бартараф этиши ёхуд мурожаат қилувчига унинг мурожаати рад этилганлиги тўғрисида асослантирилган жавоб бериши шарт.

Д) Сайловчиларнинг рўйхатларидағи хато ёки ноаниқлик юзасидан тушган мурожаатлар УСК томонидан сайловга 5 кун муддат қолгунга қадар кўриб чиқилиб, хатони ёки ноаниқликни бартараф этиши шарт.

**12. Сайловчиларнинг рўйхатларидағи хато ёки ноаниқлик юзасидан тушган мурожаатларни УСК томонидан ўрганиш натижасига кўра, қандай қарор қабул қиласи?**

- А) фуқарони сайловчилар рўйхатига киритиш
- Б) сайловчилар рўйхатидаги маълумотларга (фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган санаси, яшаш манзили) тузатиш киритиш
- С) сайловчилар рўйхатини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида қарор қабул қиласи
- Д) барча жавоблар тўғи

**13. Овоз бериш куни бирон-бир сабаб билан сайловчилар рўйхатига кирмай қолган сайловчилар қандай рўйхатга олинади?**

- А) СЖБАТга тегишли ўзгартириш киритиш орқали
- Б) Сайловчининг шахси, фуқаролиги ва яшаш жойини тасдиқловчи хужжат асосида сайловчилар рўйхати иловасига киритилади
- С) Сайловчини овоз беришдан маҳрум қилинади
- Д) тўғри жавоб йўқ

**14. Сайлов куни сайлов участкасига мандати ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатсиз келган миллий ва халқаро кузатувчиларни УСК аъзоси рўйхатга олишга мажбурми?**

- A) Ҳа, мажбур. Бу ҳақида далолатнома тузилади
- B) йўқ, мажбур эмас. Миллий ва халқаро кузатувчиларга тегишли равища берилган мандат ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини олиб келиш тавсия этилади ва сайлов участкасидан кузатиб қўйилади.
- C) УСК раиси ўз ихтиёрига кўра ҳал этади
- D) Тўғри жавоб йўқ

**15. Сайлов бюллетенини мустақил равища тўлдириш имкониятига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра яширин овоз бериш кабинасига ёки хонасига оммавий ахборот воситалари вакилларини таклиф қилиши мумкинми?**

A) Ҳа мумкин. Сайлов бюллетенини мустақил равища тўлдириш имкониятига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра яширин овоз бериш кабинасига ёки хонасига бошқа шахсни таклиф қилишга ҳақли, бироқ бундан сайлов комиссияси таркибиға кирадиган шахслар, кузатувчилар вакиллари мустасно.

B) Ҳа мумкин. Сайлов бюллетенини мустақил равища тўлдириш имкониятига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра яширин овоз бериш кабинасига ёки хонасига бошқа шахсни таклиф қилишга ҳақли, бундан сайлов комиссияси таркибиға кирадиган шахслар мустасно.

C) Йўқ, бундай қилиш мумкин эмас. Сайлов бюллетенини мустақил равища тўлдириш имкониятига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра яширин овоз бериш кабинасига ёки хонасига бошқа шахсни таклиф қилишга ҳақли, бироқ бундан сайлов комиссияси таркибиға кирадиган шахслар, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари мустасно.

D) Яширин овоз бериш кабинасига ёки хонасига бошқа шахсларни таклиф қилиши мумкин эмас

**16. Сайлов бюллетенини мустақил равища тўлдириш имкониятига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра яширин овоз бериш кабинасига ёки хонасига қўйидагилардан кимларни ёрдамлашиш учун таклиф қилишга ҳақли?**

- A) УСК аъзоларидан бирини

- В) қузатувчи ёки оммавий ахборот воситалари вакилини
- С) овоз бериш учун келган ҳокимлик ходимини
- Д) түғри жавоб йўқ

**17. Турган жойида овоз бериш жараёни қандай ташкил этилади?**

А) УСК томонидан сайлов куни сайловчининг мурожаатига асосан амалга оширилади

Б) ОСК томонидан сайловга тайёргарлик жараёнида бундай фуқаролар аниқланади ва УСК аъзолари томонидан сайлов кунида амалга оширилади

С) УСК томонидан сайловга тайёргарлик жараёнида бундай фуқаролар аниқланади ва УСК аъзолари томонидан сайлов кунида амалга оширилади

Д) туғри жавоб йўқ

**18. Қандай сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқиша ҳақиқий эмас деб топилади?**

А) белгиланмаган шаклдаги (хажми, ранги, қоғоз сифати, босмахона шрифти ва ҳоказолар бўйича фарқланувчи) сайлов бюллетенлари;

Б) УСК томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари;

С) сайловга қадар вафот этган, сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўлган ёхуд номзодликдан чақириб олинган номзодга ёқлаб овоз берилган сайлов бюллетенлари;

Д) Барча жавоб түғри

**19. Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари қайси ҳужжат асосида расмийлаштиради?**

А) овозларни санаб чиқиш натижалари түғрисидаги қарор

Б) овозларни санаб чиқиш натижалари түғрисидаги далолатнома

С) овозларни санаб чиқиш натижалари түғрисидаги баённома

Д) овозларни санаб чиқиш натижалари бўйича ҳисобот

**20. Сайлов бюллетенида 5 та партия томонидан Президентлик сайлови учун кўрсатилган номзоднинг 1 нафари сайлов бюллетенлари келтириб бўлингандан кейин (сайловга 7 кун қолганда) вафот этди ёки ўз номзодини бекор қилди.**

**Сайловчилардан бири айнан ўша номзодни ёқлаб овоз берди. Бундай турдаги сайлов бюллетенлари саноқ жараёнида ҳисобга олинадими?**

- A) Комиссия аъзоларининг умумий овозига қўйган ҳолда саноқ жараёнида ҳисобга олинади
- B) Бундай бюллетенлар ҳақиқий эмас деб топилади ва саноқ жараёнида ҳисобланмайди
- C) Саноқ жараёнида ҳисобга олиниши ёки олинмаслиги ҳақида маълумотга эга эмасман
- D) тўғри жавоб йўқ

**21. Қайси турдаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди?**

- A) аноним мурожаатлар;
- B) жисмоний ва юридик шахслар вакиллари орқали юборилган мурожаатлар, агар уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаса;
- C) қонунда белгиланган бошқа талабларга мос келмайдиган мурожаатлар
- D) Барча жавоблар тўғри

**22. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари УСК томонидан кўрмасдан қолдирилганида қандай ҳужжат тузилади?**

- A) Далолатнома
- B) Баённома
- C) Хуроса
- D) Қарор

**23. Қайси ҳолатларда халқаро кузатувчилар қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида, ҳарбий қисмларда тузилган сайлов участкаларидаги сайлов жараёнини кузатиш мумкин бўлади?**

- A) халқаро кузатувчи МСКга сайловга камида уч кун қолганда хабар берганда
- B) халқаро кузатувчи ОСКга сайловга камида уч кун қолганда хабар берганда
- C) халқаро кузатувчи УСКга сайловга камида уч кун қолганда хабар берганда

D) халқаро қузатувчи хоҳлаган вақтда, ҳеч қандай чекловларсиз қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида, ҳарбий қисмларда тузилган сайлов участкаларидаги сайлов жараёнини кузатиши мумкин

**24. Ким сайловга қадар сиёсий партияларнинг ваколатли вакилни ваколатидан маҳрум қилиши мумкин?**

- A) Участка Сайлов комиссияси
- B) Округ сайлов комиссияси
- C) Марказий сайлов комиссияси
- D) Сиёсий партия

**25. Овоз бериш кутисини пломбаланганилиги тўғрисида қандай хужжат тузилади?**

- A) Баённома
- B) Йиғилиш қарори
- C) Далолатнома
- D) Хужжат тузилмайди

**26. Сайлов бюллетенлари ким томонидан тасдиқланади?**

- A) Вазирлар маҳкамаси
- B) Марказий сайлов комиссияси
- C) Олий мажлис сенати
- D) Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан

**27. Участка сайлов комиссияси ўринбосари ва котибининг гувоҳномалари ким томонидан берилади?**

- A) ОСК раиси томонидан имзоланади, УСК муҳри билан тасдиқланади
- B) МСК раиси томонидан имзоланади ва МСК муҳри билан тасдиқланади
- C) УСК раиси томонидан имзоланади, УСК муҳри билан тасдиқланади
- D) ОСК раиси томонидан имзоланади, ОСК муҳри билан тасдиқланади

**28. УСК Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг якунлари эълон қилинганидан сўнг комиссия фаолиятига оид хужжатларни қаерга топширилади?**

- A) тегишлилиги бўйича шаҳар ва туман давлат архивига ҳамда шаҳар ва туман ҳокимликларига топширади
- B) округ сайлов комиссиясига
- C) тегишлилиги бўйича шаҳар ва туман давлат архивига
- D) тўғри жавоб йўқ

**29. Участка сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорини ижро этилиши кимлар учун мажбурий?**

- A) фақат УСК аъзолари ижро этиши учун мажбурий
- B) барча давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва ҳарбий қисмлар, корхоналарнинг, муассасаларнинг ва ташкилотларнинг раҳбарлари ижро этиши учун мажбурий
- C) маҳаллий ва хорижий кузатувчилар учун мажбурий
- D) тўғри жавоб йўқ

**30. Лозим бўлган даражада жиҳозланган овоз бериш хоналари участка сайлов комиссияларига ким томонидан ва қачон топширилади?**

- A) округ сайлов комиссияси томонидан, сайловдан камида ўн кун олдин
- B) сайлов участкаси жойлашган корхона ташкилот раҳбари томонидан, сайловдан камида ўн бир кун олдин
- C) округ сайлов комиссияси томонидан, сайловдан камида ўн бир кун олдин
- D) туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан, сайловдан камида ўн бир кун олдин

**31. Участка сайлов комиссиялари жойлашган биноларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби нечта бўлиши керак ва қаерда жойлаштирилади?**

- A) 2 та, бинонинг устида ва ичида
- B) 1 та, бинонинг устида
- C) 1 та, бинонинг ичида

В) давлат герби бўлиши талаб этилмайди

**32. Участка сайлов комиссиясининг овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги қароридан норози бўлган номзодлар ёхуд сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари овозларни қайта санаб чиқилишини сўраб .... мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Нуқталар ўрнини тўлдиринг.**

- A) округ сайлов комиссиясига
- B) марказий сайлов комиссиясига
- C) участка сайлов комиссияси раисига
- D) судга

**33. Сайлов участкасида сайловчиларнинг сонини эътиборга олган ҳолда яширин овоз бериш кабиналарини жойлаштирилиши тўғри кўрсатилган қаторни топинг?**

- A) 500 нафаргача сайловчи учун камида 2 та;  
1500 нафаргача сайловчи учун камида 3 та;  
3000 нафаргача сайловчи учун камида 4 та
- B) 1000 нафаргача сайловчи учун камида 2 та;  
2000 нафаргача сайловчи учун камида 3 та;  
3000 нафаргача сайловчи учун камида 4 та
- C) 1500 нафаргача сайловчи учун камида 2 та;  
2500 нафаргача сайловчи учун камида 3 та;  
3000 нафаргача сайловчи учун камида 4 та
- D) 2000 нафаргача сайловчи учун камида 2 та;  
2500 нафаргача сайловчи учун камида 3 та;  
3000 нафаргача сайловчи учун камида 4 та

**34. Сайловчининг турган жойда овоз бериш жараёнида қуидагилардан кимлар ҳозир бўлиши мумкин эмас?**

- A) округ сайлов комиссияси аъзоси
- B) маҳаллий ва хорижий кузатувчилар
- C) оммавий ахборот воситалари вакиллари
- D) участка сайлов комиссияси аъзоси

**35. Округ сайлов комиссиясида овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённома нотўғри тўлдирилганлиги ёки**

**арифметик хатолар мавжудлиги аниқланганда, ушбу камчиликлар қай тарзда бартараф этилади?**

- А) Участка сайлов комиссияси қўшимча мажлис ўтказади ва хатоликларни тузатади
- Б) баённомани олиб келган УСК раиси ёки ўринбосари хатоликларни тузатади
- С) Округ сайлов комиссияси мажлис ўтказади ва хатоликларни тузатади
- Д) барча жавоблар тўғри

**36. Сайлов натижалари бўйича сайланган шахс қандай аниқланади?**

- А) Сайловда овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олган номзод сайланган деб ҳисобланади
- Б) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иккита номзод иштирок этган тақдирда, овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг бошқа номзодга нисбатан кўпчилик овозини олган номзод сайланган деб ҳисобланади
- С) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида турли сабаблар (номзоднинг ўлими, номзод соғлигининг сайловда иштирок этишни истисно этувчи ҳолати ёки қонунда белгиланган бошқа сабабларга кўра унинг номзоди олинганлиги ва ҳоказо) туфайли битта номзод иштирок этган тақдирда, овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олган номзод сайланган деб ҳисобланади.
- Д) барча жавоблар тўғри

**37. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш тартиби бўйича нотўғри маълумот кўрсатилган қаторни топинг?**

- А) Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сайловга олтмиш беш кун қолганида бошланади ва қирқ беш кун қолганида тугайди.
- Б) Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан амалга оширилади.
- С) Сиёсий партиянинг юқори органи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига битта номзод кўрсатиши мумкин.

D) Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига фақат ўз партияси аъзолари орасидан номзод этиб кўрсатишга ваколатлидир

**38. Участка сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатини аниқлаштириш бўйича ишда кимлар иштирок этиши мумкин?**

- A) фақат участка сайлов комиссияси аъзолари
- B) жамоатчилик вакиллари
- C) туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари кўмаклашади
- D) барча жавоблар тўғри

**39. УСК томонидан сайлов бюллетенлари сайлов кунига тайёрлаб қўйиш тартиби тўғри кўрсатилган жавобни топинг.**

A) Сайлов бюллетени орқа томонининг юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади

B) Сайлов бюллетени ўнг томонининг юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади

C) Сайлов бюллетени ўнг томонининг пастки бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади

D) Сайлов бюллетени чап томонининг юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади

## **ОДДИЙ**

**1. УСК мажлислари комиссия аъзоларининг .... қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади. Нуқталар ўрнини тўлдиринг.**

- A) Ярмидан кўпроғи иштирок этганда
- B) Камида тўртдан уч қисми иштирок этганда
- C) Камида учдан икки қисми иштирок этганда
- D) Камида ярми иштирок этганда

**2. УСКнинг қарорлари комиссия аъзоларининг қанча қисмининг овози билан қабул қилинади?**

- А) комиссия аъзоларининг камида ярим овози билан
- Б) комиссия аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан
- С) комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми овози билан
- Д) комиссия аъзоларининг учдан икки қисмидан қўпроғининг овози билан

**3. УСК сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат органларига мурожаати ... муддатда кўриб чиқилиши лозим. Нуқталар ўрнини тўлдиринг.**

- А) уч кунлик муддатда
- Б) беш кунлик муддатда
- С) бир ҳафта ичida
- Д) уч иш кунида

**4. УСКнинг қарорини қабул қилиш жараёнида овозлар teng бўлиб қолган тақдирда, қандай йўл тутиш лозим?**

- А) Қайтадан овоз бериш ўтказилади
- Б) УСК раиси ўзининг ўринбосари билан келишган ҳолда ҳал этади
- С) раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади
- Д) Қарор қабул қилинган деб ҳисобланади

**5. УСК раиси ва унинг ўринбосари бир вақтда COVID-19 билан касалланиб ўз фаолиятини амалга ошириш имконига эга бўлмаган тақдирда нима қилиш лозим?**

- А) УСК қарори билан комиссия аъзоларининг бири зиммасига раис ваколатлари юклатилади
- Б) УСК раиси ихтиёрига кўра комиссия аъзоларининг бири зиммасига раис ваколатлари юклатилади
- С) Округ комиссияси раиси томонидан янги раис ва ўринбосар тайинланади
- Д) УСК котиби раис ваколатларини қўшиб олиб боради

**6. Сайлов участкаларини тузиш тартиби тўғри кўрсатилган қаторни топинг?**

- А) туман, шаҳар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади

В) халқ депутатлари туман, шаҳар кенгашларининг қарорига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади

С) Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади

Д) Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссияси томонидан тузилади

**7. Сайлов участкаларини тузиш муддати қачон?**

- А) сайловга 60 кун қолганда
- Б) сайловга 70 кун қолганда
- С) сайловга 75 кун қолганда
- Д) сайловга 40 кун қолганда

**8. Сайлов участкасида яширин овоз бериш кабиналарини жойлаштириш вақтида сайловчиларнинг сонини эътиборга олиш зарурми?**

- А) 1000 нафаргача сайловчи учун камида 2 та;
- Б) 2000 нафаргача сайловчи учун камида 3 та;
- С) 3000 нафаргача сайловчи учун камида 4 та ўрнатилиши лозим.
- Д) барча жавоблар тўғри

**9. УСКга бериладиган пластмасса пломбаларининг умумий сони нечта?**

- А) 7 та
- Б) 5 та
- С) 9 та
- Д) 6 та

**10. Сайловчилар рўйхатини аниқлаштириш ишлари олиб борилаётган вақтда уларга нималар тушунтирилиши лозим ?**

- А) Барча жавоблар тўғри
- Б) Муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқлари борлигини;
- С) Турган жойда овоз бериш имконияти борлигини;
- Д) Вақтинча яшаш манзилида тузилган УСКларда ҳам овоз бериш мумкинлигини

**11. УСК аъзолари сайлов участкаси худудида яшовчи сайловчилар тўғрисида маълумотларни олганидан кейин, уйма-уй айланиб чиқиш жараёнида аниқлик киритиладиган масалалар тўғри кўрсатилган қаторни топинг?**

А) УСК аъзолари сайлов участкаси худудида яшовчи сайловчилар тўғрисида маълумотларни олганидан кейин, ушбу маълумотларнинг тўғрилигини уйма-уй айланиб чиқиш орқали аниқлик киритади.

Б) Уйма-уй айланиб чиқиш вақтида фуқароларнинг сайлов куни ушбу участка худудида бўлиш-бўлмаслигига аниқлик киритилади.

С) Агар сайлов участкаси худудида вақтинча истиқомат қилаётган фуқаролар билан ўзаро суҳбат чоғида улар овоз бериш куни ушбу сайлов участкаси худудида бўлиши аниқланса, ушбу фуқаролар вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган ёки олинмаганлигидан қатъий назар сайловчилар рўйхатига киритилади.

Д) барча жавоблар тўғри

**12. Сайловчиларнинг рўйхатларидаи хато ёки ноаниқлик юзасидан тушган мурожаатлар УСК томонидан қанча муддатда кўриб чиқилади?**

А) 48 соат

Б) 24 соат

С) 7 кун

Д) 5 кун

**13. Сайловчиларнинг рўйхатларига қачонгача ўзгартишлар киритиш мумкин?**

А) сайловга 15 кун қолганда

Б) сайловга 10 кун қолганда

С) сайловга 5 кун қолганда

Д) сайловга 3 кун қолганда

**14. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш кимнинг ваколатига киради?**

А) Участка сайлов комиссия раиси ўринбосари;

Б) Участка сайлов комиссияси котиби;

С) УСК раиси вазифалар тақсимотида белгилаб берган комиссия аъзоларига.

Д) Түғри жавоб йўқ.

**15. Муддатидан олдин овоз бериш жараёни билан боғлиқ нотўғри ҳолат кўрсатилган жавобни аниқланг.**

А) Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи тегишли УСКнинг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда сайлов кунида бўла олмаслигининг сабаблари (таътил, хизмат сафари, хорижга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида тегишли УСКдан сайлов бюллетенини ва конвертни олади.

Б) УСК ўз ихтиёрига кўра сайловчидан сайлов кунида бўла олмаслигининг сабабларини тасдиқловчи қўшимча ҳужжатларни талаб қилиши мумкин.

С) Сайловчи сайлов бюллетенини олганлиги ҳақида тегишли УСКнинг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигида белгиланган шаклдаги сайловчилар рўйхати кўчирмасига имзо қўяди.

Д) УСК аъзоси муддатидан олдин овоз берган сайловчини СЖБАТда ва сайловчилар рўйхатида муддатидан олдин овоз берган сайловчи сифатида белгилаши шарт.

**16. Муддатидан олдин овоз бериш жараёнида УСКнинг қанча аъзоси ҳозир бўлиши лозим?**

А) камида уч нафар аъзоси

Б) УСК раиси ва камида икки нафар аъзоси

С) УСК раиси ва икки нафар аъзоси

Д) камида икки нафар аъзоси

**17. Муддатидан олдин овоз бериш аризаси кимнинг номига ёзилади ва нималар акс эттирилиши лозим?**

А) Туман ҳокимининг номига ёзилиб, сабаби кўрсатилади

Б) Округ сайлов комиссиясига ёзилиб, қачон овоз бериши кўрсатилади

С) Участка сайлов комиссияси раиси номига ёзилади, сабаби кўрсатилади

Д) Түғри жавоб йўқ

**18. Сайлов куни овоз бериш вақтида УСК биносида кимлар ҳозир бўлиши мумкин эмас?**

- А) тегишли ОСК аъзолари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари
- В) номзодлар
- С) сиёсий партияларнинг кузатувчилари
- Д) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кузатувчилари

**19. Сайлов куни овоз беришни ташкил этишда ҳисобга олинадиган сайловчини шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар рўйхати тўлиқ қўрсатилган қаторни топинг?**

А) паспорт, ID-карта, ҳарбий гувоҳнома, янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси, фуқаролик паспортини йўқотган фуқароларга ички ишлар органлари томонидан берилган вақтинчалик маълумотнома, ДХА томонидан берилган шахснинг яшаш манзили тўғрисида маълумотнома

Б) паспорт, ID-карта, ҳарбий гувоҳнома, янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси, фуқаролик паспортини йўқотган фуқароларга ички ишлар органлари томонидан берилган вақтинчалик маълумотнома

С) паспорт, ID-карта, ҳарбий гувоҳнома, янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси, фуқаролик паспортини йўқотган фуқароларга ички ишлар органлари томонидан берилган вақтинчалик маълумотнома, хизмат гувоҳномалари

Д) паспорт, ID-карта, ҳарбий гувоҳнома, янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси, фуқаролик паспортини йўқотган фуқароларга ички ишлар органлари томонидан берилган вақтинчалик маълумотнома, жазони ўтаб бўлганлик ёки жазодан озод қилинганлик тўғрисидаги маълумотнома

**20. Сайловчининг турган жойда овоз беришда УСКнинг неча нафар аъзоси кўчма сайлов қутиси билан сайловчининг турган жойига юборилади?**

- А) Раис ўринбосари ва бир нафар аъзоси
- Б) Раис ўринбосари ва камида икки нафар аъзоси
- С) Камида икки нафар аъзоси
- Д) Камида уч нафар аъзоси

**21. Овозларни санаб чиқиш, овозларни санаб чиқиш натижалари түғрисидаги баённомаларни түлдириш жараёнида кимлар ҳозир бўлишлари мумкин?**

- A) сиёсий партияларнинг кузатувчилари, ваколатли вакиллари;
- B) ОАВ вакиллари;
- C) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кузатувчилари
- D) Барча жавоб тўғри

**22. Сайлов куни 20.00 га қадар сайлов участкасига келган, лекин ушбу вақтга қадар овоз беришга улгурмаган сайловчига нисбатан УСКнинг муносабати?**

- A) сайловчига овоз бериш учун имконият берилади
- B) сайловчига овоз бериш учун имконият берилмайди
- C) кеч келганлигини асослаб берган ҳоллардагина овоз бериш учун имконият берилади
- D) сайловчига овоз бериш учун имконият берилади ва бу түғрисида баённома расмийлаштирилади

**23. Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари ҳақидаги баённомани тасдиқлаш билан боғлиқ нотўғри маълумот кўрсатилган қаторни аниқланг.**

А) УСК сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари ҳақидаги баённомани тасдиқлаш түғрисида қарор қабул қиласди. Шундан кейин комиссия раиси, раис ўринbosари, котиби ва бошқа аъзолари томонидан овозларни санаб чиқиш натижалари ҳақидаги баённома иккита нусхада түлдирилади, имзоланади ва УСК муҳри билан тасдиқланади.

Б) Овозларни санаб чиқиш натижалари түғрисидаги баённомага бирон-бир тарзда ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайди.

С) Агар овозларни санаб чиқиш натижалари түғрисидаги баённомани түлдириш вақтида комиссиянинг айrim аъзолари ҳозир бўлмасалар, бу ҳақда баённомада уларнинг ҳозир бўлмаганликлари сабаблари кўрсатиб ўтилади.

Д) Баённома УСКнинг раиси ёки раис ўринbosари томонидан ўқиб эшилтирилади ҳамда мазкур баённоманинг қўчирма нусхаси ҳамма

танишиб чиқиши учун УСК биносига камида етмиш икки соат муддатга дарҳол осиб қўйилади.

**24. Овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённома кўчирма нусхаси УСК биносига қанча муддатга осиб қўйилади?**

- А) камида етмиш икки соат муддатга
- В) камида қирқ саккиз соат муддатга
- С) камида беш кунлик муддатга
- Д) камида ўн кунлик муддатга

**25. Кимлар овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённоманинг тасдиқланган кўчирма нусхасини сўраб олишга ҳақли эмас?**

- А) сиёсий партияning ваколатли вакили
- Б) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кузатувчилари
- С) ОАВ вакиллари
- Д) бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар

**26. Кимлар ариза, таклиф ва шикоят билан сайлов комиссияларига мурожаат қилишлари мумкин?**

- А) Номзод кўрсатган сиёсий партиялар ваколатли вакиллари, номзодлар
- Б) ишончли вакиллар, кузатувчилар
- С) сайловчилар, сайлов жараёни бошқа иштирокчилари
- Д) барча жавоблар тўғри

**27. Сайлов комиссияларига келиб тушган мурожаатлар қанча муддатда кўриб чиқилади?**

- А) Бир кунлик муддатда
- В) Икки кунлик муддатда
- С) Уч кунлик муддатда
- Д) Беш кунлик муддатда

**28. Сайловга қанча муддат қолганида келиб тушган мурожаатлар дарҳол кўриб чиқилади?**

- А) камида олти кун қолганида

- В) камида беш кун қолганида
- С) камида уч кун қолганида
- Д) камида икки кун қолганида

**29. Чет давлатларда турган фуқаролар сайловчилар рўйхатларига қандай киритилади?**

- А) Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари бошлиқлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида
- Б) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан берилган маълумотлар асосида
- С) Чет давлатларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари вакиллари томонидан берилган маълумотлар асосида
- Д) Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги томонидан берилган маълумотлар асосида

**30. Участка сайлов комиссияси раисининг гувоҳномаси ким томонидан берилади?**

- А) ОСК раиси томонидан имзоланади, УСК муҳри билан тасдиқланади
- Б) МСК раиси томонидан имзоланади ва МСК муҳри билан тасдиқланади
- С) УСК раиси томонидан имзоланади, УСК муҳри билан тасдиқланади
- Д) ОСК раиси томонидан имзоланади, ОСК муҳри билан тасдиқланади

**31. УСК аъзоси сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш жараёнидаги ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда дарҳол кимларни хабардор этиши лозим?**

- А) округ сайлов комиссиясини
- Б) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни
- С) УСК раиси ёки раис ўринбосарини
- Д) марказий сайлов комиссиясини

**32. Қуйидагилар кимлар сайлов куни овоз бериш вақтида участка сайлов комиссияси биносида ҳозир бўлиши мумкин эмас?**

- А) тегишли округ сайлов комиссияси аъзолари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари
- Б) сиёсий партияларнинг кузатувчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари
- С) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг раҳбар ва ўринбосарлари
- Д) оммавий ахборот воситалари вакиллари

**33. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловчиларни .... хабардор этиши лозим. Нуқталар ўрнини тўлдиринг.**

- А) камида ўн бир кун олдин
- Б) камида ўн беш кун олдин
- С) камида ўн кун олдин
- Д) камида беш кун олдин

**34. Участка сайлов комиссияси баённомасининг биринчи асл нусхаси округ сайлов комиссиясига .... олиб бориб топширилади. Нуқталар ўрнини тўлдиринг.**

- А) раис ёки унинг ўринбосари томонидан ички ишлар органлари ходимлари кузатувида
- Б) раис ёки комиссия котиби томонидан ички ишлар органлари ходимлари кузатувида
- С) раис ёки комиссия аъзоларидан бири томонидан ички ишлар органлари ходимлари кузатувида
- Д) камида икки нафар комиссия аъзоси томонидан ички ишлар органлари ходимлари кузатувида

## **ОЧИҚ ТЕСТЛАР (Жавоби билан)**

### **МУРАККАБ**

**1. Участка сайлов комиссиясининг аъзоси қандай ҳолларда вазифасини бажаришдан муддатидан олдин озод қилиниши мумкин ва ким томонидан амалга оширилади?**

---

---

шахсий аризасига кўра, ваколатларидан маҳрум этилган тақдирда, сайлов кодекси талабларини бузган ёки зиммасидаги мажбуриятларини мунтазам равишда бажармаган тақдирда – ОСК қарорига кўра амалга оширилади.

**2. УСК аъзосининг комиссия мажлисини чақириш ҳақидаги ташаббуси аъзоларнинг қанча қисми томонидан қўллаб-куватланса чақирилиши мумкин?**

---

**УСК аъзосининг комиссия мажлисини чақириш ҳақидаги ташаббуси** комиссия аъзолари умумий таркибининг камидা учдан бир қисми талабига биноан қўллаб-куватланса чақирилиши мумкин.

**3. УСКнинг мажлиси қандай ҳолатларда ваколатли ҳисобланади?**

---

мажлис ўтказилаётган кундаги комиссия аъзолари умумий сонининг камидা учдан икки қисми иштирок этаётган бўлса

**4. УСКнинг қарори қабул қилишда комиссия аъзоларининг овозлари қандай ҳисобга олинади?**

---

комиссиянинг қарори аъзолари умумий сонининг қўпчилик овози билан қабул қилинган ҳисобланади

**5. Сайлов участкаси ҳудудида вақтингча истиқомат қилаётган фуқарони сайловчилар рўйхатига киритишнинг зарурӣ шарти нима?**

---

Сайлов участкаси ҳудудида вақтингча истиқомат қилаётган фуқаролар билан шахсан сухбат қилиш. Агар сайлов участкаси ҳудудида вақтингча истиқомат қилаётган фуқаролар билан шахсан сухбат қуриш имконияти бўлмаса, улар сайловчилар рўйхатига киритилмайди.

**6. УСК томонидан сайлов участкаси ҳудудидаги сайловчилар рўйхатига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш қандай амалга оширилади?**

---

---

---

УСК котиби ўзгартириш керак бўлган сайловчининг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами ёки паспорт ёхуд идентификация ID-картаси серияси ва рақамини киритган ҳолда сайловчини қайси сайлов участкасининг сайловчилар рўйхатига киритилганини аниқлайди ва сайловчининг маълумотлари бўйича рўйхатга тегишли ўзгартиришларни киритади.

**7. Сайловга 15 кун қолганда сайловчилар эътиборига ҳавола қилиш мақсадида тегишли стендга осиб қўйилишини таъминлаш учун сайловчиларнинг рўйхатлари УСКга ким томонидан таъминлаб берилади ва уни ким томонидан тасдиқланиши лозим?**

---

---

---

Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга ўн беш кун қолганида УСК котиби томонидан СЖБАТдан юклаб олинади, сайловчилар рўйхати УСК раиси ва котиби томонидан имзоланади ҳамда УСК муҳри билан тасдиқланади

**8. УСК сайловчилар рўйхатини тузиш ишларига комиссия аъзоларидан ташқари кимларни жалб қилиш мумкин?**

---

---

---

---

жамоатчилик вакиллари ва волонтёрларни жалб қилиш мумкин

**9. Сайловчининг турган жойда овоз бериш жараёнида УСК аъзоларидан ташқари кимлар ҳозир бўлиши мумкин?**

---

---

---

кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари

**10. Мурожаатлар кўрмай қолдирилганда бу ҳолат қандай расмийлаштирилади?**

---

---

---

Мурожаатлар кўрмай қолдирилганда тегишли хулоса тузилади, у УСК раиси ёки раис ўринbosари томонидан тасдиқланади

**11. Участка сайлов комиссияси ўз фаолиятини қандай принциплар асосида амалга оширади?**

---

---

---

қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлилик

**12. УСК аъзоси уйма-уй айланиб чиқиш вақтида хонадон эгаси 4 нафар 18 ёшга тўлган талабалар рўйхатга олинмаган ҳолда вақтинча истиқомат қилаётганликларини, бироқ улар ҳозирда уйда йўқликларини, сайлов куни шу ерда бўлишларини маълум қилди. УСК аъзоси қандай ҳаракатни амалга ошириши лозим?**

---

---

---

вақтингча истиқомат қилаётган фуқаролар билан шахсан сұхбат қуриш имконияти бўлмаганлиги сабабли улар сайловчилар рўйхатига киритилмайди

**13. Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённоманинг биринчи нусхасига нималар илова қилинади?**

---

---

сайлов натижаларини аниқлашда ҳозир бўлган сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қузатувчилари ҳамда ОАВ вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлардан ҳозир бўлган қузатувчилар рўйхати

**14. Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённоманинг иккинчи нусхасига нималар илова қилинади?**

---

---

овоз бериш ёки овозларни санаб чиқиш чоғида йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида келиб тушган мурожаатлар, ушбу мурожаатлар бўйича комиссиянинг қабул қилган қарорлари, сайлов қўтиларини пломбалаш бўйича тузилган далолатнома, сайлов бюллетенлари ҳамда бошқа сайлов ҳужжатлари

**15. Ўзбекистон Республикасида сайловларни қайси манбалар ҳисобидан молиялаштирилади?**

---

---

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар томонидан сайлов ўтказиш учун ихтиёрий равишда берилган ўз маблағлари

## **16. Фуқароларни сайловчиларнинг рўйхатлари билан қандай усуулларда таништирилади?**

---

---

Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайти орқали Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари расмий веб-сайтлари орқали

Сайловга ўн беш кун қолганида УСКда стендларга осиб қўйиш, чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари хузурида, санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган худудлардаги фуқаролар турган жойларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган участкаларда эса сайловга уч кун қолганида ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этиш

## **17. Сайлов бюллетенида қандай маълумотлар акс эттирилади?**

---

---

Сайлов бюллетенида номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми сайлов бюллетенига унинг туғилган йили ва уни номзод этиб кўрсатган сиёсий партия кўрсатилган ҳолда алифбо тартибида киритилади.

### **ЎРТАЧА МУРАККАБ**

## **1. Округ сайлов комиссияси томонидан участка сайлов комиссияларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар қанча муддатда кўриб чиқилади?**

---

---

Округ сайлов комиссияси томонидан участка сайлов комиссияларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш ваколатига эга эмас

**2. Участка сайлов комиссиясининг мажлисларини чақиришга кимлар ваколатли ҳисобланади?**

---

---

УСК раиси ва УСК аъзолари умумий таркибининг камида учдан бир қисми талабига биноан

**3. УСКга берилган 7 дона пластмасса пломбалардан қачон ва қандай мақсадда фойдаланилади?**

---

---

3 таси стационар сайлов қутиси учун, 1 таси кўчма сайлов қутиси учун, 1 таси қоп учун, 2 таси захира учун

**4. Сайловчилар рўйхатини шакллантиришда нималарга эътибор қаратиш зарур?**

---

---

Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни 18 ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган пайтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари киритилади.

**5. Сайловчиларнинг рўйхатларидағи хато ёки ноаниқлик юзасидан тушган мурожаатлар юзасидан УСК томонидан қандай ҳаракатлар амалга оширилади?**

---

---

---

Сайловчиларнинг рўйхатларидағи хато ёки ноаниқлик юзасидан тушган мурожаатлар УСК томонидан 24 соат ичида кўриб чиқилиши ва уларни текшириши ҳамда хатони ёки ноаниқликни бартараф этиши ёхуд мурожаат қилувчига унинг мурожаати рад этилганлиги тўғрисида асослантирилган жавоб берини шарт.

**6. Овоз бериш куни бирон-бир сабаб билан сайловчилар рўйхатига кирмай қолган сайловчилар қандай рўйхатга олинади?**

---

---

Сайловчининг шахси, фуқаролиги ва яшаш жойини тасдиқловчи ҳужжат асосида сайловчилар рўйхати иловасига киритилади

**7. Қандай сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқиша ҳақиқий эмас деб топилади?**

---

---

Белгиланмаган шаклдаги (ҳажми, ранги, қоғоз сифати, босмахона шрифти ва ҳоказолар бўйича фарқланувчи) сайлов бюллетенлари;

УСК томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари;

Сайловга қадар вафот этган, сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўлган ёхуд номзодликдан чақириб олинган номзодга ёқлаб овоз берилган сайлов бюллетенлари.

**8. Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари қайси ҳужжат асосида расмийлаштиради?**

---

---

Овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённома

**9. Қайси ҳолатларда халқаро кузатувчилар қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида, ҳарбий қисмларда тузилган**

**сайлов участкаларидаги сайлов жараёнини кузатиш мумкин бўлади?**

---

---

Халқаро кузатувчи ОСКга сайловга камида уч кун қолганда хабар берганда

**10. Овоз бериш қутисини пломбаланганлиги тўғрисида қандай хужжат тузилади?**

---

---

Далолатнома

**11. Сайлов бюллетенлари ким томонидан тасдиқланади?**

---

---

Марказий сайлов комиссияси

**12. УСК Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг якунлари эълон қилинганидан сўнг комиссия фаолиятига оид хужжатларни қаерга топширилади?**

---

---

Тегишлилиги бўйича шаҳар ва туман давлат архивига ҳамда шаҳар ва туман ҳокимликларига топширади

**13. Лозим бўлган даражада жиҳозланган овоз бериш хоналари участка сайлов комиссияларига ким томонидан ва қачон топширилади?**

---

---

---

Туман ва шаҳар ҳокимлари томонидан, сайловдан камида ўн бир кун олдин

**14. Округ сайлов комиссиясида овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённома нотўғри тўлдирилганлиги ёки арифметик хатолар мавжудлиги аниқланганда, ушбу камчиликлар қай тарзда бартараф этилади?**

---

---

Участка сайлов комиссияси қўшимча мажлис ўтказади ва хатоликларни тузатади

**15. УСК томонидан сайлов бюллетенлари сайлов кунига тайёрлаб қўйиш тартиби қандай амалга оширилади?**

---

---

Сайлов бюллетени ўнг томонининг юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади

## ОДДИЙ

**1. УСКнинг қарорлари комиссия аъзоларининг қанча қисмининг овози билан қабул қилинади?**

---

комиссия аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан

**2. УСК сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан мурожаати давлат органлари томонидан қанча муддатда кўриб чиқилиши лозим?**

---

уч кунлик муддатда

**3. УСКнинг қарорини қабул қилиш жараёнида овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, қандай йўл тутиш лозим?**

---

раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади

**4. Сайлов участкаларини тузиш қандай тартибда амалга оширилади ва ташкил этиш муддатини биласизми?**

---

туман, шаҳар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади

**5. Сайловчиларнинг рўйхатларидаги хато ёки ноаниқлик юзасидан тушган мурожаатлар УСК томонидан қанча муддатда кўриб чиқилади?**

---

24 соат

**6. Сайловчиларнинг рўйхатларига қачонгача ўзгартишлар киритиш мумкин?**

---

Сайловга 5 кун қолганда

**7. Сайлов куни овоз бериш вақтида УСК биносида кимлар ҳозир бўлиши мумкин?**

---

тегишли ОСК, УСК аъзолари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, маҳаллий ва халқаро кузатувчилар, сиёсий партиялар кузатувчилари, ваколатли вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кузатувчилари, ОАВ вакиллари

**8. Сайлов куни овоз беришни ташкил этишда ҳисобга олинадиган сайловчини шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар қайсилар?**

---

паспорт, ID-карта, ҳарбий гувоҳнома, янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси, фуқаролик паспортини йўқотган

фуқароларга ички ишлар органлари томонидан берилган вақтингачалик маълумотнома, жазони ўтаб бўлганлик ёки жазодан озод қилинганлик тўғрисидаги маълумотнома

**9. Овозларни санаб чиқиш, овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомаларни тўлдириш жараёнида кимлар ҳозир бўлишлари мумкин?**

---

---

Сиёсий партияларнинг кузатувчилари, ваколатли вакиллари, ОАВ вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кузатувчилари, хорижий кузатувчилар

**10. Овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённома кўчирма нусхаси УСК биносига қанча муддатга осиб қўйилади?**

---

каміда қирқ саккиз соат муддатга

**11. Сайлов комиссияларига келиб тушган мурожаатлар қанча муддатда кўриб чиқилади?**

Уч кунлик муддатда, сайловга каміда олти кун қолганида келиб тушган мурожаатлар дарҳол кўриб чиқилади

**12. Чет давлатларда турган фуқаролар сайловчилар рўйхатларига қандай киритилади?**

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари бошлиқлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида

**13. Участка сайлов комиссияси раиси ва аъзоларининг гувоҳномаси ким томонидан берилади?**

---

УСК раисига ОСК раиси томонидан имзоланади ва ОСК муҳри билан тасдиқланади;

УСК аъзоларига УСК раиси томонидан имзоланади ва УСК муҳри билан тасдиқланади

**14. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловчиларни қачон хабардор этиши лозим?**

---

*Сайлов қунидан камида ўн кун олдин*

**15. Участка сайлов комиссияси баённомасининг биринчи асл нусхаси округ сайлов комиссиясига кимлар томонидан олиб бориб топширилади?**

---

Раис ёки унинг ўринбосари томонидан ички ишлар органлари ходимлари кузатувида

## **ОЧИҚ ТЕСТЛАР** **(Жавобисиз)**

### **МУРАККАБ**

1. Участка сайлов комиссиясининг аъзоси қандай ҳолларда вазифасини бажаришдан муддатидан олдин озод қилиниши мумкин ва ким томонидан амалга оширилади?

---

---

---

2. УСК аъзосининг комиссия мажлисими чақириш ҳақидаги ташаббуси аъзоларнинг қанча қисми томонидан қўллаб-қувватланса чақирилиши мумкин?

---

---

3. УСКнинг мажлиси қандай ҳолатларда ваколатли ҳисобланади?

---

---

4. УСКнинг қарори қабул қилишда комиссия аъзоларининг овозлари қандай ҳисобга олинади?

---

---

5. Сайлов участкаси худудида вақтинча истиқомат қилаётган фуқарони сайловчилар рўйхатига киритишнинг зарурий шарти нима?

---

---

6. УСК томонидан сайлов участкаси худудидаги сайловчилар рўйхатига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш қандай амалга оширилади?

---

---

7. Сайловга 15 кун қолганда сайловчилар эътиборига ҳавола қилиш мақсадида тегишли стендга осиб қўйилишини таъминлаш учун

сайловчиларнинг рўйхатлари УСКга ким томонидан таъминлаб берилади ва уни ким томонидан тасдиқланиши лозим?

---

---

8. УСК сайловчилар рўйхатини тузиш ишларига комиссия аъзоларидан ташқари кимларни жалб қилиш мумкин?

---

---

9. Сайловчининг турган жойда овоз бериш жараёнида УСК аъзоларидан ташқари кимлар ҳозир бўлиши мумкин?

---

---

10. Мурожаатлар кўрмай қолдирилганда бу ҳолат қандай расмийлаштирилади?

---

---

11. Участка сайлов комиссияси ўз фаолиятини қандай принциплар асосида амалга оширади?

---

---

12. УСК аъзоси уйма-уй айланиб чиқиш вақтида хонадон эгаси 4 нафар 18 ёшга тўлган талабалар рўйхатга олинмаган ҳолда вақтинча истиқомат қилаётганликларини, бироқ улар ҳозирда уйда йўқликларини, сайлов куни шу ерда бўлишларини маълум қилди. УСК аъзоси қандай ҳаракатни амалга ошириши лозим?

---

---

---

13. Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённоманинг биринчи нусхасига нималар илова қилинади?

---

---

---

14. Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённоманинг иккинчи нусхасига нималар илова қилинади?

---

---

---

15. Ўзбекистон Республикасида сайловларни қайси манбаалар хисобидан молиялаштирилади?

---

---

---

16. Фуқароларни сайловчиларнинг рўйхатлари билан қандай усулларда таништирилади?

---

---

---

17. Сайлов бюллетенида қандай маълумотлар акс эттирилади?

ЎРТАЧА МУРАККАБ

1. Округ сайлов комиссияси томонидан участка сайлов комиссияларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар қанча муддатда кўриб чиқилади?

---

---

---

2. Участка сайлов комиссиясининг мажлисларини чақиришга кимлар ваколатли ҳисобланади?

---

---

---

3. УСКга берилган 7 дона пластмасса пломбалардан қачон ва қандай мақсадда фойдаланилади?

---

---

---

4. Сайловчилар рўйхатини шакллантиришда нималарга эътибор қаратиш зарур?

---

---

---

5. Сайловчиларнинг рўйхатларидағи хато ёки ноаниқлик юзасидан тушган мурожаатлар юзасидан УСК томонидан қандай ҳаракатлар амалга оширилади?

---

---

---

6. Овоз бериш куни бирон-бир сабаб билан сайловчилар рўйхатига кирмай қолган сайловчилар қандай рўйхатга олинади?

---

---

---

7. Қандай сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқиша ҳақиқий эмас деб топилади?

---

---

---

8. Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари қайси хужжат асосида расмийлаштиради?

---

---

---

9. Қайси ҳолатларда халқаро қузатувчилар қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида, ҳарбий қисмларда тузилган сайлов участкаларидаги сайлов жараёнини кузатиш мүмкін бўлади?

---

---

---

10. Овоз бериш қутисини пломбаланганлиги тўғрисида қандай хужжат тузилади?

---

---

---

11. Сайлов бюллетенлари ким томонидан тасдиқланади?

12. УСК Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг якунлари эълон қилинганидан сўнг комиссия фаолиятига оид хужжатларни қаерга топширилади?

---

---

---

13. Лозим бўлган даражада жиҳозланган овоз бериш хоналари участка сайлов комиссияларига ким томонидан ва қачон топширилади?

---

---

---

14. Округ сайлов комиссиясида овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённома нотўғри тўлдирилганлиги ёки арифметик хатолар мавжудлиги аниқланганда, ушбу камчиликлар қай тарзда бартараф этилади?

---

---

---

15. УСК томонидан сайлов бюллетенлари сайлов қунига тайёрлаб кўйиш тартиби қандай амалга оширилади?

---

---

---

### ОДДИЙ

1. УСКнинг қарорлари комиссия аъзоларининг қанча қисмининг овози билан қабул қилинади?

---

2. УСК сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан мурожаати давлат органлари томонидан қанча муддатда кўриб чиқилиши лозим?

---

3. УСКнинг қарорини қабул қилиш жараёнида овозлар teng бўлиб қолган тақдирда, қандай йўл тутиш лозим?

---

4. Сайлов участкаларини тузиш қандай тартибда амалга оширилади ва ташкил этиш муддатини биласизми?

---

5. Сайловчиларнинг рўйхатларидаги хато ёки ноаниқлик юзасидан тушган мурожаатлар УСК томонидан қанча муддатда кўриб чиқилади?

---

6. Сайловчиларнинг рўйхатларига қачонгача ўзгартишлар киритиш мумкин?

---

7. Сайлов куни овоз бериш вақтида УСК биносида кимлар ҳозир бўлиши мумкин?

---

---

8. Сайлов куни овоз беришни ташкил этишда ҳисобга олинадиган сайловчини шахсини тасдиқловчи хужжатлар қайсилар?

---

9. Овозларни санаб чиқиш, овозларни санаб чиқиш натижалари түғрисидаги баённомаларни түлдириш жараёнида кимлар ҳозир бўлишлари мумкин?

---

---

---

10. Овозларни санаб чиқиш натижалари түғрисидаги баённома кўчирма нусхаси УСК биносига қанча муддатга осиб қўйилади?

---

11. Сайлов комиссияларига келиб тушган мурожаатлар қанча муддатда кўриб чиқилади?

---

12. Чет давлатларда турган фуқаролар сайловчилар рўйхатларига қандай киритилади?

---

13. Участка сайлов комиссияси раиси ва аъзоларининг гувоҳномаси ким томонидан берилади?

---

14. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловчиларни қачон хабардор этиши лозим?

---

15. Участка сайлов комиссияси баённомасининг биринчи асл нусхаси округ сайлов комиссиясига кимлар томонидан олиб бориб топширилади?

---

**5-БҮЛІМ.  
САЙЛОВ ЖАРАЁНИДА ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЗАРУР  
ИМИТАЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ**

*Хүжэсатнинг макети*

**645-участка сайлов  
комиссияси раиси**  
*Ф.Рахимов* га

**АРИЗА**

Ушбу аризам оркали шуни маълум қиласанки, 2021 йилнинг 20 октябрь куни Ҳиндистон давлатига даволаниш учун учиб кетаман. Шу сабабли, жорий йилнинг 24 октябрь куни мен овоз беришда иштирок этолмайман. Шунга кўра, сиздан менга муддатидан олдин овоз беришни амалга оширишга рухсат беришингизни сўрайман.

Аризага участка сайлов комиссияси томонидан сўралган Ҳиндистонга учиб кетишимни тасдиқловчи чипта нусхасини илова қиласан.

**Илова:** чипта нусхаси.

Фуқаро

*М.С.*

*Л.Сомонъев*

**№1. ТОПШИРИҚ:**

1. Мазкур ҳужжатни диққат билан ўқинг.
2. Участка сайлов комиссияси томонидан йўл қўйилган хатони аниқланг.
3. Фикрингизни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 апрелдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисида”ги низомнинг 46-бандига асосан, муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш

**№1. ЖАВОБ:**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 апрелдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисида”ги низомнинг 46-бандига асосан, муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш

учун сайловчи тегишли участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи хужжатни кўрсатади ҳамда сайлов кунида бўла олмаслигининг сабаблари (таътил, хизмат сафари, хорижга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида тегишли участка сайлов комиссиясидан сайлов бюллетенини ва конвертни олади.

**Участка сайлов комиссияси сайловчидан сайлов кунида бўла олмаслигининг сабабларини тасдиқловчи қўшимча хужжатларни талаб қилиши тақиқланади.**

Юқоридаги ҳолатда участка сайлов комиссияси томонидан аризачининг Ҳиндистонга учиб кетаётганлигини тасдиқловчи чипта нусхасини сўраши ва уни аризага илова қилиниши қонунга зид хисобланади.

*Хужжатнинг макети*

**452-участка сайлов  
комиссияси раиси**  
*P. Даромонов га*

**АРИЗА**

Ушбу аризам орқали шуни маълум киламанки, менга муддатидан олдин овоз беришни амалга оширишга рухсат беришингизни сўрайман.

Фуқаро

*P. Самб*

*P. Сомб*

**№2. ТОПШИРИҚ:**

1. Мазкур ариза билан танишиб чиқинг.
2. Участка сайлов комиссияси ва мурожаат муаллифи томонидан йўл қўйилган хатони аниқланг.
3. Фикрингизни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 апрелдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини

ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисида"ги низом талаблари асосида асосланг.

## №2. ЖАВОБ:

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 апрелдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисида"ги низомнинг 46-бандига асосан, муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи тегишли участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда сайлов кунида бўла олмаслигининг сабаблари (таътил, хизмат сафари, хорижга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида тегишли участка сайлов комиссиясидан сайлов бюллетенини ва конвертни олади.

Юқоридаги ҳолатда аризачи томонидан ўз аризасида сайлов кунида бўла олмаслигининг сабаблари кўрсатилмаган. Ушбу ҳолатда участка сайлов комиссияси вакили мурожаат муаллифига аризада сайлов кунида бўла олмаслигининг сабабини кўрсатишни тушунтириши ҳамда аризани

*Хуёжжатнинг макети*

235-участка сайлов  
комиссияси раиси  
А.Хусейн га

## АРИЗА

Ушбу аризам орқали шуни маълум қиласанки, 2021 йилнинг 22 октябрь куни соат 20.00да Қорақалпоғистон Республикаси га хизмат сафари билан жўнаб кетмоқдаман. Шу сабабли, жорий йилнинг 24 октябрь куни мен овоз беришда иштирок этолмайман.

Шунга кўра, сиздан менга муддатидан олдин овоз беришни амалга оширишга рухсат беришингизни сўрайман.

**Маълумот учун:** Ушбу ариза асосида сайловчига участка сайлов комиссияси томонидан муддатидан олдин овоз беришини амалга ошириши имкони берилган.

Фуқаро  
22.10.2021 й.

А.Хусейн

белгиланган талаб асосида расмийлаштирилишини таъминлаши зарур бўлади.

### **№3. ТОПШИРИҚ:**

1. Мазкур ариза билан танишиб чиқинг.
2. Участка сайлов комиссияси томонидан йўл қўйилган хатони аниқланг.
3. Фикрингизни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 апрелдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисида”ги низом талаблари асосида изоҳланг.

### **№3. ЖАВОБ:**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 апрелдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисида”ги низомнинг 43-бандига асосан, **муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга уч кун қолганида тугалланади.**

Юқоридаги ҳолатда аризачига муддатидан олдин овоз беришни амалга оширишга рухсат бериш қонунчилик ҳужжатларига зид ҳисобланади. Бунда участка сайлов комиссияси вакили фуқарога сайлов куни юқорида қайд этилган низомнинг 41-бандига асосан, хизмат сафарига юборилаётган ҳудуддаги тегишли сайлов участкасида овоз беришда иштирок этиши мумкинлигини тушунтириши лозим.


## Х У Л О С А

2021 йилнинг 23 октябрь куни 235-участка сайлов комиссиясига Х.Олимjon М.Ф.Й. худудида яшовчи фукаро Н.нинг (мурожсаат этувчининг Ф.И.Ш. кўрсатилмаган) участка сайлов комиссияси аъзолари томонидан сайлов участкаси худудида яшовчи сайловчилар тўғрисидаги маълумотларни уйма-уй юриш орқали аниқлаштиришда кўплаб хатоликларга йўл қўйилганлиги, жумладан, айrim сайловчилар сайлов участкаси худудида вактинча истикомат қилаётган бўлсаларда, улар билан шахсан сухбат қурилмасдан, сайловчилар рўйхатига киритилганлиги тўғрисидаги мурожаати келиб тушган.

Мазкур мурожаат кўриб чиқилганида, мурожаат муаллифининг фамилияси (исми, фамилияси, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар тўлик кўрсатилмаганлиги маълум бўлди.

Шу сабабли, мазкур мурожаатни аноним деб топиб, кўрмай қолдириш мақсадга мувофик бўлади.

Юқоридаги хulosани тасдиклаб, имзо чекувчи 235-сонли участка сайлов комиссияси аъзолари:



### №4. ТОПШИРИК:

1. Мазкур хулоса билан танишиб чиқинг.
2. Участка сайлов комиссияси томонидан йўл қўйилган хатони аниқланг.
3. Фикрингизни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 апрелдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисида”ги низом талаблари асосида изоҳланг.

### №4. ЖАВОБ:

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 апрелдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисида”ги низомнинг 98-бандига асосан, аноним мурожаатлар кўриб чиқилмайди. **Мурожаатлар кўрмай қолдирилганда тегишли хулоса тузилади, у участка сайлов комиссияси раиси ёки раис ўринбосари томонидан тасдиқланади.**

Юқоридаги ҳолатда мурожаатни кўрмай қолдириш тўғрисидаги хулоса участка сайлов комиссияси аъзолари томонидан имзоланиб, низом талаблари бузилган.

*Хужжатнинг макети*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ**

*2021 йил 16 на йул*

**УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯСИННИГ САЙЛОВ УЧАСТКАСИДА  
ОВОЗЛарНИ САНАВ ЧИҚИШ НАТИЖЛАРИ ТўҒРИСИДАГИ  
БАЁНИНОМАСИ**

Участка сайлон комиссияси Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 24, 54, 94-моддаларига мувоффик, **6** сайлов оқрутининг **34** сайлов участкасида овозларни санав чиқиш натижасида куйизгиларни аниқлада:

1. Сайлов участкасидағи сайловчиларнинг умумий сони
2. Участка сайлов комиссияси олган сайлов бюджетенлари сони
3. Сайлов бюджетенлари олган сайловчилар сони
4. Муддатидан олган овоз бергичай сайловчилар сони
5. Овоз беринча интироқ этган сайловчилар сони (сайлов кутиларнишигы сайлов бюджетенлари)

<b>3000</b>
<b>3015</b>
<b>2650</b>
<b>50</b>
<b>2650</b>
<b>350</b>

6. Фойдаланилмаган ва бузуб кўйилшиб, бокор юзинсан сайлов бюджетенларининг умумий сони

7. Хар бир номзодни ёқлаб беринган оводлар сони:

No	Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми (азифба тартибидан)	Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни ёқлаб беринган оводлар сони	Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни курслатган сиёсий партия исми
1.	Олбекхановъ Бахром	750	Борбор СДП
2.	Ворисовъ Давид	715	Ходжемисулжон Гуриев
3.	Мирзиеевъ Шавкат	550	Мавзуда-Роҳиён Гуриев
4.	Обидигузовъ Нурулла	400	Энсархон Гуриев
5.	Бодорхон Алиевъ	235	Муҳаммад Тажиевъ БИТ
8.	Халоний эмас деб топилиган сайлов бюджетенлари сони	15	

Комиссия раиси

*Н. Мирзиеевъ*

Комиссия раисининг ўринбосари

*Д. Рахимовъ*

Комиссия катibi

*С. Валиевъ*

Активация Windows  
Чтобы активировать

Комиссия аъзолари:

1	Бодорбек	Ревон
2	Нодирбек	Муртаза
3	Исламбек	Абдуллаев
4	Асрорбек	Бобур
5	Соҳибзода	Садик
6	Ризванбек	Джамильев
7	Бодорбек	Абдусалом
8	Амирбек	Абдуллоев
9	Хайдарзода	Касимов
10	Фарходбек	Жемилев
11	Носирбек	Бобур
12	Азизбек	Бозиур
13	Комильбек	Комиль
14	Азизхужаев	Джабиров
15	Денисовбек	Денисов
16	Анзорбек	Сайфуллаев

## №5. ТОПШИРИҚ:

1. Мазкур баённома билан танишиб чиқинг.
2. Ушбу баённома тўғри тўлдирилганми?
3. Сизнингча, баённомани тўлдиришда қандай хатоликка йўл кўйилган.
4. Фикрингизни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 апрелдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисида”ги низом талаблари асосида асосланг.

## №5. ЖАВОБ:

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 апрелдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисида”ги низомнинг 14-иловасига асосан, участка сайлов комиссиясининг сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённоманинг 5-бандида кўрсатилган сон баённоманинг 7-банди 1, 2, 3, 4 ва 5-сатрлардаги ва 8-банддаги сонлар йиғиндисига тенг ( $5\text{-банд} = 7\text{-банднинг сатрлар йиғиндиси} + 8\text{-банд}$ ) бўлиши лозим.

Юқоридаги ҳолатда участка сайлов комиссияси томонидан овозларни ҳисоблаб чиқиша хатоликка йўл қўйилган. Яъни, баённоманинг 7-бандида қайд этилган 2650 сонига 8-бандда қайд этилган 15 сони қўшилмасдан, 5-бандда кўрсатилган. Ваҳоланки, 5-банддаги рақам 2665 бўлиши лозим.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ

2021 йил «17» август

34-УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИННИГ  
БАЁННОМАСИ

Иштирок этдилар:

Раис ўринбосари: У.Комилов  
Котиб: М.Ахмадшаева  
Комиссия аъзолари: И.Имомов  
Л.Салоҳиддинова  
Т.Пўлатов  
И.Хакимов

Кун тартибидаги масала:

1.Участка сайлов комиссияси раиси соғлиги ёмонлашганлиги сабабли унинг ваколатларини комиссия аъзоларидан бирининг зиммасига юклаш

Мажлисни участка сайлов комиссиясининг раис ўринбосари У.Комилов ўз сўзи билан очиб мажлис иштирокчиларини кун тартибидаги масала билан танишириб ўтди. Комиссия раиси Д.Холиков соғлиги ёмонлашганлиги сабабли айни дамда ўз вазифаларини бажара олмаслигини таъкидлаб, комиссия ишини самарали ташкил этиш, унинг фаолиятида камчиликларга йўл кўймаслик,

кўйилган вазифаларни ўз вактида бажариш мухим эканлигига тўхталиб ўтди. Шундан сўнг комиссия аъзоларига сўз берди. Комиссия аъзоси Л.Салоҳиддинова сўзга чиқиб комиссия аъзоси И.Хакимовнинг сайлов жараёнларида тажрибаси катта эканлигини, бундан олдинги сайловларда ҳам комиссия аъзоси сифатида иштирок этганлигини таъкидлаб, раис ваколатларини унинг зиммасиги юклашни тавсия қилди.

Шундан сўнг овоз бериш жараёни ўтказилиб, И.Хакимовнинг номзоди комиссия аъзоларининг кўпчилик овози билан маъкулланди.

Раис ўринбосари У.Комилов овоз бериш натижаларига кўра комиссия раиси вазифасини бажариш И.Хакимов зиммасига юклатилганини таъкидлади.

**Юкоридагилардан келиб чиқиб,**

**МАЖЛИС ҚАРОР ҚИЛАДИ**

Участка сайлов комиссияси раиси Д.Холиков соғлиги ёмонлашганлиги сабабли унинг ваколатлари бажариш И.Хакимов зиммасига юклатилсин.

Раис ўринбосари:

Котиб:



У.Комилов

М.Ахмадшаева

**№6. ТОПШИРИҚ:**

1. Мазкур баённома билан танишиб чиқинг.
2. Ушбу баённома тўғри тузилганми?
3. Сизнингча, баённомани тўлдиришда қандай хатоликка йўл кўйилган.
4. Фикрингизни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 апрелдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўtkazuvchi участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисида”ги низом талаблари асосида асосланг.

**№6. ЖАВОБ:**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 апрелдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўtkazuvchi участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисида”ги низомнинг 14-бандига асосан участка сайлов комиссияси раиси ўз ваколатларини

бажара олмаган, шунингдек, участка сайлов комиссияси раиси бўлмаган тақдирда, унинг ваколатлари раис ўринбосари ёки участка сайлов комиссияси қарори билан комиссия аъзоларидан бирининг зиммасига юклатилади. Ушбу нормага асосан 34-участка сайлов комиссиясининг мажлиси ўтказилиб, мажлис қарори билан И.Хакимов комиссия раиси ваколатлари юклатилган. Ушбу ҳолатда сайлов қонунчилиги талабларига риоя этилган.

*Хужжат макети*

**34-участка сайлов  
комиссияси раиси**

**А.Хакимовга**

**АРИЗА**

Мен, Шавкат Шамов, ушбу аризам орқали шуни маълум қиласманки, ҳозирги кунда соғлиғим ёмонлашганли сабабли харакатланиш имкониятим чекланган. Шу сабабли жорий йилнинг 24 октябрь куни овоз бериш биносига чиқсан ҳолда овоз бериш имконига эга эмасман. Шуни инобатга олган ҳолда, сиздан менга жойида турган ҳолда овоз беришни амалга оширишда ёрдам беришингизни сўрайман.

Фуқаро  
24.10.2021

Ш. Шамов

**№7. ТОПШИРИҚ:**

1. Мазкур ариза билан танишиб чиқинг.
2. Жойида турган ҳолда овоз бериш учун қўйиладиган талаблар нималардан иборат? Фуқаро аризаси қаноатлантирилиши мумкинми?
3. Фикрингизни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 апрелдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисида”ги низом талаблари асосида изоҳланг.

**№7. ЖАВОБ:**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 апрелдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисида”ги низомнинг 69-бандига асосан, айрим сайловчилар соғлигининг ҳолатига ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, тегишли участка сайлов комиссияси овоз беришни ушбу сайловчиларнинг сайлов куни ёки сайлов кунига қадар қилган ёзма ёки оғзаки илтимосига биноан улар турган жойда ташкил этади.

Бунда участка сайлов комиссияси аъзоси мурожаатлар қайдлов дафтарига сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, мурожаат қилинган вақт ҳақида тегишли ёзув киритади ва ушбу маълумотлар участка сайлов комиссияси аъзосининг имзоси билан тасдиқланади.


Демак, ушбу ҳолатда фуқаро жойида турган ҳолда овоз беришга ҳақли. Участка сайлов комиссияси фуқаронинг жойида турган ҳолда овоз беришини ташкил қилиши лозим. Юқорида кўрсатиб ўтилган қарорнинг 70-бандига мувофиқ участка сайлов комиссияси томонидан сайловчи турган жойда овоз беришни ташкил этиш сайлов қунидаги иш ҳажми ва вазиятдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Хуҗжат макети  
6-участка сайлов  
комиссияси раиси  
А.Хакимовга

### АРИЗА

Мен, Дамир Исроилов, ушбу аризам орқали шуни маълум қиласманки, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг магистратура босқичига қилинди. Жорий йилнинг 6 сентябридан дарс машғулотлари бошланиши сабабли участка сайлов комиссиясининг фаолиятида иштирок эта олмайман. Шу сабабли 6-участка сайлов комиссияси аъзолигидан чиқаришингизни сўрайман.

6-участка сайлов  
комиссияси аъзоси  
31.08.2021



### №8. ТОПШИРИҚ:

1. Мазкур хужжатни диққат билан ўқинг.
2. Участка сайлов комиссияси томонидан йўл қўйилган хатони аниқланг.
3. Фикрингизни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 апрелдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисида”ги низом талаблари асосида асосланг.

### №8. ЖАВОБ:

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 апрелдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисида”ги низомнинг 2-

бандига асосан участка сайлов комиссиясининг аъзоси тегишинча округ сайлов комиссиясининг қарорига мувофиқ қуидаги ҳолларда ўз вазифасини бажаришдан озод этилиши мумкин:

шахсий аризасига кўра;

ваколатларидан маҳрум этилган тақдирда;

Сайлов кодекси талабларини бузган ёки зиммасидаги мажбуриятларини мунтазам равишда бажармаган тақдирда.

**Келтириб ўтилган ушбу банд талабларига асосан участка сайлов комиссиясининг аъзоси тегишинча округ сайлов комиссиясининг қарорига мувофиқ ўз вазифасини бажаришдан озод этилиши мумкин.**

Юқоридаги ҳолатда участка сайлов комиссиясининг аъзоси участка сайлов комиссиясининг қарори билан ўз вазифасини бажаришдан озод этилиши мумкин эмас ва ўз вазифасини бажаришдан озод этиш тўғрисидаги ариза округ сайлов комиссияси раиси номига ёзилиши лозим. Ушбу ҳолатда участка сайлов комиссиясининг ҳаракатлари сайлов қонунчилиги талабларига зид ҳисобланади.

Участка сайлов комиссияси  
далолатномасининг намунаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловинин ўтказувчи

34-участка сайлов комиссиясининг

ДАЛОЛАТНОМАСИ

2021 йил “10” септабр

Наманган шаҳри

34-участка сайлов комиссиясининг аъзоси Р.Хамидов участка сайлов комиссияси раиси томонидан тақсимланган тақсимотта асосан ўзига юклатилган вазифаларни ҳамда раис ва унинг ўринбосари топширикларини ўз вақтида бажармаган. Натижада сайлов комиссиясининг сайловга тайёргарлик кўриш билан жараёнларда камчиликларга йўл кўйилган.

Р.Хамидов кўриб чиқиш ўзига юклатилган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини белгиланган муддатларда кўриб чиқилишини таъминламаган. Бу эса фукароларнинг норозилигига, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнларига нисбатан ишончсизлик кайфияти ўйгонишига сабаб бўлган. Участка сайлов комиссияси раиси томонидан бир неча бор огохлантирилишига карамасдан ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажармаган.

Бундан ташқари Р.Хамидов участка сайлов комиссияси томонидан ўтказилган мажлисларида иштирок этмаган.

Юкоридагилардан келиб чиқсан ҳолда участка сайлов комиссияси Р.Хамидовни комиссия аъзолигидан чиқарилиши лозим деб хисоблади.

34-участка сайлов  
комиссияси раиси:

И. Шайхов

34-участка сайлов  
комиссияси котиби:

Д. Камилов

**№9. ТОПШИРИҚ:**

- 1.Мазкур далолатнома билан танишиб чиқинг.
- 2.Участка сайлов комиссияси томонидан йўл қўйилган хатони аниқланг.
3. Фикрингизни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 апрелдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини

ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисида"ги низом талаблари асосида изоҳланг.

### №9. ЖАВОБ:

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 апрелдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисида"ги низомнинг 2-бандига асосан, участка сайлов комиссиясининг аъзоси Сайлов кодекси талабларини бузган ёки зиммасидаги мажбуриятларини мунтазам равища бажармаган тақдирда тегишинча округ сайлов комиссиясининг қарорига мувофиқ қуидаги ҳолларда ўз вазифасини бажаришдан озод этилиши мумкин:

Бунда участка сайлов комиссияси аъзосининг Сайлов кодекси талабларини бузганлиги ёки зиммасидаги мажбуриятларга мунтазам равища эътиборсизлик қилганлигига оид ҳолат у аъзо бўлган участка сайлов комиссиясининг далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Ушбу нормалар талабларидан келиб чиқиб айтиш мумкини, участка сайлов комиссиясининг ҳаракатлари сайлов қонунчилигига мувофиқ амалга оширилган.

Хужжат макети

6-участка сайлов  
комиссияси раиси

А.Хакимовга

### АРИЗА

Мен, Анатжон Икромов, ушбу аризам орқали шуни маълум қиласманки, ҳозирда Наманган вилояти Норин тумани Юқори Чўжа МФЙ С.Турсунов кўчаси 1-йида вақтинча истиқомат қилмоқдаман. Жорий йилнинг 24 октябрида ҳам мазкур ҳудудда бўлишимни инобатта олган ҳолда, 6-сайлов участкаси сайловчилар рўйхатига киритишингизни сўрайман.

Фуқаро  
20.10.2021

Активация Windows  
Немає активованої Windows. Потрібно

## **№10. ТОПШИРИҚ:**

1. Мазкур ҳужжатни диққат билан ўқинг.
2. Участка сайлов комиссияси томонидан йўл қўйилган хатони аниқланг.
3. Фикрингизни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 апрелдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисида”ги низом талаблари асосида асосланг.

## **№10. ЖАВОБ:**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 апрелдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисида”ги низомнинг 31-бандига асосан, Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган пайтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки **вақтинча истиқомат қилаётган** Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари сайловчилар рўйхатига киритилади.

Ушбу нормага асосан **фуқаро вақтинча истиқомат қилаётган ҳудуд бўйича сайловчилар рўйхатига киритилиши лозим**.

Юқорида келтириб ўтилган низомнинг 34-бандига асосан Сайловчилар рўйхатида хато ва ноаниқликлар аниқланган тақдирда ҳар бир сайловчи участка сайлов комиссиясига мурожаат этишга ва сайловчилар рўйхатига киритилмаганлиги, нотўғри киритилганлиги ёки рўйхатдан чиқариб ташланганлиги, шунингдек, ўзи тўғрисидаги маълумотларда ноаниқликларга йўл қўйилганлиги ҳақида мурожаат қилишга ҳақли.

Сайловчиларнинг рўйхатларидаги хато ёки ноаниқлик юзасидан тушган мурожаатлар участка сайлов комиссияси томонидан 24 соат ичida кўриб чиқилиши ва уларни текшириши ҳамда хатони ёки ноаниқликни бартараф этиши ёхуд мурожаат қилувчига унинг мурожаати рад этилганлиги тўғрисида асослантирилган жавоб бериши шарт.

Сайлов участкаси ҳудудида вақтинча истиқомат қилаётган фуқаро сайловчилар рўйхатига киритилган тақдирда, доимий яшайдиган

участка сайлов комиссиясига уни сайловчилар рўйхатидан чиқариб, бошқа жойда рўйхатга олинганлиги ҳақидаги хабарнома СЖБАТ орқали автоматик тарзда юборилади.

**Ушбу низомнинг 40-бандига мувофиқ сайловчиларнинг рўйхатларига ўзгартишлар киритиш сайловга беш кун қолганида тўхтатилади.**

Фуқаро томонидан берилган аризага эътибор қаратсак, ариза УСКга 2021 йил 20 октябрда яъни сайлов қунига беш кун қолганида тақдим этилган. Бундан келиб чиқадики, фуқаро вақтинча истиқомат қилаётган ҳудуд бўйича сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин эмас. Ушбу ҳолатда УСКнинг фуқарони сайловчилар рўйхатига киритиш билан боғлиқ ҳаракатлари сайлов қонунчилигига мувофиқ эмас.

## МУНДАРИЖА

**Талапов Баҳридин Алижанович**

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИ САЙЛОВЛАР**

*Ўқув-услубий қўлланма*

Муҳаррир:

Техник муҳаррир:  
**Эркин АҲМЕДХОДЖАЕВ**

Компьютерда саҳифаловчи ва дизайнер:  
**Даврон ДАДАМИРЗАЕВ**

Нашр лицензияси: .....  
Босишига рухсат этилди: 11.09.2021 й.  
Босма табоғи: .... Адади: 500 нусха. Буюртма: №  
Нархи шартнома асосида  
..... босмахонасида босилди.  
Тошкент шаҳри, .....-уй.